

Термиз давлат университети
Касбий таълим факультети
“Ижтимоий-иқтисодий
таълим”
кафедрасининг ўқитувчиси
С. Худайберганованинг “Хўжалик
фаолияти таҳлили”
фанидан ёзган маъруза матнига
доц. Мирзаев А. Қ. томонидан

Т а қ р и з

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шаклларида қатъий назар хўжалик фаолиятини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда бевосита бозордаги рақобатни эътиборга олиб, қанча, нима ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоғи лозим. Шу билан бир қаторда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, маҳсулот таннархини имкон қадар камайтириб ва харидорларнинг эҳтиёжларига мос равишда рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш керак. Шунингдек, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига ҳолисона баҳо бериш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молиявий натижаларини тўғри аниқлаш, моддий- молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилишни “Хўжалик фаолияти таҳлили” фани ўрганади.

Мазкур маъруза матни 5140901: Касбий таълим: Ижтимоий-иқтисодий соҳа таълим йўналиши 3-курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб у ДТС, намунавий ва ишчи ўқув дастурларга мувофиқ келади ва олий ўқув юрти талабларига жавоб беради.

Такризчи:

доц. Мирзаев А. Қ.

Xo`jalik faoliyati tahlili fandan tuzilgan ma`ruza matni 5140901 : Kasbiy talim: ijtimoiy iqtisodiy soha ta`lim yo`nalishining o`quv dasturiga asosan yozilgan

Аннотация

Хўжалик фаолияти тахлили фанидан тузилган маъруза матни 5140901: Касбий таълим :Ижтимоий иқтисодий соҳа таълим йўналишининг ўқув дастурига асосан ёзилган

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

Касбий таълим факультети

Ижтимоий-иқтисодий таълим кафедраси

Факультет илмий кенгашида
“___” _____ 2008 йилда
тасдиқланган. Касбий таълим
факультети декани
_____ доц. Р.Тураев

“Хўжалик фаолияти таҳлили”

фанидан маърузалар матни

Ижтимоий-иқтисодий соҳа таълим йўналиши талабалари учун.

Тузувчи:

Такризчи:

ўқ..Худойберганова С

доц. Мирзаев А.

Ижтимоий-иқтисодий таълим
кафедрасининг 2008 йил
26 августдаги №1 – сонли
йиғилишида кўриб
маъқулланган. Баённома №1
Кафедра мудири:
_____ доц. Мирзаев А.

Термиз – 2008 й.

Xo`jalik faoliyati tahlili fandan tuzilgan ma`ruza matni 5140901 : Kasbiy talim: ijtimoiy iqtisodiy soha ta`lim yo`nalishining o`quv dasturiga asosan yozilgan

Аннотация

Хўжалик фаолияти тахлили фанидан тузилган маъруза матни 5140901: Касбий таълим :Ижтимоий иқтисодий соҳа таълим йўналишининг ўқув дастурига асосан ёзилган

Мавзу 1. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари

Ўрганиладиган саволлар

1. Корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти
2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни
3. Иқтисодий таҳлилнинг предмети
4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари
5. Фанлар системасида иқтисодий таҳлилнинг ўрни

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон». 1996- йил.
2. И.А.Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент. «Ўзбекистон». 1998- йил.
3. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансы и статистика» 1999 г.
4. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансы и статистика» 1998 г.

Қўшимча адабиётлар

5. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансы и статистика» 1997 г.
6. И.Т.Абдукаримов. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». Тошкент. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 йил.
7. А.Т.Иброҳимов. «Молиявий таҳлил». Тошкент. «Меҳнат». 1996 й.
8. К.Р.Раҳмонов. «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлили». Тошкент. «Фан». 1996
9. А.Х.Шоалимов. «Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш». Тошкент. «Меҳнат». 1992 й.
10. О.Ефимова. «Финансовый анализ». Москва. «Финансы и статистика». 1997 г.
11. В.Савицкая. «Анализ хозяйственной деятельности». Москва. «Финанс». 1999 г.

1. КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АҲАМИЯТИ.

Республикаимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир шароитда корхоналарнинг ривожланиши бевосита уларни бошқариш тизимига боғлиқдир. Республикаимиз халқ хўжалигидаги корхоналар фаолиятини самарали бошқариш учун эса улар фаолиятини муттасил ўрганиб, таҳлил қилиб туриш лозим бўлади. Республикаимизни бошқарув бўйинларида иқтисодий таҳлил муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий таҳлил иқтисодий ахборот маълумотларини ўрганиб, қайта ишлаб жамият ишлаб чиқаришини тезкорлик билан йўлга солиб туради.

Фан - техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, барпо этилган ишлаб чиқариш имкониятларидан жадал фойдаланиш, бошқарув системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлигини янада юксалтириш ҳозирги даврда олдимизда турган долзарб вазифадир. Бу вазифаларни бажариш учун саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур ва мунтазам тарзда таҳлил қилиш даркор.

Иқтисодий таҳлил саноат корхоналарини бошқариш системасида оралиқ босқични эгаллайди. Бошқариш жараёнида асосий уч босқични кўрсатиш мумкин:

Ахборотларни (маълумотларни) тўплаш ва тайёрлаш;

Объектнинг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида таклифлар киритиш;

Бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Бинобарин, қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкорлик билан ўтказилишига кўп жиҳатдан боёлиқ. Бу ерда асосий вазифа ана шу уч босқични бир-бири билан узвий равишда боёлаш ҳисобланади.

Корхона хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг устидан назорат ишларини олиб бориш учун раҳбарлик керакли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бунинг учун корхонанинг хўжалик фаолияти узлуксиз кузатиб борилади. Кузатиш йўли билан олинган маълумотлар маълум миқдор кўрсаткичларида ифодаланиб, исталган вақтда фойдалана олиш учун улар ўзига ҳос тартибда рўйхат қилиб борилади. Корхона хўжалик фаолиятида юз берадиган айрим ҳодисаларни кузатиш, ўлчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини миқдорларда акс эттиришдан иборат бўлади. Бу нарса хўжалик ҳисобининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Ҳозирги даврда халқ хўжалигини бошқариш анча мураккабдир. Бошқарувнинг асосларидан бўлиб тежамкорлик ҳисобланади. Хўжалик ҳисоби тежамкорликни амалга ошириб, асосий фондлардан самарали фойдаланишни, корхонада мавжуд бўлган хом-ашё ва материалларни тежаб сарфлашга ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Корхоналарни оқилона бошқаришда корхонада мавжуд бўлган моддий ресурсларини, меҳнат ресурсларини ҳамда молиявий ресурсларини иқтисод қилиш, маҳсулот таннархини ҳаражат моддалари бўйича таҳлил қилишни тақозо этади. Фақат кундалик назорат ва тезкор таҳлилгина ҳаражатларни белгиланган нормативлардан фарқ қилишини аниқлаб беради. Таҳлилни ҳақиқийлиги ва натижалари бўлишлиги кўп жиҳатдан таҳлил ишларини уюштириш ёки ташкил этишга ҳамда режалаштиришга боёлиқдир.

Иқтисодиётни бошқаришни тубдан ўзгартириш бизнинг ташқи иқтисодий алоқаларимиз самарадорлигини ошириш учун ва энг муҳими, ташқи бозор нуқтаи назаридан корхоналарнинг ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига, фан-техника тараққиётига таъсирини кучайтириш учун кенг йўл очади. Чунончи, корхоналарнинг мустақил тарзда ташқи бозорга чиқиши ва уларнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил топиши хўжалик юритишда янги жараён бўлиб, у ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ўзига ҳос махсус усулларини ишлаб чиқишни ва уларни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий мақсади:

- * иқтисодий ўсишни оралиқ натижалардан ижтимоий аҳамиятга молик пировард натижаларга, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қайтадан йўналтиришга;

- * фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг бош омилига айлантиришга;

- * моддий ресурслар ва истеъмол неъматларининг мутаносиблигини таъминлашга ва уларнинг тақчиллигини бартараф этишга;

- * хўжалик муносабатларида истеъмолчига устунлик беришга;

- * халқ хўжалиги ва аввало унинг асосий бўёини - корхона фаолиятининг ҳаражатга қарши пухта ишлайдиган механизмини яратишга қаратилган.

Юқорида қайд қилинган долзарб муаммоларнинг ечими ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг усулларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Таҳлил аввало тускинлик қилиш механизмини бартараф қилишнинг ва иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан ўсишини таъминловчи муҳим омилдир.

2. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ.

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўёри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳукуқини

қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлилнинг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

- 1). Саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
- 2). Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини таҳлил қилиш. Бунда иқтисодий районлар, ҳудудлар ва бутун халқ хўжалигини таҳлил қилиш тушунилади. Шуни айтиш керакки, халқ хўжалигини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, у сиёсий иқтисод ва тармоқлар иқтисодиёти курсларида ўрганилади. Холбуки, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар қаторидан ўзига ҳос мустақил ўрин олган.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган қуйидаги тамойиллари мавжуд:

- Объектнинг ҳолатини дастлаб иқтисодиётнинг назарий асосларига биноан таҳлил қилишнинг зарурлиги ва ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бир-бирига ўзаро боёқлиги;
- Таҳлилнинг комплекс хусусиятга эгаллиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боёқлиқ иқтисодий кўрсаткичлар системасининг қўлланилиши;
- Иқтисодий маълумотларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни туркумлаш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдорий ва сифат белгиларига қараб тавсифлаш;
- Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти;
- Таҳлил натижалари асосида илёт тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга яна ҳам кенг жалб қилиш;
- Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли ва унинг таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Ҳозирги шароитда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги нокулай йўналишларни тез бартараф этишда иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта ислоҳ қилишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги вазифадир. Иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни бошқаришни қайта қуришнинг моҳияти ва уни амалга ошириш тамойиллари билан бевосита белгиланади. Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳияти – барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик усуллари билан иқтисодий усулларга, манфаатлар орқали бошқаришга, бошқаришни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтишдир. Ҳозирги босқичда туб ислохотни амалга ошириш бозор иқтисодиёти афзалликларини мумкин қадар тўлароқ рўёбга чиқариш имконини берадиган яхлит, самарали ва эпчил бошқариш системасини вужудга келтиришни тақозо қилади.

Хўжалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш кўпгина таъсир этувчи омилларга, шартларга ва ҳолатларга боёқлиқ бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, корхоналар фаолиятини бошқаришда бошқарув функцияси асосий мавқеини эгаллайди, шу билан бирга таҳлил ҳам. Ушбу функцияларнинг тўлиқ фаолияти ва даражаси кўп жиҳатдан уларнинг услубиятига боёқлиги билан, бундан ташқари бошқарув объектида фаннинг предмети ўз вақтида аниқ тушуниши билан ажралиб туради.

Бизга маълумки, одатда ҳар қандай фан ўз предмети орқали объектив борлиқнинг қайсидир томонлари ва қисмларини тушуна олади. Айнан битта объектни турли хил фанлар ўзининг ихтисослик томонларидан ёки алоқаларидан келиб чиқиб турлича қараши мумкин. Кўришиб турганидек, хўжалик фаолияти ўзининг мазмуни ва структураси жиҳатидан мураккаб объект эканлиги билан ажралиб туради.

Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятини кўпгина иқтисодий фанлар ҳамда бошқа фанлар ўрганиши мумкин.

Ҳар бир фан жамият, табиат ва идроклаш, тараққиёт ҳақида маълум бир билим беради. Бундай билим беришда ёки ўрганишда табиат ва жамиятни ривожлантиришдаги умумий қонуниятларига, тамойилларига амал қилади.

Иқтисодий таҳлил ҳам аниқ фан сифатида куйидагилар ҳақида махсус билим беради:

- Иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеаларни ривожланишини, ўзгаришини объектив (ташқи) ва субъектив (ички) таъсир этувчи омиллар билан умумий боёлиқ ҳолда ўрганиш;
- ўрганилаётган фирма, ташкилот, муассаса ва уюшмаларнинг фаолиятини тўлиқ ва кенг ўрганган ҳолда аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- Ижобий ва салбий таъсир этган омилларни аниқлаш, рақамларда кўрсатиш ва ҳисоблаш;
- Бор бўлган имкониятлар, самарадорликни оширишни йўл-йўриқларини кўрсата олиш;
- Илёор ёоя ва тажрибаларни ўрганилаётган жараёнга қўллаш йўналишларини белгилаш.

Иқтисодий таҳлилда ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан мураккабга ёки аксинча ўрганилади, ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан ўзвий боёланиши эътиборга олинади. Демак, хўжалик фаолиятини таҳлили фирмаларнинг иқтисодий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олиб ўрганади.

3. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ПРЕДМЕТИ.

Фаннинг предмети дейилганда, шу фан нимани ўргатади деган саволга жавоб бериш орқали келтириб чиқарамиз.

Фаннинг предмети деб – фирма, уюшма, бирлашма ва ҳакозоларни хўжалик жараёнлари, уларнинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлиги ва уларнинг фаолиятини яқуний молиявий натижаларини ўрганиш тушунилади. Бундан ташқари бундай ўрганишда таъсир этувчи субъектив ва объектив қонуниятларга амал қилинади, шунингдек, ўрганиш учун кўпгина иқтисодий маълумотлардан фойдаланилади.

Фаннинг предмети таърифидан шу нарса кўриладики, демак фан корхоналарнинг хўжалик жараёнларини ўрганар экан, ҳамда қандай иқтисодий самарадорликка эришганлигини кўрсатар экан, ҳамда бу самарадорликни ўзгаришига таъсир этган объектив сабаблар (корхона фаолиятига мутлақо боёлиқ бўлмаган), яъни давлат сиёсати, бозордаги талаб ва таклиф, баҳо, табиий омиллар ва ҳакозолар.

Бундан ташқари корхона фаолиятига боёлиқ бўлган субъектив омилларни ҳам эътиборга олиб таҳлил қилиш тушунилади. Субъектив омил дейилганда, - корхоналарнинг амалий фаолияти билан юқори самарадорликка эришиш, яъни, меҳнат, моддий ва асосий фондлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига кўпроқ махсулот ишлаб чиқариш ва юқори фойда олиш эвазига корхоналар фаолиятини яхшилаш мумкинлигини ҳам ўрганади.

Иқтисодий манбаалардан фойдаланиб ўрганиш дейилганда эса бухгалтерия, статистик, тезкор ҳисоб маълумотларидан фойдаланган ҳолда корхона ва фирма фаолияти аниқ рақамлар билан ўрганилади ва умумлаштирилади. Чунки иқтисодий манбаалар корхоналарда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни аниқ ўлчайди, акс эттиради ва баҳо беради.

4. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шароитга қараб белгиланиб борилади, лекин у олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун қатор услубларни қўллайди.

Иқтисодий таҳлил фанининг асосий вазифалари бўлиб, иқтисодий адабиётларда қуйидагилар келтирилган:

- ўрганилаётган объектив (ҳодисага) тўғри ва ҳолисона баҳо бериш;
- Тузилган бизнес режаларнинг тўғри ва илмий асосланганлигига баҳо бериш ;
- Моддий, меҳнат ва молиявий бойликлардан самарали фойдаланганликка баҳо бериш;
- Хўжалик ҳисоби тамойилларига, хўжалик ҳисоб – китобларига амал қилишликни мунтазам текшириб туриш;
- Корхоналарда мавжуд бўлган самарадорликни ошириш йўлида уларнинг имкониятларини аниқлаш;
- Энг тўғри ва оқилона, келгусида иш юритиш ва корхоналарни бошқариш бўйича ҳулосалар бериш;
- Корхоналарни ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар асосини аниқлаш;
- Режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боёлиқ бўлган ва боёлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратган ҳолда аниқлаш;
- Корхоналарнинг хўжалик фаолияти жараёнида эришиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан аниқлаш.

1. ФАНЛАР СИСТЕМАСИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЎРНИ.

Иқтисодий таҳлил фани объектив заруратдан, талабдан келиб чиққан аниқ иқтисодий фан бўлиши билан бир қаторда бошқа фанлардаги умумий қонуниятлар, тартибларга риоя қилади. Яъни кўпгина фанлар билан ўзаро боёлиқликда бўлади. Жумладан, умумиқтисодий назария фани билан бевосита алоқадордир. Умум иқтисодий қонуниятларни ва категорияларни иқтисодий таҳлил қилишда амал қилинади. Умум иқтисодий назария фанида иқтисодий категориялар ва атамаларнинг мазмунини ва моҳиятини очиқ бериладиган бўлса, иқтисодий таҳлил фанида эса ушбу иқтисодий категориялар ва атамаларни таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда ўрганиб, таҳлил қилинади. Масалан, Ялпи Маҳсулот деб номланувчи кўрсаткични оладиган бўлсак, умум иқтисодий назария фанида ялпи маҳсулотни мазмун ва моҳияти нимадан иборат эканлиги?, у қандай аниқланиши?, таркибига нималар киришини билиб олишимиз мумкин. Иқтисодий таҳлил фанида эса ушбу ялпи маҳсулот ҳажмини маълум даврлар бўйича таққослаган ҳолда, уларнинг динамикасини ўрганиб, таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

Табиат, жамият ва тафаккурни ривожланиши ҳақидаги фалсафий таълимотлар ҳам таҳлилда фойдаланилади, яъни умумий ривожланиш, ўрганилаётган жараёнга диалектик қараш ва ҳақозолар.

Иқтисодий таҳлил фани қуйидаги фанлар билан ўзаро алоқадордир:

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- Микро ва макро иқтисод;
- Режалаштириш (бизнес режа тузиш);
- Статистика ва информатика;
- Молия, банк, солиқ масалаларига тааллуқли фанлар билан;

- Иқтисодий математика ва компьютер асослари фани билан;
- Хуқуқий фанлар билан;
- Табиий фанлар билан ва ҳақозолар.

Бизга маълумки, бухгалтерия ҳисоби мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ҳўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Яъни ҳўжалик жараёнида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни узлуксиз равишда ҳужжатларда акс эттириб бориш ҳамда тегишли проводкаларни бериб боришдан иборатдир. Иқтисодий таҳлил эса ҳўжалик жараёнларида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни таҳлил усуллари орқали ўрганиб, тегишли хулосалар ва таклифларини бериши мумкин бўлади.

Таҳлил билан молия, солиқ органлари ва давлат банки ҳодимлари ҳам шуёулланади. Улар аввало сум билан назорат қилиш, корхоналарнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига таалукли масалалар билан қизиқади.

Статистика органлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуёулланади. Улар қабул қилинган ҳисобот материалларини статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиёма ахборот материаллари билан таъминлайди.

Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналарнинг ҳисоботини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар.

Мавзу бўйича танияч иборалар:

- иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни;
- фан предметининг таърифи;
- Фанни вазифалари;
- Иқтисодий назария ва таҳлил фанларининг боёқлиги;
- Бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил;
- Аудит ва таҳлил;
- Маркетинг ва таҳлил;
- Молия ва таҳлил;
- Солиқ ва таҳлил.

Мавзу 2. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва усуллари. Иқтисодий-таҳлилнинг иқтисодий-математик усуллари.

Ўрганиладиган саволлар

1. Иқтисодий таҳлил методи ва унинг муҳим ҳусусиятлари.
2. Иқтисодий таҳлилнинг услубларини гуруҳларга ажратиш.
3. Таққослаш услуби ва уни қўллашда амал қиладиган шартлар.
4. Гуруҳлаштириш услуби
5. Балансли боёқланиш услублари
6. Абсолют ва нисбий кўрсаткичларнинг ҳисоблаш.
7. Занжирли боёқланиш услуби ва унинг иқтисодий таҳлилда қўлланилиши.
8. Иқтисодий математик усулларнинг турлари.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни». «Ўзбекистон овози» 17 сентябрь 1996 йил.
2. «Маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши» ҳақидаги Низом. Тошкент 1999 йил.
3. Коментарии к положению о составе затрат. Тошкент. Мин.Фин.РУ 1995 г.
4. Учебные материалы к положению о составе затрат. Тошкент. Мин.Фин.РУ. 1996 г.

Қўшимча адабиётлар

5. Баканов М.И. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М: Финансы и статистика 1996.
6. А.Иброҳимов «Молиявий таҳлил». Т. Меҳнат 1995.
7. А.Х.Шаолимов «Саноат корхоналар фаолиятининг таҳлили» Т.»Меҳнат» 1992.
8. Қ.Рахмонов «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш».
9. М.Тўлаходжаев «Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш». Т.1996.
10. Ефимова О.В. Финансовый анализ-М:Бухгалтерский учёт, 1996.
11. Шеремет А. Д.Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. М: ИНФРА-М, 1996.
12. Бернстаин А.А. Анализ финансовой отчетности. М:»Финансы и статистика». 1996.
13. Ковалёв В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. М: Финансы и статистика. 1995.
14. Астахов В.П. Анализ финансовой устойчивости фирмы (процедурысвязанные с банкротством). М.1996.

1. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг хусусиятлари.

Ҳар бир фаннинг методи объектив борлиқни табиат ва жамиятни ривожланишини ўрганишда қандай ёндашишлик лозимлигини кўрсатади.

Метод - грекча «metodos» сўздан олиниб, назариёт, таълимот ва амалиётларга ўрганишдаги изланиш йўллари англатади. Кенг маънода метод дейилганда ҳақиқатни, объектив борлиқни, табиат, жамият ва мавжудотларни ривожланишини, материалистик дунёни диалектик-материалистик қонуниятларга асосланиб ўрганишлик тушунилади.

Диалектик-материалистик ўрганиш қуйидаги хусусиятларни эътиборга олади:

- а) Ҳар бир ўрганилаётган жараёнлар бир-бири билан боёқланишда ва боёқликда ўзгаришда ва ривожланишда бўлишликни;
- б) Ўзгариш ва ривожланишлар қарама-қаршиликлар қонуниятлари асосида бўлиб, объектив ҳақиқат, ҳақиқий борлиқ ифодаланади деб қарайди.

Диалектик-материалистик ўрганиш қонуниятларига амал қилингани ҳолда ҳар бир фан ўзининг предмети, мазмуни ва вазифаларини бажариши учун махсус методига ҳам эга бўлишлари лозим.

Иқтисодий таҳлил фани ҳам корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини ўрганишда диалектик-материалистик метод қонуниятларига амал қилади.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий таҳлил методини корхона (фирма), ташкилот, муассаса, бирлашма ва ҳ.з.лар хўжалик жараёнларини содир бўлиши ва ривожланишини ўрганишдаги диалектик ёндашиш усулларига айтилади деб таъриф берилган. Иқтисодий таҳлил методининг ўзига ҳос томон ҳам хусусиятлари бўлиб:

- Хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўпгина кўрсаткичлар системасини қўллаш;
- Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгариш ва фарқ сабабларини тўлиқ аниқлаш;

-Иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида кўрсаткичларнинг бир-бирига боёлиқ ҳолда ўрганиш ва ҳ.з.

Таҳлил методининг таърифига кўра хўжалик жараёнларини ўрганишда диалектик ёндашишлик, яъни ҳар бир жараён, иқтисодий ҳодиса бор, мавжуд ва ривожланишда деб қаралади. Бу жараёнлар сондан сифат ўзгаришига ва янги сифатнинг пайдо бўлишига, инкорни-инкор қилиш, қарама-қаршилиқ курашига, эскининг тугаши, янги-илёс жараёнларнинг пайдо бўлиш хусусиятга эга бўладилар. Ҳуллас диалектик-материалистик метод ва унинг барча усуллари хўжалик жараёнларини ўрганишда, таҳлил қилишда ўз аксини топади.

Иқтисодий таҳлил методининг таърифида унинг эътиборли хусусиятлар ҳам кўрсатилган, жумладан хўжалик жараёнлари ва иқтисодий воқеаларни таҳлил қилишда жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланиши кераклиги.

Бу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган иқтисодий жараённинг мазмуни ва ҳажмига боёлиқ бўлади, ҳатто таҳлил натижасида янги аввал мўлжалланмаган кўрсаткичлар ҳам аниқланиши мумкин. Ўрганилаётган хўжалик жараёнларининг фарқланиши ва ўзгариши сабаблари таъсир кўрсатган омилларни ҳисоблаш иқтисодий таҳлил методининг яна бир ўзига ҳос хусусиятидир. Чунки таҳлил қилинаётган иқтисодий жараёнлар доимо бир-бири билан узвий боёлиқ ва алоқада бўлади, таҳлил эса бу боёлиқлик ва алоқаларни аниқ ўлчаш ва ўрганиш имкониятига эга. Ҳатто айрим олинган хўжалик жараёни бутун бир якуний натижага сезиларли таъсир кўрсатади ва ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам хўжалик фаолиятининг ўзгариши сабаблари, таъсир этувчи асосий ва қўшимча омилларни аниқлаш таҳлил методининг муҳим хусусияти бўлиб саналади.

Айниқса таъсир кўрсатган сабаб ва омилларни тўғри гуруҳлаш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг сифатли бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий таҳлил методининг яна битта ўзига ҳос томони ўрганилаётган кўрсаткич ва хўжалик жараёнлари бир-бири билан ўзаро боёлиқлиги ва боёланишдагини ўлчаш яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмига таъсир этувчи сабабларни ўрганишдир.

Масалан корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми уч гуруҳ омиллар, ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларидан фойдаланмасликка боёлиқ ўз навбатида ҳар бир гуруҳ омиллар майда элементларга бўлинади. Меҳнат кучидан фойдаланиш омили сон ва сифатга ажратилади. Сон омили бу ишчилар сони, сифат эса меҳнат унумдорлиги (битта ишчига ишлаб чиқарилган маҳсулот) ишчининг ўртача бир йилдаги унуми эса бажарилган бир йиллик киши кунлари, иш вақтининг ўзунлиги ва битта ишчининг бир йилда ишлаган киши соатига боёлиқ. Бу санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич эса яна бошқа сабабга боёлиқ. Ўртача битта ишчининг бир йилда ишлаган киши кунлар сонининг ҳажми қўшимча дам олиш, ишга келмаслик, ўзоқ сафарга бориш, касаллиги ва корхона айби билан ишламаслик каби сабаблар таъсир кўрсатади.

Демак барча кўрсаткичлар бир-бири билан занжирли боёланиб кетган ва бу умумий занжир, системада ҳар бир омилнинг ўз ўрни ва таъсир кўрсатиш ҳажми бор. Таҳлил жараёнида эътиборга олинмаган ҳар битта кўрсаткич ёки омил унинг натижаларни ноаниқ бўлишига ҳатто иқтисодчиларни нотўғри ҳулосаларига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, таҳлил методининг муҳим хусусияти ўрганиладиган иқтисодий кўрсаткични алоҳида, бошқа омиллардан ажратиш, алоҳида таҳлил қилмайди, балки улар ўзаро боёлиқликдалиги эътиборда тугилади. Айрим ҳолларида ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзгариш сабаблари таъсир этиши бир хил ўзгармас шарт-шароитда айнан ўхшаш бўлишлиги иқтисодий таҳлилда қўлланилади, айрим омиллар таъсири бир хил шароитда ўзгармас деб қаралади.

2.Таҳлил методлари ва услублари гуруҳларга ажратиш.

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради.

Таҳлил услубларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларни бир-бирига боёқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Иқтисодий таҳлилнинг услубларини шартли равишда одатдаги ва математик гуруҳларга ажратиш мумкин. Одатдаги услублар иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён қўлланилиб, анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган таққослаш, гуруҳларга ажратиш, абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш баланс ва занжирли боёқлаш ва ҳ.з.

Математик услублар эса иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ходимларига ўзатиш ишлари бошланганда қўлланилади.

3. Таққослаш услуби ва уни қўллашда амал қиладиган шартлар.

Иқтисодий таҳлилнинг одатдаги услубларидан энг кўп ва аввалдан қўлланилиб келаётгани таққослашдир. Ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, жараёни ўрганиш, таққослаш, маълум кўрсаткичлар билан нисбат, солиштириш йўли билан ўрганилади. Бундай ўрганишда ҳодиса ва жараёнларни ўзгартиришининг асосий ва қўшимча сабабларни аниқланади, тараққиёт даражага баҳо берилади, одатда таҳлил таққослаш билан бошланади дейилади. Таққослашнинг бир неча турлари мавжуд: бизнес режа маълумотлари, ўтган йиллар эришилган кўрсаткичлар, энг илёт ва юқори, ўртача эришилган натижалар билан.

Бизга маълумки иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан тузилган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишига баҳо беришдан иборатдир. Шу билан ҳам маълумотлари билан ҳисобот (ўрганилаётган) йил эришилган натижаларни таққослаш таҳлилининг аҳамияти юқорилиги кўринади.

Бизнес режа маълумотлар билан ҳақиқатда эришилган натижаларни таққослаб, аниқланган фарқлар таҳлилнинг кейинги чуқур ўрганиш учун объект бўлади, яъни ҳисобланган ўзгаришлар тузилган бизнес режанинг асосланганлиги, тўғри ва бор ҳақиқий имкониятга яқин, бажарилиш имконияти кенглигини билдиради. Шунингдек бу аниқланган фарқлар бизнес режанинг сифатли тузилганлиги ёки бор ҳақиқатдан узоқчилигини ифодалайди.

Ҳақиқатда эришилган маълумотларни бизнес режада кўзда тутилган кўрсаткичлар билан таққослашда аниқланган катта фарқлар, айрим ҳолларда баҳо ўзгаришлари ёки паст режалаштирилиши, имкониятларни тўла ҳисобга олинмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин.

Бундай ҳолларда аввалги тузилган бизнес–режа кўрсаткичлари қайта ҳисобланиши (корректировка) лозим ва сўнгра ўрганиладиган маълумотлар таққосланади, ҳуллас таҳлилда кўрсаткичлар асосланган бўлиши (мумкин) талаб қилинади.


Иқтисодий таҳлилнинг таққослаш услуби жорий давр маълумотлари билан ўтган йиллар кўрсаткичларини боёқлаб ўрганишда ҳам кенг қўлланилади. Айниқса кунлик, ўн кунлик, ойлик, кварталлик ва йиллик фаолиятини айнан ўтган йиллардаги шу даврликда эришилган натижаларга таққослаш зарур, фақат аниқ натижаларни билиш учун таққосланиш шарт ва талабларга амал қилинса бас. Маҳсулотлар таннари, харажат турлари ва элементларини ўрганишда бундай қайта ҳисоблашлар, бир хил баҳо ўлчамида ўрганишлар талаб этилади.

Энг илЁор, юқори ва яхши маълумотлар билан таққослаб, ўрганиш ва хулоса келтириш иқтисодий таҳлилда муҳим роль ўйнайди. Фан ва техника ютуқларидан илЁор Ёоя ва технологиядан корхона (фирма) қандай имкониятда фойдаланганлигини билишнинг ҳам асосини бу таққослаш кўрсатади. Корхона (фирма) ичидаги цех, звено, бригада бўлим кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаш ички натижаларни билдирса, бир хил ихтисосли қўшни мулк эгаси маълумотлари билан таққосланиш эса илЁор, самарали фаолият кўрсатишга Ёрдам беради.

Таҳлилда муҳим аҳамиятни чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадида ташкил этиладиган хорижий фирмалар билан корхона (фирма) маълумотларни таққослаш эгаллайди. Бунда кўрсаткичлар бир-бири билан таққослаши мослаштирилиб, сўнгра эса илЁор тажриба натижалари ўрганилади ва келгуси фаолиятда бу тажрибаларга амал қилиши йўллари кўрсатилади. Корхона (фирма) фаолиятида қанчалик кўп чет эл илЁор тажриба ва технологияси жорий қилиниш йўлларини белгилаш, шунчалик келгуси самарали, ишлаб чиқаришни ташкил қилишга асосий замин бўлади. Иқтисодий таҳлилда таққосланишнинг турли усулларини мунтазам қўллаш йўл қўйилган камчиликларни тузатишга, юқори кўрсатишга, юқори кўрсаткичга ва тажрибага эга бўлган қўшни хўжаликлар ютуқларидан фойдаланишга имкон яратади.

Таққослаш усули корхоналар фаолиятини таҳлилда қўшни хўжаликлар, ўртача ноҳия, вилоят ва жумҳурият маълумотлари билан ўрганилаётган хўжалик маълумотларни солиштиришда ҳам ишлатилади. Буларнинг барчаси хўжалик фаолиятининг тўла ва чуқур ўрганишга, кўрсаткичларни ўсиш Ёки камайганини аниқ билишга имкон яратади.

Куйидаги схемада таққослаш усулининг қўлланилиши доираси кўрсатилган.



—	ИлЁор хўжалик маълумотлари билан.	—
—	Ўртача туман, вилоят ва жумҳурият маълумотлари билан.	—
—	Чет эл мамлакатлари тажрибалари билан.	—
—	Фирма ичидаги бригада, цех ва кўрсаткичлари билан.	—

1—Чизма. Жорий йил маълумотларини таҳлилида таққослаш усулининг қўлланилиши.

Иқтисодий таҳлил фанида кўрсаткичларни таққослаб ўрганишда куйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

1. Таққослаб ўрганиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг аниқланиш усули айнан бир хил бўлиши керак. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткичларни тўёри таққослаш учун мазмунан бир хил усулда аниқланганлигини текшириш лозим. Масалан корхоналарни рентабеллик даражасини фойдани ишлаб чиқариш фондларига Ёки маҳсулотларнинг тўлиқ таннархига нисбатан, айрим ҳолларда эса соф фойда Ёки сотилган маҳсулотларнинг тўлиқ таннархига нисбатан ҳам аниқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам рентабеллик кўрсаткичини ўрганиладиган даврлар бўйича бир хил усулда ҳисоблаб, сўнгра ўзгариш даражасини таҳлил қилиши лозим. Демак фақатгина кўрсаткичларни аниқлаш усули бир хил бўлганлигига ишонч ҳосил қилишидан сўнггини, таҳлил билан шуёулланиш лозим.

2. Бир хил баҳода ҳисобланган кўрсаткичларгина таққосланиши лозим. Таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткичларни турли йиллар баҳосида ҳисоблаб ўрганиб бўлмайди. Чунки баҳо ўзгариши қиймат шаклда маҳсулотларни ҳисоблашда катта таъсир этади. Шунинг учун ҳам хўжаликлар амалий фаолиятида ўзгармас (ҳар 5-10йилги) солиштирма баҳолар қабул қилинган. Масалан ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик қорхоналарида 1995 йил солиштирма баҳолари қўлланилмоқда. Бунда ҳар йили етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми 1995 йилги баҳосига кўпайтирилиб солиштирма баҳодаги янги маҳсулотнинг умумий қиймати топилади, шу билан бирга янги маҳсулот кўрсаткични солиштириш имкониятига келтириб меҳнат унумдорлигини, фонд қайтими ва бошқа иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини қатор йиллардаги даражаси ўрганилади.

Бир хил баҳога айлантиришлик методининг камчилиги шундаки, таҳлил даврида солиштириладиган маҳсулот таркибини ўзгармай туришини чегаралаб қўяди.

3. Режа топшириқларининг бажарилиши оёирлиги мос келиши лозим. Бу шарт айниқса корхоналарнинг режа топшириқларини бажарилиши даражасини таҳлил қилишда кўпроқ эътиборга олиниши лозим. Режа топшириқларини бажарилиш оёирлигини ҳисоблаш бўйича методик қўлланмада коэффицентлардан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган. Куйидаги мисолда режа топшириқларининг оёир—енгиллигига қараб кўрсаткичларни таҳлил қилишни кўриб чиқамиз.

Масалан: №1- цехда меҳнат унумдорлик режаси 103 процент бажарилган, маҳсулот ишлаб чиқаришни вазмин бажарилишини оёирлик коэффиценти 0,9, №2- цех эса меҳнат унумини 105 процентини, режани бажарилишини оёирлик коэффиценти 0,8 да бўлса, Агарда №2 цех 0,9 коэффицентда меҳнат унумини 100 процентини бажарар экан. Демак бу билан №2 цехга юқори имкониятли деб баҳолаш мумкин.

ёки режа топшириқлари бажарилиши оёирлигини корхонадаги аниқ имкониятларга қараб ҳам аниқланиб, сўнгра таҳлил билан тугилланиш лозим.

4. Ўрганиладиган даврлар бир хил бўлиши лозим. Бу талабнинг мазмуни аввалги талабга нисбатан бир мунча оддий бўлиб, таҳлилда ўрганиладиган кўпгина кўрсаткичларнинг ҳажми ва ўзгариши давр-вақтнинг узун ва қисқалигига боёлиқдир.

Масалан: ой, квартал, декада ва йил охирларида корхоналарда иш қизёин ва тезлашиб кетиши бу даврдаги маълумотларни ўрганишда эътиборга олиниши лозим. Қурилиш ташкилотларида йил мобайнида объектларга харажат сарфлари турлича бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам айрим кўрсаткичларни таҳлил қилишда, бу омил эътиборда бўлиши керак. Демак иқтисодий таҳлилда таққослаб ўрганиладиган кўрсаткичларнинг содир бўлиши вақти ва даври албатта ҳисобга олинади.

5. Корхонанинг жойланиши ва иқлим шароити тенг даражада ҳисобга олиниши лозим. Турли хил иқлим ва шароитда жойлашган корхоналарнинг кўрсаткичларини ҳато хулосаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу табиат омилларини таъсири иқтисодий таҳлилда эътиборга олиниши лозим.

Турли хил табиий шароитда ишлайдиган корхоналарда жорий ва аввалдан мўлжалланган харажатлар ҳажми, маҳсулотлар бирлигига меҳнат сарфининг миқдори, энергия сарфи, транспорт восита харажатлари ва бошқа турдаги чиқимларда фарқ бўлади. Иқлим совуқ территорияларда энергия билан таъминлаш харажатлари юқори бўлса, жанубий зоналарда (Ўрта Осиё, Кавказ бўйи) Ёзги иссиқ кунлари совуткич харажатлари кўпроқ бўлади. Харажатлар ҳажмига фақат табиат омилларигина эмас, балки тупроқ тузилиш, сейсмонлик ҳолатлар ҳам таъсир этади.

Шунинг учун ҳам таққослаш белгиси сифатида турли тизим ва табиий омиллар таъсирини ҳисобга олувчи махсус усуллар жорий қилиниши лозим. Фақат аниқ шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий таҳлилнинг таққослаш усулини қўллаб ўрганишгига тўёри натижаларни беради.

6. Кўрсаткичлари таққосланувчи корхоналарнинг ихтисослашуви, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва хўжалик йўналишлари бир-бирига ўхшаш бўлиши керак.

Бу талабнинг муҳим томони шундаки ҳар хил корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлича меҳнат, машина-харажатлар талаб қилиши, асосий фондларнинг таркибидаги ўзгаришлар ва фарқлар, ўртача меҳнат унумдорликни, фонд қайтимини ва маҳсулот бирлигига сарфлар ҳажмини ўзгариб кетишни эътиборга олишлик лозимлигини кўрсатади.

Лекин юқорида кўрсатилган фарқ ва тафовутларни аниқ ҳисоблашнинг умумий тартиби иқтисодий адабиётларда ҳам етарли даражада ёритилмаган.

7. Ўрганиладиган объектлар сони ҳеч мос бўлишлик шarti - бунда таққосланувчи кўрсаткич фақат айрим цех ёки бригада бўйича олинган бўлса қолган талаб қилинган маълумотлар ҳам фақат шу объектларга тегишли бўлиши лозим. Умуман тармоқ ёки хўжалик бўйича ўрганиладиган маълумотлар билан иккинчи корхонадаги айрим кичик маълумотлар солиштирилиши аниқ натижани акс эттирмайди. Фақатгина ҳажми жиҳатидан мос келувчи белгилар бўйича маълумотларни ўрганишгига таҳлил натижаларини янада аниқлаштиради.

Маҳсулотлар сифати ҳам таққослаш усулини қўллаганда назарда тутилиши лозим.

Бу талабнинг мазмуни шундан иборатки, таққосланадиган маҳсулотлар бўйича сифат кўрсаткичлар тенг бўлиши зарур. Бунинг учун ўрганиладиган кўрсаткичлардаги энг юқори сифат асос деб қаралиб, қолган турдаги пай сифатли маҳсулотлар коэффицентлардан фойдаланиб юқори сифат маҳсулотларига тенглаштириб ўрганилади. Масалан: қишлоқ хўжалигида турли корхоналар ўртасидаги янги пахта ҳосили таҳлил қилинганда

1-нав пахта-1 коэф.

2-нав - 0,8

3-нав - 0,7

4-нав - 0,5 ва х.

Ҳар бир нав бўйича етиштирилган маҳсулот ҳажми тегишли коэффицентларга кўпайтирилиб умумий шартли ялпи ҳосил аниқланади ва кўрсаткичлар таққосланади.

Демак, корхоналар фаолиятини таққослаш усули қўллаб ўрганишда сон ва сифат кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда биргаликда таҳлил қилиш лозим.

9. Техник ҳавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлаш бўйича тадбирлар билан боёланиб кўрсаткичларни солиштириш.

Техник ҳавфсизлиги ва атроф муҳитни тозаллигини таъминлаш аниқ корхонадаги маҳсулот ҳажминини кўпайтиришга таъсир этмасада, балким меҳнат унумдорлигини ўстиришга, таннархни пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўрганиладиган корхоналардан энг юқори техника ҳавфсизликни ва атроф муҳитни софлигини таъминланганлик учун бажарган харажатларга қолган корхоналарни сарфини тенглаштирилиб сўнгра кўрсаткичлар таҳлили бажарилади.

10. Таққослаш усулини қўллашда муҳим талаблардан яна бири ижтимоий ишлаб чиқариш турлари хусусийдами, коллектив Ёки давлат корхонасидами албатта ҳисобга олиниши лозим. Бу эса кўрсаткичларни иқтисодий мазмунини билиш ва уларни таққослаш талабларига келтиришга Ёрдам беради.

Демак таққослаш усулини қўллашдаги юқорида таъкидланган шартларга реал қилиш таҳлилнинг сифатли бўлишига, унинг натижаларини тўғри бўлишига Ёрдам беради.

Хўжалик маълумотларини таққослаш усулида ўрганишда таққослаш усули талабларига амал қилган ҳолда кўрсаткичларни тайёрлаб аудит жадвал шаклида Ёки график шаклида маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Бундай таққослаш натижасида жамоа хўжалигининг янги маҳсулот ишлаб чиқариши тўғрисидаги кўрсаткичларнинг ўтган даврларга нисбатан ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.

4. Гуруҳлаштириш услуби.

Ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар энг аввало бошланғич ҳужжатларда акс эттирилади. Бу бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилиш учун, улар маълум тартибга солиниши «аналитик группалаштириш» зарур. Аналитик группалаштириш - бу йиғма-умумий маълумотлардан алоҳида муҳим белгилари ва хусусиятлари бўйича гуруҳларга ажратишдир.

Аналитик группаларни ўзининг бажарадиган мақсади ва мазмунига қараб: типологик, таркиби ва омилли группаларга ажратиш тушунилади. Бундай группалар тузишга саноат корхоналарида барча ҳодимларни категорияларга ажратилишини мисол қилиш мумкин. Саноат ишлаб чиқариш ҳодимларининг категорияларига қараб асосий ва Ёрдамчи ишларга, инженер-техник ҳодимлар ва ишчилар ўртасидаги нисбатларни қай даражалигини ўрганилади. Шу билан бирга кейинчалик ҳар бир турдаги категориядаги ҳодимларни ўз ичига яна майда группалар тузилиши мумкин. Масалан: ишчилар категориясини ҳисоб коди бўйича яна бўлақларга бўлиш мумкин.

б) Тартибий гуруҳлаштириш-умумий йирик белгилар бўйича тузилган группалар ичидан айрим қонуниятлар ва белгиларни ўрганишга мўлжалланади. Масалан: умумий ишчилар сонини малакаси, маълумоти, иш (тартиби) тажрибаси, Ёши, жинси ва бошқа белгилари бўйича ўрганиш.

в) Омилли группалаштириш - ўрганиладиган ҳодиса ва қонуниятларнинг ўзгариш сабаб-оқибатларига таъсир қилувчи омиллар бўйича группаларга ажратишга мўлжалланади. Бундай группаларга ҳодимларнинг ойлик маошини ўзгаришини ва уларнинг иш стажига боёқлиқлигига қараб группалар тузишни мисолга келтириш мумкин.

Бу юқорида келтирилган группалаштиришнинг барча турлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Ҳозирги тузулаётган ҳисобот формаларида келтирилган маълумотлар ҳам маълум белгилари ва хусусиятларига қараб группаларга ажратилган ҳолда келтирилмоқда, меҳнат кўрсаткичларни ҳодимлар категориялари бўйича келтирилиши, уларга сарфланган меҳнат ҳақи (5-форма) сарфланган ҳаражат турлари бўйича (22-форма) маълумотлар ҳам маълум тарзда группалаштирилиб келтирилган. Ҳисоботлардаги маълумотларнинг группалаштирилиб келтирилганлиги иқтисодий таҳлилни бажаришни онсонлаштиради.

Бошқарув ишларни қўйи звенодан юқorigа қараб катталашуви билан группалаштириш усулининг аҳамияти ва мазмуни ўса боради. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда группалаштириш қўлланилса маълум талаб ва қонуниятларга амал қилинади. Масалан: типологик группалар тузганда иқтисодий асосланган, таҳлилда аниқ қонуниятлар кўринадиган группа тузумига интилиш лозим.

Таркибли ва омили группалаштиришда эса - группалар оралиғидаги фарқлар масофалар бир-бирига мосланиш лозим. Корхонада 12 пахтачилик бригадаси бўлиб улардаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилиши лозим бўлса, қуйидагича группалаштирилиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1-Жадвал

Бригадаларда ҳар гектар пахта экилган майдондан олинган ҳосил: ц/га

Бригада	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Пахта ҳосилдорлиги Ц/га	22	24	21	28	26	20	26	23	28	29	22	20

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидаги группалар тузиш мумкин.

I-ҳосилдорлик 22 ц/га 3 бригада (3,6,12)
 II-ҳосилдорлиги 22,0 дан - 24,0 гача 3 бригада (1,8,11)
 III-ҳосилдорлиги 24,0 - 26 ц/га 3 бригада (2,5,7)
 IV-ҳосилдорлиги 26 ц/га дан юқори 3 бригада (4,9,10)
 Жами корхона бўйича ҳосилдорлик 24,5 12

Юқорида тузилган 4-группа бўйича таҳлил қилиниши лозим бўлган иқтисодий масалалар ўрганилиши мумкин, яъни бригадаги меҳнат унумдорлиги, агротехника қоидаларига риоя қилинганлик, пахта таннархи, ўртача бир ишчига сарфланган меҳнат ҳақи ва бошқалар.

Группалаштириш усулини қўллашда ҳам айрим талаб ва қонуниятларга амал қилиниши лозим, жумладан:

1) Таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида тузилган группалар ўртасидаги интерваллар оралиғини яқинроқ олиш лозим.

2) Дастлабки ва охири (гр. Орлик) группа очик, қолган орлик группалар Ёпиқ бўлиши, яъни бошланғич ва охири группа чегаралари аниқ бўлиши керак.

3) Группалар тузиш кичик сондан, юқorigа бориш тартибга амал қилинган ҳолда тузилиши.

4) Барча ўрганиладиган объектлар сони тузилган группаларга баравар тақсимланганлигига риоя қилиниши.

Юқорида кўрсатилган талабларга амал қилишлик иқтисодий таҳлили натижаларини тўғри ва аниқ бўлишига, ўрганиладиган кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқ ҳисоблаш имкониятларни янада кенгайтиради.

5. Балансли боёланиш услуби.

Иктисодий таҳлил қилишда кўпгина кўрсаткичлар бир-бири билан функционал боёлиқликда ўрганилади. Бир ўрганиладиган маълумотнинг ўзгариши иккинчи кўрсаткич билан чамбарчас боёлиқ бўлади. Масалан: товар маҳсулотининг йил охирига қолдиёини таҳлил қилишда унинг йил бошидаги омборда бўлган қиймати, йилда давомида ишлаб чиқарилган ва сотилган товар маҳсулотлар ҳажмини ўрганмасдан ҳисоб-китоб қилиш аниқ натижа келтирмайди. Бу боёлиқликни қуйидаги формулада (товар маҳсулоти баланси) кўрсатиш мумкин.

$TK_{\text{йил бошига}} + MT = CT + TK_{\text{йил охирига}}$
 Бунда: TK - товарлар қолдиёи йил боши ва йил охирига
 MT - товар маҳсулот кирими (ишлаб чиқарилган маҳсулот)
 CT - жами сотилган ва жўнатилган товарлар

Демак корхонада товар маҳсулоти сотиш ҳажмига.

$(CT=TK) CT=TK_{\text{йил бош.}} + MT - TK_{\text{йил охирига}}$ тенг бўлади, демак балансли боёланиш усулини қўллашга товар маҳсулот ҳажмини тўёри ўрганиш имконини беради.

Иктисодий таҳлилни айниқса меҳнат ресурслари, ер фонди, даромад ва харажатларни, молиявий ҳолатни каби мавзуларни ўрганишда балансли боёланиш усули қўлланилади, меҳнат ресурсларини баланс услуби билан ўрганишда корхонада мавжуд бўлган меҳнатга қобилиятли яшовчиларни тармоқлар бўйича, яъни деҳқончилик, чорвачилик, ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришларига тақсимланиши балансини тузуш мумкин.

Ер фонди бўйича ҳам корхоналардаги жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни экин турларига тақсимланганлиги баланси тузилиб таҳлил қилинади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботининг 1-шакли «Бухгалтерия баланси» ҳам ушбу услубга асосланиб тузилган. Баланс маълумотларига асосланиб корхоналарни молиявий ҳолати, тўлов қобилиятга эгаллиги таҳлил этилади.

Жадвал - 2.

Корхонани тўлов даражасини балансли боёланиш усули билан ўрганиш (минг сўм)

Тўлов маблаёлари	Сумма	Тўлов мажбуриятлари	Сумма
1. Пул маблаёлари	2000	1. Мол етказиб берувчиларга қарз	1200
2. Тайёров ташкилотларига жўнатилган товарлар	300	2. Давлат бюджетига қарз	600
3. Тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлар	600	3. Меҳнат ҳақиға ажратма	100
4. Бошқа тушумлар	100	4. Социал суёуртаға бўлган қарз	50
		5. Тўлов муддати етмаган кредиторлик қарз	150
		6. Бошқа чиқимлар	100
Жами	2500	Жами	220
Тўлов мажбуриятларнинг кўплиги	-	Тўлов маблаёларининг ортиқчаси	30
Баланс	2500	Баланс	2500

Демак балансли боёланиш усулини қўллаб корхоналарнинг пул даромадларини тўлов мажбуриятларига етарла ва етмаслигини таҳлил қилиш мумкин экан. Баланс усулини иктисодий таҳлилда қўллаш ўрганиладиган кўрсаткичларнинг бир-бири билан функционал боёлиқлиги яқин бўлгандагина ижобий ва тўёри натижалар келтиради.

5. Абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш услуби.

Абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш усули - кўпроқ статистика фанида кенг қўлланилиб, таҳлилда кўпгина ўрганиладиган кўрсаткичларни ўсиш ва ўзгаришини ҳисоблашда ишлатилади. Абсолют ўзгариш таҳлилда ҳар бир ўрганиладиган маълумотларни аввалга даврларга нисбатан фарқларини кўрсатса, нисбий кўрсаткичлар эса фоиз, коэффициент, индексда ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўрганиш ва тартиблари статистика фанида ёритилади. Иқтисодий таҳлилда абсолют ва нисбий кўрсаткичларини қўлланилиши меҳнат ҳақи фондини сарфланишида ўрганишда айниқса кўпроқ ишлатилади.

Жадвал - 3.

Меҳнат ҳақи фондининг абсолют ва нисбий фарқларини ҳисоблаш.

	Жорий йил режаси	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бажарилишига караб ҳисобланган	Ҳақи- қатда	Фарқи	
				Абсолют	Нис-бий
1	2	3	4	5(4-2)	6(4-2)
Меҳнат ҳақи Минг сўм	2000	$\frac{2000 \times 105}{100} = 21000$	2060	-60	-40

Корхонада меҳнат ҳақи фондининг абсолют фарқи - 60,0 минг сўмни нисбийси эса - 40,0 минг сўмни ташкил қилади. Демак хўжалик меҳнат ҳақи сарфини режадаги белгиланган нормага нисбатан 40,0 минг сўмга иқтисод қилган. Бундан кўринадики нисбий кўрсаткичлар таҳлилида янада кўпроқ аниқликни ифодалар экан.

6. Занжирли боёвланиш услуби.

Занжирли боёвланиш услуби - умумий кўрсаткичларга ҳар бир олинган алоҳида кичик омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун қўлланилади. Бунда ҳар бир кичик омилни таъсирини ҳисоблашда икки омиллар кўпаймасидан иборат қаторлар тузулади ва бу жараёнда турла вариантлар бўйича ўрни алмаштирилган ҳисоблашиш ишлар бажарилади, натижада маълум шартли кўрсаткичлар топилади. Бу топилган шартли кўрсаткичга таъсир этувчиларнинг ҳолислантирилгани, яъни танлаб алоҳида олинган бир омилнинг ўзгариш ҳисобига содир бўлган фарқ топилади. Занжирли боёвланиш услубининг моҳиятини аниқ амалий мисолда янада яққолроқ кўриш мумкин.

Масалан: деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи, ҳосилдорлик ва бир гектар ерга сарфлар нормасини ўзгариши билан боёққидир ёки сарфланган материаллар қиймати сарф нормаси ва бир бирликнинг баҳосининг ўзгариш сабаблари билан боёққидир.

Жадвал-4

Занжирли боёвланиш услубининг материал сарф ҳаражати ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашда қўлланилиши.

	Бизнес режа	Ҳақиқат да	Фарқи (+,-)
1. Материал миқдори ц	30	32	+2
2. 1 ц. қиймати, сўм	92	90	-2
3. Жами материал ҳаражат, сўм	2760	2880	+120

Жами материал харажатлар суммасининг ўзгариши - 12- сўм, бунга таъсир кўрсатган омилларни ҳисоблаш учун, қўшимча шартли кўрсаткич (режа баҳо ва ҳақиқий норма) аниқлаймиз.

$$92 \times 32 = 2944 \text{ сўм}$$

Материал харажатларнинг бизнес-режадан ортиқ сарфланишига:

а) норманинг ўзгаришини таъсири

$$2944 - 2760 = +184$$

б) баҳо ўзгариши

$$2880 - 2944 = -64$$

Иккала омилнинг таъсири

$$+184 - 64 = 120 \text{ сўм}$$

Иқтисодий математик усулларнинг турлари.

Ҳар бир фан борки у ҳаётга кириб келиш давомида ўз предмети ва методига эга бўлиши керак. Шундай экан «Иқтисодий таҳлил» ҳам ўз предметиға эга бўлиб қуйидагича таъриф берилган.

«Иқтисодий таҳлил» фанининг предмети деб хўжаликлар, корхоналар ва ҳақозоларни фаолият жараёнлари, уларни ижтимоий- иқтисодий жараёнлари самарадорлигива уларнинг якуний молиявий натижаларини ўрганиш тушунилади. Бошқача айтганда объектив ва субъектив қонуниятлар асосида, кўпгина иқтисодий маълумотлардан фойдаланиб хўжаликларни «Молиявий таҳлил» қилиш тушунилади.

Предметнинг келиб чиқиши эса ўз-ўзидан фаннинг методини аниқлашни тақоза этади. Бизнинг фанимиз ўз фаолиятини юритишда эса иккита катта методға таянади.

* Ананавий (оддий) усул;

* Иқтисодий математик усул.

Ананавий усулға : Занжирли боёқланиш, гуруҳлаш, абсолют ва нисбий фарқларни ҳисоблаш ва башқалар кириб, бу усул олдинги мавзуларда кенгрок баён этилган.

Ҳозир бизнинг асосий вазифамиз иқтисодий математик усулни кенгрок, мисолларда кўриб ўтамыз. Унга кўра иқтисодий математик усулларға эвристик усул, корреляцион ва регрессион усул, назарий уйин усули ва шу каби бошқа усуллар киради.

Иқтисодий таҳлилнинг омиллар системаси ва детерминлашган моделлари.

Кўп жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг турларини ривожланган мамлакатлар шартли равишда икки гуруҳға бўлади:

- Балансли, яъни оддий
- Омилли, яъни иқтисодий- математик

Уларнинг фикрларига кўра иқтисодий таҳлил- бу аввалом бор омилли таҳлилдир деб тушунади. Омилли таҳлил деганда таҳлил жараёнидаги кўрсаткичларға таъсир этувчи омиллар тизимини эътиборға олиб ўрганиш тушунилади.

Иқтисодий математик усулни қўллаш, таҳлил қилинаётган жараёнларнинг муракаблигига, ҳажмига ва ўрганиш лозим бўлган вазифаларига боёқдир.

Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб бу усул таркибидаги хоҳлаган усулчамизни (интеграл, регрессив ва корреляцион.эвристик ва х.к.) танлаб олишимиз мумкин.

Иқтисодий математик усулларни қўллаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Масала шартини белгилаш;
2. Ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи шароитларни, омилларни аниқлаш;
3. Математик ҳисоблаш методикасини белгилаш;
4. Иксперимент моделини белгилаш;
5. Ҳисобланган кўрсаткичлар ва натижаларни таҳлил қилиш;
6. Ўрганилаётган иқтисодий ҳодисаларни кўпгина ечимларини топиш.

Ҳар бир ҳисоб китоб иши борки, у аввол бор ўз шартини белгилаш билан бошланади. Аниқланаётган объектни шартини белгилаш бизнинг олдимиздаги асосий вазифани белгилаб беради ва шунинг учун ҳам ишимизни масала шартини белгилаш билан бошлаймиз. Шундай экан шартни белгилашдан кейин бу жараёнга таъсир этувчи омилларни кетма- кетликда аниқлашимиз зарур. Чунки ҳар бир жараённинг содир бўлишига турли хил омиллар таъсир этади ва бизга керакли бўлган омилларни аниқлашимиз зарур.

Бу икки назарий босқич якунидан сўнг биз амалий босқични бошлаймиз, яъни иқтисодий математик ҳисоблаш методикасини белгилаш бу босқичга қадам ташлаганлигимиздан далолат беради. Ундан ҳисоб китоб ишлари бажарилиб, ҳисобланган кўрсаткичлар ва натижалар молиявий таҳлил қилинади.

Статистик моделлар ва иқтисодий омиллар системасини таҳлили.

Омиллар тизимини моделлаштиришда иложи борича ҳисобланиб ўрганиладиган барча омиллар бир-бири билан боёқ, ҳамда умумий натижага таъсир этишни аниқ ҳисоблаш имконияти бор деб, белгилаш талаб этилади. Бу тушунчани аниқ мисолда ўрганишда рентабеллик коэффицентини ўрганиш мумкин. Рентабеллик коэффиценти соф фойдани асосий ишлаб чиқариш фондининг йиллик ўртача қийматига бўлиб топилади ёки уни математик моделлаштирсак,

$$R = \frac{Fb}{(Q+W)} \quad \text{ёки} \quad \frac{X1}{X2+X3}$$

Fb , $X1$ - ҳисобот йил соф фойда,

Ҳисобот йилги соф фойдани топиш учун. молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот формасидан фойдаланамиз. 2-ҳисобот формасининг 200-сатрида биз учун керакли кўрсаткич ўтган ва ҳисобот йилларига миқдорий жиҳатдан берилган бўлади.

Қ, Х2- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати. Асоси йишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини топиш учун биз баланс ёки асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот формасига мурожат қиламиз. Мазкур 1 ва 2-ҳисобот формаларидан хоҳлаган биридан фойдаланиб асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган дастлабки ёки қолдиқ қийматини аниқлаб оламиз. Масалан биз 1-ҳисобот форма «Баланс»дан фойдаланиб Асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган бошланғич қийматини (010-сатр) оламиз. Бунга кўра , Х1 йил бошига бошланғич қиймат; Х2-йил охирига бошланғич қиймат бўлсин. У ҳолда уларнинг Х-ўртача қуйидагича аниқланади:

$$X = \frac{(X1 + X2)}{2}$$

Келиб чиққан натижа асосий воситаларнинг ҳисобот йилига ўртача қийматини беради.

И, Х3- Меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати. Меъёрлашган айланма маблағларни ўртача қийматини 10-журнал ордеридан фойдаланиб ёки баланснинг 120 сатридан то 160 сатригача бўлган сўтлар жамламаларидан фойдаланиб йил бошига ва йил охирига бўлган қийматларини топиб оламиз. Аниқланган миқдорлар худди асосий воситалар учун топилган ўртача сингари, айланма маблағлар ўртачасини топишда ҳам фойдаланилади.

Омилларни ўрганишда эвристик усулини қўллашнинг моҳияти рентабеллик коэффицентининг ўзгаришига таъсир этган сабабларни ўрганишда намоён бўлади.

Рентабеллик коэффциентини ўзгариш сабабларини аниқлаш.

Кўрсаткичлар	шартли белги	Режа	Хақи қатда	Фарқи (+ ; -)
А	1	2	3	4
Абсолют кўрсаткич				
1.Соф фойда, минг сўм	X_1	714	9022	+188,2
2.Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати, минг сўм	X_2	4430	5844	+1414
3.Меёрлаштирилган айланма маблаёларнинг йиллик ўртача қиймати, минг сўм	X_3	2120	2396	+276
4.Реализация қилинган маҳсулот, минг сўм	N_i	6432	7340	+908
Нисбий кўрсаткич				
5.Бир сўмлик реализация қилинган маҳсулотга тўғри келадиган соф фойда				
6.Асосий фондлар сиёими	X_1/N_i	0,111	0,122	+0,011
7.Меёрлаштирилган айланма маблаёлар сиёими.	X_2/N_i			
8.Меёрлаштирилган айланма маблаёларнинг айланиш коэффциенти	(X_5) X_3/N_i	0,688 0,329	0,796 0,326	+0,108 -0,003
9.Жами фондлар таркибдаги меёрлаштирилган айланма маблаёлар улуши	(X_6)	3,034	3,063	+0,029
10.Рентабеллик коэффциенти	N_i/X_3	0,323	0,290	-0,032
	$X_3/(X_2+X_3)$	0,109	0,1095	+0,005
	$X_1/(X_2+X_3)$			

$$1. \Delta R(X_4) = \frac{\Delta X_4}{X_5 + X_6} = \frac{0.011}{0.108 - 0.03} = 0.105,$$

$$2. \Delta R(X_5) = \frac{\Delta R + \Delta R(X_4)}{\Delta X_5 + \Delta X_6} = \frac{0.0005 + 0.105}{0.105} = +1.005$$

$$3. \Delta R(X_6) = \frac{\Delta R - \Delta R(X_4)}{(\Delta X_5 + \Delta X_6) * \Delta X_6} = -0.003$$

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики.

1. Бир сўмлик реализация қилинган маҳсулотга тўғри келадиган фойданинг нисбий тамонга ўзгариши 0,105 коэффциентига рентабелликни оширган;
2. Асосий фондларнинг сиёимини ўзгариши эса умумий рентабелликка +1,005 коэффциентга ижобий таъсир этган;
3. Айланима маблаёларнинг ўзгариши эса -0,003 коэффциентга салбий таъсир этган ва натижада умумий рентабелликка қуйидагича бўлган

$$\Delta R = \Delta R(X_4) + \Delta R(X_5) + \Delta R(X_6) = 0.105 - 1.005 - 0.003 = -1.107$$

Натижада умумий рентабеллик режага нисбатан ҳақиқатда 1,107 коэффицентга ошган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биз рентабелликни ошуви коэффицентнин аниқлашимиз мумкин, яъни

$0,1095:0,1090=1,005$ айрим ҳисоб китобларнинг яхлитланиши ҳисобига 0,002 коэффицентга фарқ берган: $1,107-1,105=0,002$

4. Корреляцион ва регрессион таҳлил.

Корреляцияли ва регрессияли усул кўрсаткичлар ўртасидаги боёқлик доирасини аниқлашда кенг қўлланилади. Корхона ҳодисалар ўртасидаги эҳтимоллик, боёқликни ифодалайди. Бу икки ёки кўп кўрсаткичлар ўртасида бўлиши мумкин.

Корреляцияли ва регрессияли усулдан фойдаланиб қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулот таннархи билан меҳнат сарфи ўртасидаги боёқликни аниқлаймиз.

Акционерлик жамияти бўйича қуйидаги маълумотлар берилган.

Цехлар	Махс. бир бирлик т/н	Махс бир бирлигига сарфланган меҳнат хақи	X_1^2	X_2^2	$X_1 * X_2$
1	2 (X ₁)	3 (X ₂)	4	5	6
1	240	40	57600	1600	9600
2	220	40	48400	1600	8800
3	231	41	53361	1681	9471
4	239	40	57121	1600	9560
5	255	57	65025	3249	14535
6	260	53	67600	2809	13780
7	280	64	78400	4096	17920
Жами:	1445	271	427507	16635	83666

Маҳсулот бирлиги таннархи ва маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи ўртасидаги боёқлик доираси қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$R = \frac{X_1 X_2 - X_1 * X_2}{\sqrt{AX_1 * AX_2}}$$

Бу ерда:

1) $\overline{X_1 X_2} = (\text{sum}(X_1 * X_2)) / n$, формуласига кўра,

$$\overline{X_1 X_2} = 83666 / 7 = 11952;$$

2) $\overline{X_1} = (\text{sum}(X_1)) / n$, формуласига кўра, $\overline{X_1} = 1445 / 7 = 206,4;$

3) $\bar{X}_2 = (\text{sum}(X_2)) / n$, формулага асосан, $\bar{X}_2 = 271/7 = 38,7$;

4) $\bar{X}_1 * \bar{X}_2 = 206,4 * 38,7 = 7987,68$;

5) $AX_1 = ((\text{sum}(X_1^2)/n) - (\bar{X}_1)^2)$, бунга кўра, $AX_1 = 135,9$

6) $AX_2 = ((\text{sum}(X_2^2)/n) - (\bar{X}_2)^2)$, бунга кўра, $AX_2 = 26,9$

Ҳисоблаш натижаларидан келиб чиқиб, боёқлик доирасини аниқлаймиз. $R = 0.98$

Демак, маҳсулот таннарихи билан меҳнат сарфи ўртасидаги боёқлик 0.98 га тенг экан. Албатта бу омилнинг боёқлик доираси катта коэффицентни ташкил этади. Чунки бу омил ишлаб чиқариш бўлиш учун энг катта омиллардан бири ҳисобланади.

5. Линеяли программалаштириш ва унинг таҳлилда қўлланилиши.

Статистик боёқланиш деб, шундай боёқланишга айтиладики, унда миқдорлардан бирининг ўзгариши иккинчисининг тақсимот ўзгаришига олиб келади. Хусусан, статистика боёқлик миқдорлардан бирининг ўзгариши иккинчисининг ўртача қийматини ўзгаришида кўринади. Бу ҳолда статистик боёқланиши корреляцион боёқланиш деб аталади.

Шартли ўртача қиймат $y.x.$ деб Y нинг $X=x$ қийматига мос қийматларнинг арифметик ўртача қийматига айтилади. Натижада;


$$y.x. = F(x)$$

тенглама ҳосил бўлиб, бу Y нинг X га регрессия тенгламаси дейилади ва мана шу математик жумлалардан фойдаланган ҳолда иқтисодий таҳлилни корреляцион ва регрессион усулини келтириб чиқарамиз. Бу усул чизикли программалаштиришнинг давоми сифатида келади.

Лекин биз аввало чизикли программалаштириш формуласини келтириб чиқаришимиз лозим. Y ҳолда,

$$Y = a + bx$$

Кўринишида бўлиб қуйидагича графикни ҳосил қилади.



Бу кўриниш иккита бир- бирига боёқ омиллари таҳлилини олиб боришда қўл келади. Фараз қилайлик маҳсулот ҳажмининг ошиши ҳаражатларнинг ошишини ҳам таъминлайди.

6 Интеграл усулини таҳлили.

Эҳтимоллар назариясидан бизга малумки, ҳар бир синашда A ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоли p ўзгармас бўлиб, ноль ва бирдан фарқли бўлса, u ҳолда n та синашда A ҳодисанинг k_1 дан k_2 мартагача рўй бериш эҳтимоли

1. P_{n,k_1,k_2} таркибига эга бўлади. Мазкур жумладан келиб чиққан ҳолда биз иқтисодий таҳлил фанида ўрганиладиган интеграл усулини келтириб чиқарамиз.

Шундай экан хўжалик фаолиятини ўрганишда барча омиллари ва таъсир этувчи сабаблар ўзгариб туради ва бир-бири билан боёқликда эканлиги эътиборга олинади лозим. Иқтисодий ҳодисаларни хўжалик фаолияти таҳлил қилишда ўрганиш ва билиш учун аниқсиз битта кўрсаткичнинг ўзгаришига иккита ва ундан ортиқ омиллари таъсир этишини ҳисоблашда интеграл усули кўпроқ қўлланилади. Бу усулнинг мазмуни қуйидаги аниқ мисолда кўрсатилган.

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига моддий қийматликлар ва ундан самарали фойдаланганлик (материал қайтими) таъсир этганлигини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Режа	Ҳақиқатда	фарқ (+ -)	Бажарилиш %
A	1	2	3	4	5
1. Ялпи маҳсулот, минг сўм ҳисобида	N^i	5254	5224	-30	99,4
2.Моддий қийматликлар, (минг сўм ҳисобида)	Γ	4430	5844	+1414	113,9
3.Материал қайтими (1сумлик материал ҳисоб)	R^u	1,18	0,893	-0,292	75,4

Ялпи маҳсулот ҳажмининг -30 минг сумга камайишига таъсир этган сабабларни,яъни:

- Моддий қийматликлар ҳажмини ўзгаришини маҳсулот ҳажмига таъсири. $<N^i.f.$
- Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига материал қайтимини таъсири. $<N^i.r.$

1. Материаллар ҳажмини ўзгаришини маҳсулотга таъсирини интеграл усулида қуйидагича аниқланади:

$$\Delta N^i.f. = R^u.0. * \Delta F$$

Формуласига кўра,

$$<N^i.f. = 1.18 * 1414 = 1668,5 \text{ минг сум.}$$

2. Материаллар қайтимини ўзгариши учун:

$$\Delta N^i.r. = F.1 * \Delta R^u + ((\Delta R^u * \Delta F) / 2)$$

Формуласига кўра,

$$\Delta N^i.r. = 5844 * (-0.292) = -1706,5 \text{ минг сўм.}$$

3. Иккала омилнинг таъсири:

$$S = \Delta N^i.f. + \Delta N^i.r$$

Формуласига кўра,

$$S = 1668,5 - 1076,5 = -38 \text{ минг сўм}$$

Иккала омилнинг таъсири -30 минг сўмни ташкил этиши керак эди, лекин айрим яхлитлашлар ҳисобига -38 минг сўмни ташкил этди. Шунинг учун -30 минг сўмлик маҳсулот ҳажмини камайишини -38 минг сўм миқдори билан алмаштириб, аналитик жадвалимизга хулоса берсак.

Демак, маҳсулот ҳажмининг -38 минг сўмга камайишига фондларнинг ҳажмининг кўпайиши ижобий ёки 1668,5 минг сўмга кўпайтирган, лекин фондлардан фойдаланиш самараси эса салбий, яъни 1706,5 минг сўмга пасайган.

Демак маҳсулот ҳажмининг режага нисбатдан кам бўлиши самарадорликни пасайганлиги туфайли юз берганлиги интеграл усулини қўллаб ўрганиш натижасидан кўриниб турибди.

Мана юқорида айтганимиздек иқтисодий математик усулнинг интеграл усулидан фойдаланиб материал қайтими ва материал ҳажмининг ўзгаришини маҳсулот ҳажмига таъсири миқдорий қисмини ҳам аниқладик. Бу билан тахминимизнинг аниқлик даражасини ананавий (оддий) юқорилиги кўриниб турибди.

7. Назарий ўйин усулининг таҳлилда фойдаланишнинг ўзига ҳос томонлари.

Назарий ўйин усулининг моҳияти шундан иборатки, турли хил шарт-шароитларда корхона ёки фирма учун қандай йўл топиш ёки келгусидаги тактика ва стратегиясини белгилаш йўналишларини топиш учун қўлланилади. Корхона (фирма) турли хил усулларни қўллаб иш юритиши мумкин, лекин бу усул ёки вариантларни ичида энг қулай ва юқори манфаат келтирувчи йўл ёки вариант ягона бўлиши мумкин. Ушбу ягона аниқ йўлни билиш учун назарий ўйин услубини қўллаган ҳолда аниқлаш мумкин.

Корхона (фирма) ишлаб чиқарган маҳсулотини қанчалиги ва истеъмолчилар сотиб олиши учун керакли меъёردаги миқдорни билиш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Бозордаги талаб;
- Бозордаги таклиф;
- Товарнинг бозордаги боҳоси;
- Аҳолининг харид қобилияти;
- Мавсумийлик ва хоказо.

Назарий ўйин усулининг моҳиятини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин.

Корхона мавсумий ишлаб чиқариш циклига эга. Шунинг учун ҳам йил давомида корхона жорий счётига маҳсулот сотишдан келадиган тушум бир хил эмас.

Вазифа.

Корхона ишлаб чиқаришни қай тарзда ташкил этса жорий счётига тушадиган тушум йил давомида бир хил бўлсин. Масалан, корхона октябрь ва ноябрь ойларида бир дона КУРТКА ишлаб чиқариш учун 700 сўм харажат қилади, бир дона ПАЛЬТО ишлаб чиқариш учун эса -3000 сўм харажат қилади. Сотиш брҳоси эса Куртка учун-1000 сўм бўлса, Пальто учун эса-4000 сўм.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики корхона ҳаво иссиқ келса 500 дона куртка ,300 дона пальто сотар экан. Совуқ ҳавода эса 200 дона куртка маҳсулоти, 600 дона пальто маҳсулоти сотар экан.

Ҳавони қай даражада бўлишлиги аввалдан башорат қилиш қийинлигини эътиборга олиб, яъни табиат инжиқлигини ҳисобга олган ҳолда корхонага тушадиган даромадни барқарорлаштиришни талаб этилса, бунинг учун қуйидагича ҳисоб китоб ишлари олиб борилади.

1. Ҳаво иссиқ келганда корхона даромади қуйидагича бўлади.

$500 \text{ дона куртка } (1000-700) + 300 \text{ дона пальто } (4000-3000) = 150000 + 300000 = 450000 \text{ сўм};$

2. Совуқ ҳаводаги даромади.

$200 \text{ дона куртка } (1000-700) + 600 \text{ дона пальто } (4000-3000) = 60000 + 600000 = 660000 \text{ сўм.}$

Корхона иссиқ ҳаво учун мўлжаллаган стратегияси А, совуқ ҳаво учун В. Табиатнинг иссиқ хавоси учун С, совуқ хавоси учун D белгилашларини киритамиз

Корхона учун А ва В стратегиялардан ташқари, табиатнинг инжиқлиги натижасида оладиган даромадига таъсир кўрсалиши мумкин. Масалан, корхона А стратегиясини қўллади, лекин ҳаво совуқ келди. Бунда корхонанинг даромади,

$200 \text{ куртка } (1000-700) - 300 \text{ куртка } (1000-700) + 300 \text{ пальто } (4000-3000) = 270000 \text{ сўм.}$

Агар корхона В стратегияни қўллаган ҳолда С ҳаво бўлса, у ҳолда;

$200 \text{ куртка}(1000-700) + 300 \text{ куртка}(1000-700) + 300 \text{ пальто}(1000-700) = 60000$ сўмни ташкил этади.

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб эса, қуйидагича матрица жадвалини тузамиз. Бунда корхона P1- команда, табиатни эса P2 шартли белги билан- белгиласак. У ҳолда;

Ўйинлар	P			
P1	Стратегия	C	D	min
	A	450000	270000	270000
	B	60000	660000	60000
	Max	450000	660000	

P1 ўйинчи, A стратегиясида номалум X

B стратегиясида $(1-X)=Y$

Кўринишда номаълум киритиб X номаълумни топсак. Бунинг учун қуйидаги кўринишда икки иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда тенглик тузамиз.

$450000(X) + 60000(1-X) = 270000(X) + 660000(1-X)$ бунга кўра,

$450000X + 60000 - 60000X = 270000X + 660000 - 660000X$

$780000(X) = 60000$ ва $X = 10/13$ га тенг

$Y = 1 - (X)$ формуласига кўра эса яна $3/13$ қийматни келтириб чиқарамиз,

Келтириб чиқарилган $X = 10/13$; ва $Y = 3/13$ коэффицентларидан фойдаланиб корхонанинг иккала табиат шароитида ҳам эга бўлиши мумкин бўлган максимал даромадни топамиз яъни:

1. $450000 * (10/13) + 60000 * (3/13) = 360000$ сўм;

2. $270000 * (10/13) + 660000 * (3/13) = 360000$ сўм.

Кейинги вазифамиз корхонанинг қандай нисбатда йил давомида пальто ва куртка ишлаб- чиқариши лозимлигини топиш керакки, шанда даромад йил давомида 360000 сўмни ташкил этсин. Бунинг учун қуйидаги ҳисоб китобларни амалга оширамиз.

$500 \text{ куртка} * (10/13) + 200 \text{ куртка} * (3/13) + 300 \text{ пальто} (10/13) + \text{пальто} 600 * (3/13)$

$500/13 \text{ куртка} + 600/13 \text{ куртка} + 300/13 \text{ пальто} + 1800/13 \text{ пальто} = 385 \text{ куртка} + 46 \text{ куртка} + 231 \text{ пальто} + 138 \text{ пальто} = 431 \text{ куртка} + 369 \text{ пальто}$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш, корхона учун иккала табиат шароитида ҳам даромадини ўзгартирмаган ҳолда фаолиятини давом эттиради.

Буни текшириб ҳам кўришимиз мумкин

1-ҳол 431 дона куртка ва 369 дона пальто табиатнинг қандай бўлишидан қатъий назар йил давомида ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳаво илиқ келди. Бунда бизда, 431 дона курткадан ҳаммаси, 369 дона пальтодан эса 300 дона сотилади.

$431 \text{ куртка} * (1000-700) + 300 \text{ пальто} (4000-3000) - 69 \text{ пальто} (4000-3000) = 360300$ сўм

Яъни айрим яхлитлашлар ҳисобига 360300 сўм ҳисоб китобимизни ташкил этган лекин бу миқдор ҳисоб- китоб ишларимизни нотўғрига чиқара олмайди чунки $360300 = 360000$ деб қаралади.

2- ҳол. 431 курткадан 200 дона ва 369 дона пальтодан ҳаммаси сотилади яъни:

$231K(1000-700) - 200K * (1000-700) + 369П * (4000-3000) + 69 \text{ пальто} (4000-3000) = 359700$

Мавзу бўйича таянч иборалар.

- Иқтисодий-математик услубларининг турлари;
- Интеграл услуб;
- Корреляцион ва регрессион услублар;
- Эвристик таҳлил;
- Назарий ўрин ва назарий хизмат кўрсатиш услублари.

3-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ ВА УНДА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИ ЎРНИ

3.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланадиган ахборотлар тизимини шакллантириш тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлисининг 14-сессиясида сўзлаган нутқида XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегиясини, жамиятни янгилаш борасида фаолиятимизнинг асосий мазмун ва моҳиятини очиб берди.

Улардан бири, бизнинг фикримизча, энг муҳими - бу иқтисодиёт соҳасида янада эркинлаштиришга эришишдир. Бунинг мазмунига Юртбошимиз тўхталар экан, унга қўйидагича изоҳ беради: “биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир” (Ҳалқ сўзи 1999 йил 15 апрель). Бундан кўриниб турибдики, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли маълум даражада чегараланиши кўзда тутилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ўз хўжалигини бошқаришда мустақиллигини ва масъулиятини оширади. Бундай шароитда Юртбошимиз иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқда. Бу эса ўз-ўзидан мулкдор ва унинг тасарруфида ишловчилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига, такомиллашишига олиб келади. Бунинг асосий тамойили ишонч асосида қурилмоғи лозим.

Бир - бирига ишонч иқтисодиётда “САХТҲОБ” тамойили орқали эришилади. Бунинг мазмуни нимадан иборат деган саволнинг туғулиши табиий. Бу энг аввало софлик (С) дегани. Софлик орқали ишончга сазовар бўлинади. Бир - бирига ишонган кишилар ўртасида соф, самимий муносабат бўлади. Иккинчиси эса, ахборотларнинг ҳаққонийлиги (АХ). Бунга ахборотлар ҳаққоний бўлган жойдагина эришиш мумкин. Ахборотлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ҳар бири қандайдир, кимнингдир манфатини ифодалайди. Масалан, амалиётда ахборотларни қўшиб ёзиш эвазига сохталаштиради. Бу кимнинг манфаатига хизмат қилади? Бу энг аввало шу хўжалик, корхона раҳбари манфаатига хизмат қилади, чунки у раҳбарлик қилган корхона бошқалар фикрида “юқори кўрсаткичга эришди” деган сохта хулоса чиқариш ва арзон обрўй орттириш учун қилинади. Бу эса унга вақтинчалик сохта обрўй, маънавий ва моддий рағбат келтириши мумкин. Аммо у шу корхонада ишлайдиганлар учун ҳам, халқ ва давлат учун ҳам ўта зарарлидир. Йўқ нарсани бор, бўлмаган нарсани бўлди деб кўрсатиб нотўғри сулоса, нахолис бошқаришга олиб келади. Жамиятнинг қашшоқланишига сабаб бўлади. Бу иллат асосан режали иқтисодиётдан қолган энг салбий мерослардан биридир.

Ушбу тамойилдаги учунчи бўғун-бу тўғри хулоса (ТХ). Ахборотлар ҳаққоний

бўлмаган жойда тўғри хулоса чиқариш қийин. Масалан, мамлакатимиз аҳолисини таъминлаш учун 4,0 миллион тонна ғалла керак деб фараз қиламиз. Агар 3,0 миллион тонна етиштириб 4,0 миллион тонна ғалла етиштирилди деб ахборот берилса бу ҳукумат раҳбарларининг нотўғри хулоса чиқаришига олиб келади. Уларда ғалламиз бир йилга етади деган хотиржамлик кайфиятини туғдириш мумкин. Натижада эса йилнинг уч чорагига ғалла етиб аҳолини яна бир чорак давомида ғаллага бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси кўндаланг бўлиб қолиши мумкин. Шу учун тўғри хулоса ҳаққоний, тўғри ахборотлар маҳсули эканлигини унутмаслик лозим.

Ушбу тамойилдаги тўртинчи бугун бу одилона бошқариш (ОБ). Тўғри хулоса бўлмаган жойда одилона бошқаришга эришиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу тушунчалар бир-бирига занжирсимон, диалектик боғлиқликка эга.

Шундай қилиб, САХТХОБ тамойили С - софлик, АХ - ахборотлар ҳаққонийлиги, ТХ - тўғри хулоса ва ОБ - одилона бошқарувдан иборатдир.

Ушбу тамойилни эркинлашадиган иқтисодиётнинг барча унсурларига, хусусан иқтисодий таҳлилга ҳам қўллаш мумкин. Чунки иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти бозор муносабатларининг шаклланиши билан янада ошмоқда. Энди хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига мақбул, тўғри ва фойдали йўл танлаб олиши учун ўз фаолиятини, қилган ва қилажак ишларини фақат таҳлил қилмоғи лозим. Таҳлил ҳар томонлама бўлишини тақозо қилади. Энг аввало, ҳозирги пайтда қилинадиган иш олдиндан таҳлил қилиниб кўрилиши лозим. Сўнгра қилинадиган иш таҳлил қилинса ва ниҳоят қилинган иш атрофлича таҳлил қилиниб ўрганилади.

Таҳлилнинг мақсади тўғри хулоса чиқариш, одилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб беришдан иборатдир. Аммо тўғри хулоса чиқариш учун ахборотлар ҳаққоний, реал бўлишини талаб қилади. Ахборотларни ким тўплайди, ким унинг ҳаққонийлигига жавоб беради. Албатта мутахассислар, бошқарув идораси (аппаратида) ўтирган ходимлар. Агар улар ҳалол-пок бўлмаса ахборотлар тўғри бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир ахборотнинг замирида, юқорида таъкидланганидек, манфаат ётади. Агар ходим ахборотларни жамлаш ва шакллантиришда ўз манфаатини устун қўйиб ишлайдиган бўлса у ҳаққоний бўлмаслиги мумкин.

Ҳақиқий бўлмаган ахборот ҳамиша чалкаш ва нотўғри хулосаларга олиб келади. Бу эса ўз навбатида оқилона бошқаришга ҳам салбий таъсир қилади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ишонч ва САХТХОБ тамойилига доимо амал қилиш лозимлигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Ушбу тамойил таҳлил учун ахборотларни етказиб берувчиларнинг энг аввало софлигини талаб қилади. Улар соф кишилар, ходимлар бўлсагина ахборот ҳаққоний бўлади. Агар ахборотлар ҳаққоний бўлмаса тўғри хулоса чиқариш қийин. Хулоса чалкаш, нотўғри бўлса одилона бошқарув қарорларини ҳам қабул қилиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлилда тўғри ва изчилликни таъминлаш учун САХТХОБ тамойилига доим амал қилиш лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мазмун ва моҳияти жиҳатдан бутунлай янги бошқарув тизими таркиб топди. Аммо бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бугунги истиклол, мустақиллик қўйган талабларга жавоб бераётими? Бундай саволлар кетидан саволлар туғилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порага сотиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда? ” (Халқ сўзи, 1999 йил 15 апрель). Минг афсуски бу зарарнинг моддий ва маънавий қийматини ҳисоблаб чиқиш қийин.

Энг муҳими бу иллатларнинг ҳамон мавжудлигига сабаб тайинлаб қўйилган раҳбарларнинг, сайлаб қўйилган депутатлар ва халқ олдида, ҳамиша ҳисобот бермаслигидандир. Юртбошимиз таъкидлашича “ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари лозимлигини қанчалик сезишяпти? Бу борада ҳал этиш зарур бўлган катта муаммолар мавжуд” (ўша жойда).

Халқ, меҳнаткаш раҳбарга ишонади. Аммо у ишончга сазовар бўлаяптими-йўқми

бунга бир ҳисобот бериши керак. Қачонки улар ўртасида қайта алоқа бўлмас экан иқтисодиётни бошқаришда ишонч ва САҲТХОБ тамойилини қўллаш қийин бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш концепцияси унда “Ишонч ва САҲТХОБ” тамойилларидан фойдаланишни янада кучайтиради. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Иқтисодиётни эркинлаштириш - ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир” (Халқ сўзи, 1999 йил 15 апрель). Бундан кўриниб турибдики эркинлик ҳамиша масъулият билан узвий боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ҳамма жабҳада эркинликни жорий қилиш учун олдин масъулият ҳиссасини ўйғотиш лозим. Масъулият бўлмаса, боқимандалик кайфиятида юрган шахсларга эркинлик бериб бўлмайди. Улар ўз йўлини топиб ўзини тиклаб кетиши қийин. Шу тамойилдан иқтисодиёт ҳам ҳоли эмас. Ҳаёт кўрсатиб турибдики, қаерда раҳбар боқимандалик кайфиятидан қутила олмаган бўлса ўша ерда, ўша корхонада иқтисодий инқирозга юз тутмоқда.

Масъулият инсонларда ташаббускорлик, изланувчанлик ҳиссини уйғатади. Бундай раҳбарлар бошқараётган корхоналар юқори самарадорликка эришаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мухтасар қилиб шуни таъкидлаш жоизки эркинлик ўз-ўзидан бир кунда бериладиган жараён бўлмасдан, унга босқичма-босқич эришиладиган неъматдир. Ҳар бир инсонда масъулият туйғуси ўйғонганлиги тўғрисида энг аввало ўзида, кейин ўзгаларда ишонч ҳосил қилиши лозим. Ишонч бор жойда самимийлик бор. Айнан шу ҳолатда “САҲТХОБ” тамойилини қўллаш мумкин. Ушбу тамойил бугунги кун талабидан келиб чиққан иқтисодиётда ва унинг барча унсурларида қўлланилиши лозим бўлган мазмун моҳияти жиҳатидан янги тамойилдир.

3.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1981 йил) ахборотга иккита изоҳ берилган:

1) Хабар; хабарлар; маълумот, информация. 2) Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. Буларнинг ичида иқтисодий таҳлилга мосроқ атама - бу маълумотдир.

Ушбу китобда “Маълумот” атамасига ҳам иккита изоҳ берилган:

1) Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим даражаси. 2) Хабар, ахборот. Далил бўладиган ҳужжат, рақам ва шу каби материаллар.

Кўриниб турибдики бу икки ҳолда ҳам ахборотларнинг мазмуни иқтисодий таҳлил ва бошқарув нуқтаи назаридан етарли даражада очиб берилмаган.

Бизнинг фикримизча ахборотлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисида доимий равишда олинishi мумкин бўлган маълумотлар мажмуасидан иборатдир. Лекин иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун бизга барча ахборотлар ичидан ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўз ичига олган иқтисодий ахборотлар зарур.

Иқтисодий ахборотлар иқтисодиётда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисидаги маълум бир ҳукукий кучга эга бўлган маълумотлар мажмуидан иборатдир. Масалан, ўтган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги ахборотни биз ушбу ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўтган даврдаги ҳисоботидан оламиз. Ҳисобот қонуний кучга эга бўлади қачонки, унинг тўғри тузилганлигини қафолотловчи ташкилот раҳбарининг ва бош бухгалтернинг ёки бошқа масъул шахсларнинг имзоси ва шу имзоларни тасдиқловчи юмалоқ муҳири босилган бўлса. Ушбу кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келгуси истиқболдаги ҳажми ҳам тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилиниб масъул шахслар томонидан тасдиқлансагина улардан иқтисодий таҳлилда фойдаланиш мумкин.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида, одатда инсон беҳабар бўлади. У тўлиқ маълумотга эга бўлади, қачонки шу жараёнлар тўғрисидаги тегишли ахборотларга эга бўлса. Ахборотлар қанчалик тўлиқ, қанчалик

ҳаққоний бўлса ундан чиқариладиган хулосалар ҳам шунчалик тўлиқ ва тўғри бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ахбаротлар зарур миқдорда бўлиши лозим. Унинг кам бўлиши тўлиқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини бермайди, кўпи эса улардан тез ва соз фойдаланишда қийинчиликлар туғдириши, ортиқча вақтни олиши мумкин. Ахбаротларнинг кўпи яхши, лекин улар ортиқча бўлмаслиги лозим. Шу туфайли ҳар бир жараёни таҳлил қилганда, айнан шу жараёнга тегишли ахбаротларни олишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар ва ахбаротларни бир-биридан фарқламоқ лозим.

Маълумотлар деганда содир бўлган ходиса ва жараёнларни ўзида ифода этган бирламчи ҳужжатлар ва бошқа воситаларда акс этиладиган рақамлар, белгилар, хабарлар тушинилади. Масалан, 15 киши бир ой ишлади деган маълумот табелда, 2 киши касаллик варақасида, шунча маҳсулот сотилди деган маълумот счет-фактурада, қанча пул ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот тўлов-буюртмасида ифодаланади. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Ахбараотлар деганда, юқорида таъкидланганидек, шу маълумотларни жамлаш, уларни ишлаш орқали маълум тизимга келтириш натижасида ҳосил бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифода этадиган маълумотлар мажмуи тушунилади. Иқтисодий таҳлилда асосан ахбаротлардан кенгрок фойдаланилади. Баъзан таҳлилни чуқурлаштириш, аниқлик киритиш учун бевосита бирламчи маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахбаротлар қаерда ифодаланишига қараб учга бўлинади: оғзаки, ҳужжатларда ва машинада.

Оғзаки ахбаротлар кўпгина тезкор ҳисобда қўлланилади. У бевосита мулоқат, телефон ва бошқа воситалар орқали берилиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида оғзаки ахбаротлар жуда кенг қўланилади. Бунда ахбарот берувчи ва унинг истеймолчиси ўртасида юксак ишонч бўлиши лозим.

Содир бўлган иқтисодий жараёнлар, ҳужжатларда ифода этилади. Буларэнг аввало, бухгалтерия ҳисобида ўз ифодасини топади. Ҳар бир жараённинг қонунийлиги айнан шу ва шу каби ҳисобларда, ҳужжатларда ўз тасдиғини топади. Шу жиҳатдан жуда кўп ахбаротлар иқтисодий таҳлил учун ҳужжатлардан олинади. Ҳар бир ҳужжат қонуний кучга эга бўлиши керак. Бу учун юқорида таъкидланганидек ташкилот раҳбари, бош бухгалтери каби масъул шахсларнинг имзоси ва муҳири қўйилган бўлиши керак.

Машиналарда ифода этилган ахбаротлар ҳозирги пайтда жуда кенг қўлланилмоқда. Зеро компьютерлар барча ҳисоб-китоб жараёнига кириб бормоқда. Ҳозирги пайтда компьютерлардан бевосита ахбаротларни узатишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Ўзбекистон “Интернет” га уланиб бутун дунё ахборот тизимига кирди ва улардан бемалол фойдаланилмоқда. Ёки ҳозир банк тизимлари бўйича ягона компьютер тармоғи ташкил қилинди. Бу ҳам банклар ўртасидаги мулоқатни кампютер орқали амалга ошириш имконини туғдиради.

Ахбаротларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи қуйидаги чизмада кўрсатилган. (5.1 - чизма).

3.1-Чизма. Ахбаротларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи.



Ҳар бир гуруҳ ахборотлар ўз навбатида яна бирқанча турларини ўз ичига олади. Буларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Оғзаки ахборотлар бозор муносабатлари шакилланган шароитда кенг қўлланилади. Жаҳон амалиётида иқтисодий жараёнларни тез амалга ошириш, бир-бирининг ишончига сазавор бўлиши учун оғзаки шартномалардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эркин рақобат шароитида ҳар бир фирманинг ўзларига ҳамкорлик топиши ва бир-биридан ишонч қозониши учун қулай воситадир.

Оғзаки ахборотлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади: сўровга жавоб тариқасида берилган ахборот, бевосита мулоқатда бериладиган ахборот, маъруза ва нутуқлар орқали бериладиган ахборотлар, телефон орқали бериладиган ахборотлар кабилар. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (5.2 - чизма).

Сўровга жавоб тариқасида бериладиган ахборотлар кўпинча мухбирларининг, журналистлар,, илмий ходимлар ва бошқа таҳлилчиларнинг интервьюлари орқали аниқланади ва олинади. Маслан, таҳлилчи иқтисодий ислохотнинг жадал боришини асослаш учун туман хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ташкилоти масъулларига бирқанча саволлар билан мурожат қилиб уларнинг жавоблари асосида ўз хулосаларини янада бойитиш ва чуқурлаштириш мумкин.

Мулоқат пайтида бериладиган ахборотлар ҳам хулоса чиқариш ва маълум қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Масалан, устоз-шогирд мулоқатида шогирди учун жуда кўп ахборот бериш мумкин. Ёки мутахассисларнинг деҳқонлар билан мулоқатини мисол келтирайлик. Деҳқонларга қачон, қанча ўғит бериш, неча марта ҳайдаши, қачон ўриши, қандай ўриши каби кўргазмалар ҳам оғзаки мулоқат орқали берилиши мумкин.

3.2 - Чизма.

Оғзаки иқтисодий ахборотлар таснифи.



Маъруза ва нутуқлар орқали ҳам жуда кўп маълумотлар берилади. Мсалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида тутган ўрни, аҳолининг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари каби маълумотлар тингловчиларга жуда тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун жуда зарур маълумотлар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Ёки нутуқнинг бирон бир сохада самарадорликни амалга ошириш учун олиб бориладиган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисидаги маърузаси айнан шу сохага кирувчи битта корхона рахбари учун ўзининг ютуқ ва камчиликларини тахлил қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Жуда кўп ахборотларни радио, телевидения каби оғзаки ахборотлар воситаларидан ҳам олиш мумкин. Телефонограмма ҳам бевосита оғзаки ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда.


Шундай қилиб, оғзаки ахборотлар, ҳозирги пайтда, тахлил қилиш учун, маълум хулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кенг кўламда қўлланилмоқда. Келажакда эса унинг ривожланиши, қўлланилиш доирасининг кенгайиши, бошқарув учун асос бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ҳужжатларда ифодаланадиган ахборотлар ҳозирги шароитда иқтисодий тахлилда қўлланиладиган асосий ахборотлардир. Таъкидланганидек, содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар, энг аввало, ҳужжатларда ифодаланadi. Бу ҳужжатлар мулкдор, давлат, иш берувчи ва соҳибкорнинг манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ифода этиш билан бирга, уларни ҳимоялайди ҳам. Масалан, иш берувчи соҳибкорга қанча ишлаганига қараб иш ҳаққи тўлайди. Мулкдор ўз мулкни бир кишига хатлаб ижарага берган бўлса ижарачи шу мулкни сон ва сифат жиҳатидан сақланиши учун жавобгар ва ҳ.к.

Демак, ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизда ҳужжатларнинг унда ифода этилган ахборотларнинг аҳамияти бекиёс. Ҳужжатлар ҳам жуда кўп, улар турли -туман. Бу ҳақида бухгалтерия ҳисоби фанида тўлиқ маълумотлар берилadi.

Иқтисодий тахлилда ҳужжатларнинг жамланган қисмларидан фойдаланилади. Улар кўпинча бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб-китобларда ифодаланadi. Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни ўзида акс этадиган ҳужжатларда ифодаланадиган бирламчи ахборотлар асосан корхона режасида, бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Бу куйидаги чизмада ифодаланган.(3.3-чизма).

3.3 - Чизма. Ҳужжатларда ифодаланган иқтисодий ахборотларнинг таснифи.



Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари аксарият ҳолларда бевосита компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш машиналарида бажарилмоқда. Баъзи жойларда эса ушбу ишнинг аксарият қисми ҳамон кўл кучи билан анъанавий тарзда амалга оширилмоқда. Шу


жиҳатдан машиналаштириш даражаси бўйича ахборотлар икки гуруҳга бўлинади: машиналаштирилган ва ярим машиналаштирилган .

Машиналаштирилган ахборотлар асосан перфокарталарда , перфотасмаларда, магнит тасмаларида, дискларда, дискетларда, бевосита компьютер файллари кабиларда акс эттирилади.

Ярим машиналаштирилган ахборотларнинг бир қисми ҳисоблаш машиналарида ва бир қисми анъанавий тарзда қўлда бажарилган тегишли ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланади. Ушбу ахборотларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун асосий ахборот берувчи маълумот бўлиб ҳисобланади. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (5.4-чизма).

3.4 - Чизма.

Ахборотларнинг машиналаштириш даражаси бўйича таснифи.



3.3. Корхоналарнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини такомиллаштириш

Корхонанинг молиявий ҳисоботи таркибида унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги (2-шакл) ҳисобот муҳим аҳамиятга эга. Аммо уни ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳисобот тўғри фойдаланиш ва молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича корхонани бошқариш учун уларнинг атрофлича таҳлил қилинмоғи лозим. Шу жиҳатдан ҳар қандай ҳисобот таҳлил талабларига тўлиқ жавоб бериши даркор.

Шу талабдан келиб чиқиб молиявий ҳисоботнинг 2-шаклини қуйидагича такомиллаштиришни тавсия қиламиз:

1. Мазкур ҳисоботнинг бошида ялпи тушум ва давлатга тўланадиган солиқлар (ҚҚС, аксиз)нинг кўрсатилиши шарт эмас. Чунки ялпи тушум таҳлил қилишда корхона фаолиятини баҳолаш учун керак бўлмайди. Бундан ташқари солиқ тўғрисида ушбу ҳужжатнинг охирида алоҳида маълумотнома берилган. Уни бирлаштириш лозим.

2. Корхона тўлайдиган солиқларни икки қисмга, яъни давлат бюджети ва маҳаллий бюджетга тўланадиган турлари бўйича алоҳида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан корхонанинг давлат ва маҳаллий бюджетга қанча ҳисса қўшганлигини кўрсатса, иккинчидан эса солиқларни алоҳида турлари бўйича таҳлил қилиш имкониятини ҳам яратади. Эркин иқтисодиёт шароитида корхоналар тўлайдиган солиқлар таҳлил қилинмоғи лозим, зеро бу хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан муносабатини ўзида ифодалайди.
3. Давр харажатларининг умумий сўммаси ва унинг алоҳида турлари ҳисоботда ўз ифодасини топиши лозимлигидан келиб чиқиб, унга айрим кўрсаткичларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан сотиш билан боғлиқ харажатларни, маъмурий бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар. Бу моддага соҳаларга қараб яна турли кўрсаткичларни киритиш мумкин.
4. Молиявий фаолият натижасининг ҳам умумий сўммаси алоҳида турлари бўйича кўриниб турмоғи лозим. Шу туфайли ҳисоботнинг бу моддасини ҳам узгартиришни тавсия қиламиз. Бу моддани алоҳида аниқ моддалари билан ифодалаш учун унга уюшма ва шўъба кор-хоналардан олинган дивидендлар, бошқа олинган дивидендлар, уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, бошқа тўланган ва олинган фоизлар, валюта курси фарқи (ижобий+, салбий-), узоқ муддатли ижарага беришдан (лизинг) олинган даромадлар, молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар кабиларни қўшиш мумкин.
5. Ҳисоботда фавқулотда фойда ёки зарар кўрсатилган. Аммо улар нималардан таркиб топганлигини ҳам таҳлил қилишга тўғри келади. Шу туфайли уни ҳам алоҳида моддалари бўйича кўрсатиш лозим. Бунда фаолияти тухтатилиши билан боғлиқ зарар, кўзда тутилмаган ходисалар бўйича фойда (зарар), бошқа тасоддий фойда (зарар)ларни кўрсатиш тавсия қилинади.
6. Ҳисоботда молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Лекин молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар туркумига тақсимланмаган фойда, тўланган дивидендлар, жамғарилган фойда каби кўрсаткичлар ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Шу туфайли мазкур ҳисоботда шу кўрсаткичлар ҳам ёритилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Буларни инобатга олиб, биз молиявий ҳисобот таркибига кирувчи «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг янги шаклини ишлаб чиқишни тавсия қилмоқдамиз.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб унинг номини «Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек бюджетга тўланмалар тўғрисидаги маълумотни ҳам ушбу ҳисоботнинг давомида алоҳида «Давлат бюджетига тўлайдиган солиқлар» ва «Маҳаллий бюджетга тўлайдиган солиқлар» бўйича кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқларга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз: қийматга қўшилган солиқ, акциз солиғи, даромад (фойда) солиғи (буни алоҳида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўйича кўрсатиш лозим), экология солиғи, қазилма бойликлардан фойдаланганлик солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ва ҳ.к.

Маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар ҳам қуйидаги тартибда алоҳида кўрсатилиши лозим. Бунга: кичик корхоналар учун ягона солиқ, мулк учун солиқ, ер солиғи, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, меъёрдан ортиқча ишлаб чиқариш захираси учун тўланадиган солиқ, маҳаллий бюджетга тўланадиган бошқа солиқлар ва тўловлар.

Бундан ташқари, ҳозирги шароитда корхоналар бевосита экспорт ва импорт операциялари билан ҳам шуғулланмоқда. Бу фаолият иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида такомиллашиб боради. Шу учун экспорт бўйича бож тўлови, импорт бўйича бож тўлови ҳам алоҳида мазкур ҳисоботда кўрсатилиши лозим.

Шунингдек корхона давлат ва маҳаллий бюджетга ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўламаслиги мумкин. Бу бўйича жарима шаклида иқтисодий жазо қўлланилади. Шу туфайли махсус қаторда «Бюджетга ўз вақтида тўламаганлиги учун иқтисодий жазо (жарима)» сўммаси ҳам кўрсатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, амалдаги молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот анча такомиллашган бўлур эди. Энг муҳими ушбу ҳисобот Ўзбекистонда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига янада мослашган ҳамда иқтисодий таҳлил талабига тўлиқ жавоб берган бўлур эди. Бу эса корхоналарни эркин иқтисодиёт шароитида самарали бошқариш имкониятини яратади.

4-Мавзу: Асосий воситаларни ҳолатини ва улардан фойдаланишни таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

1. Таҳлил мазмуни ва вазифалари. Таҳлил манбаи.
2. Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили, уларнинг актив ва пассив қисмларини нисбати.
3. Тезлашган амортизация ажратмалари ва уларни фонд қайтимига таъсири.
4. Асосий фондларнинг техник ҳолатининг таҳлили.
5. Асосий фондларнинг янгиланиш динамикаси, меҳнатнинг фонд билан қуролланиши таҳлили.
6. Фонд қайтимининг динамикаси ва унга ташкилий техникавий омиллар таъсирининг таҳлили.
7. Ишлаб чиқариш жихозларини вақти ва қуввати бўйича фойдаланиши таҳлили.
8. Фонд қайтимини ошириш имкониятлари.

1. Таҳлил мазмуни ва вазифалари. Таҳлил манбаи.

Асосий фондлар (воситалар) ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралиб улар воситасида бевосита меҳнат предметлари ва меҳнат кучлари бирикувида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади.

Асосий фондлар деб ишлаб чиқариш циклида бир неча бор қатнашиб узининг кийматини яратилаётган маҳсулотларга қисман-қисман утказувчи ҳамда физик шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситаларига айтилади.

Асосий фондлар еки воситаларни таркибланда жаҳон ва республика ҳисоб белгиларига мувофиқ қуйидаги иккита жиҳат мезон сифатида олинган. Биринчиси уларнинг киймат ифодаси, иккинчиси – хизмат муддати.

Асосий воситаларнинг киймат ифодаси унинг қам баҳоли тез эскирувчи буюмлардан фарқланиш чегарасини характерлайди. Бу ифода Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1994 йил 21- апрелдаги 167-сонли қарори билан иш хақи минимумининг 15 бараварида белгиланган. Асосий воситаларнинг хизмат муддати уларнинг бир йилдан ортиқ муддат хизмат этишини характерлайди.

Хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган лекин киймат жиҳатдан қатъий чегарадиган ошмайдиган кийматликлар шунингдек кийматликлар, хужалик инвентарларининг айрим тури асосий воситалар қаторига киритилмайди. Бу қатор бевосита қам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар таҳлилида корхонанинг асосий воситалар билан куролланиш даражасига, уларнинг техник ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичларига, динамикаси ва ҳолатига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан таъминланиш дейилганда корхонанинг режага еки утган йилларга нисбатан асосий фондлар билан куролланиши даражаси тушунилади.

Шунингдек асосий воситаларнинг таркиби буйича, тури буйича узгаришларига баҳо берилади. Таҳлил этишда асосий воситаларнинг ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичларига муҳим эътибор қаратилади. Бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эсриш даражаси, яроқлилик даражаси, крими ва чикими кўрсаткичларига баҳо берилади.

Асосий воситаларининг унумини ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини омилли таҳлили асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини еки фондлар самарасини ошириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил якунида корхонада асосий фондлардан фойдаланишга ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим иқтисодий йуналишлар белгиланади. Корхона асосий воситалари, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва самарасига иқтисодий таҳхис берилади.

Таҳлил учун зарур булган маълумотлар асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги 3-молиявий ҳисобот шаклидан ва молиявий ҳисоботга илова сифатида берилган манбалардан олинади. Шунингдек асосий воситалар(01), уларнинг эскириши(02), номоддий активлар (04), Номоддий активлар эскириш (05), узок муддатли ижрага олинган асосий воситалар (03) счетлар ҳамда аналитик ҳисоб счетлари маълумотларидан фойдаланилади.

2. Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили, уларнинг актив ва пассив қисмларини нисбати.

Асосий воситаларни қуйидаги белгилар буйича таркиблаш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш жараенида катнашувига қараб

- актив асосий воситалар
- пассив асосий воситалар

2.Тармок бўйсунувига қараб

- саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари
- бошқа тармок асосий воситалари
- ноишлаб чиқариш асосий воситалари

3.Фойдаланишига қараб;

- фойдаланишдаги асосий воситалар
- фойдаланишдан олиб қуйилган асосий фондлар

4. Тури бўйича;

- бинолар, иншоотлар, узатиш мосламалари, машина ва усқуналар, транспорт воситалари, асбоб усқуналар, хужалик инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор хайвонлар, қуп йиллик эқинлар ва бошқа асосий воситалар.

5. Мулкий эғалигига қараб;

- узига тегишли асосий воситалар,
- ижрага олинган асосий воситалар

Таҳлил учун зарур булган маълумотлар 3-шакл «Асосий воситлар ҳаракати тўғрисидаги» ҳисобот шаклидан олинади.

Асосий воситалар таркибининг таҳлили

Шу жумладан

Асосий воситалар	Жами	Бино	Иншоот	Узатишмосламалари	Машина ва ускуналар	Транспорт воситалари	Бошқа асосий фондлар
1	2	3	4	5	6	7	8
Ишлаб чиқариш асосий воситалари							
Утган йил							
-суммаси, м.с.	26720	2434	136	657	21680	1265	548
-салмоги %	100	9,1	0,5	2,5	81,1	4,7	2,1
ҳисобот йили							
-суммаси, м.с.	34150	2560	136	569	28900	1345	540
-салмоги, %	100	7,5	0,4	1,7	84,6	3,9	1,9
Фарки							
-сумма, м.с.	+7430	+126	0	-88	+7220	+80	-8
-салмок, %	x	-1,6	-0,1	-0,8	+3,5	-0,8	-0,2
Ноишлаб чиқариш асосий воситалари							
Суммаси, м.с.							
Утган йил	2450	1260	-	-	-	-	1190
ҳисобот йили	2450	1260	-	-	-	-	1190
фарки	-	-	-	-	-	-	-

Корхонада асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан узгариши +7430 м.с. ни ташкил этган. Шу жумладан бинолар буйича +126 м.с., машина ва ускуналар буйича +7220 м.с. транспорт воситалари буйича 80 м.с. даражасида узишга эришилган.

Жами асосий фондлар таркибида асосий улушни машина ва ускуналар ҳамда, транспорт воситалари ташкил этган. Жорий даврда машина ва ускуналар салмогини 3,5 % га оширишга муваффақ бўлинган.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари 2450 м.с. ташкил этган ҳолда жорий даврда узгариш бўлмаган.

Асосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг йиллар буйича узгаришлари тушунилади.

Динамик узгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар буйича мутлак ва нисбий узгаришларига баҳо берилади.

Куйидаги маълумотлар асосида асосий воситаларнинг динамик узгаришларига баҳо бериш мумкин.

Асосий воситаларнинг динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1995	1996	1997	1998	1999

Асосий воситалар киймати	125469	128941	154200	165100	245500
Бизис йилига нисбатан узиши	*	102,7	122,8	131,5	195,6
Олдинги йилга нисбатан узиши	*	102,7	119,5	107,0	148,6

Корхона асосий воситаларнинг динамик узгариши куйидагича булган. Жорий давр охирига келиб асосий воситаларнинг узиши 95,6 % ни ташкил этган. Энг юкори узиш суратига корхона 1999 йилда эришган. Шунинг олдинги йилга нисбатан узишда энг юкори узиш сурати хам 1999 йилга тўғри келмокда. Бундан кўриниб турибдики корхона сунги пайтларда асосий этиборни эскирган асосий фондларни ҳисобдан чиқаришга ва уларни янги фондлар билан куруллантинишга қаратмокда.

Асосий воситаларни актив ва пассив фондларга таркибланда асосий жихат уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига қаратилади. Актив асосий воситалар деб маҳсулот ишлаб чиқаришдан бевосита ва билвосита қатнашувчи асосий воситаларга айтилади.

Ишлаб чиқариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пассив асосий фондлар сифатида қаралиб уларнинг таркибига бевосита бинолар иншоотлар хужалик инвентарлари ва х.к. киритилади.

Таҳлил этишда жами асосий воситалар таркибида уларнинг салмок даражаларига баҳо берилади ва узгаришлари ўрганилади.

Актив ва пассив фондлар таҳлил.

Кўрсаткичлар	Утган йил		ҳисобот йили		Фарқи	
	Сумма а	%	Сумма	%	Сумма	%
Жами асосий воситалар	165100	100	245500	100	80400	*
Шу жумладан актив асосий воситалар	140665	85,2	201555	82,1	+60890	-3,1
Пассив асосий воситалар	24435	14,8	43945	17,9	+19510	+3,1

Корхона жами асосий воситалар таркибида актив фондлар улуши 85.2 фоиздан 82.1 фоизга узгарган. Яъни жорий даврда асосий воситаларнинг актив қисми утган йилга нисбатан 3.1 фоизга кам булган. Бу қамаиш асосий воситаларнинг пассив қисмининг ортиши ҳисобига қопланган.

Асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан мутлак узгариши +80400 минг сумни еки 48,6 фоизга ($80400/165100 * 100$) ташкил этган.

3. Тезлашган амортизация ажратмалари ва уларни фонд қайтимиға таъсири.

Корхона амортизация сиесати бевосита давлат амортизация сиесати асосида белгиланади. Унинг муҳим услубларига куйидагилар киритилади:

-тенг улушларда, амортизация нормаларидан келиб чиққан ҳолда эскириш ҳисоблаш;

-қолдик усулда эскириш ҳисоблаш;

-ишлаб чиқариш ҳажмиға мувофиқ эскириш ҳисоблаш;

-кумулятив усулда эскириш ҳисоблаш;

Юқоридаги усулларнинг мохиятини куйидаги мисол асосида кўриб ўтиш мумкин.

Асосий воситаларнинг бошлангич киймати-100000 сум

Асосий воситаларнинг тугатиш киймати-10000 сум

Асосий воситаларнинг хизмат муддати-5 йил

1. Тенг улушларда амортизация ҳисоблаш тартиби

Асосий воситалар киймати	Амортизация нормаси	Амортизация сумаси	Колдик сумаси
100000	20	18000	82000
100000	20	18000	64000
100000	20	18000	46000
100000	20	18000	28000
100000	20	18000	10000

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш.

Асосий воситалар киймати	Амортизация улуши	Амортизация сумаси	Колдик сумаси
100000	5/15	30000	70000
100000	4/15	24000	46000
100000	3/15	18000	28000
100000	2/15	12000	16000
100000	1/15	6000	10000

1+2+3+4+5=15йил Амортизация суммасини аниқлашда жами йигилган кўрсаткич биринчи йили 15 дан 5 қисми, иккинчи йили 15 дан 4 қисми олинади ва ҳакоза.

7-жадвал

Колдик усулда амортизация ҳисоблаш.

Асосий воситалар киймати	Амортизация улуши %	Амортизация сумаси	Колдик сумаси
100000	20	18000	82000
100000	20	24000	46000
100000	20	18000	28000
100000	20	12000	16000
100000	20	6000	10000

8-жадвал

Икки қарра оширилган усулда амортизация ҳисоблаш усули.

Асосий воситалар киймати	Амортизация улуши %	Амортизация сумаси	Колдик сумаси
100000	20*2	36000	54000
100000	20*2	21600	32400

100000	20*2	12960	19440
100000	20*2	7776	11664
100000	20*2	*	11664

Хозирда Узбекистон Республикаси миллий ҳисоб тизимида амртизация ҳисоблашнинг асосан иккита усулидан фойдаланилмоқда.

-Тенг улушларда амортизациялашнинг катъий нормаларида эскириш ҳисоблаш;

-Тезлаштирилган, амортизациялашнинг катъий нормаларини икки марта оширилган ҳолатида эскириш ҳисоблаш усули;

Амортизациянинг у еки бу усулининг кулланиши албатта асосий воситаларнинг техник ҳолатига таъсир этади.

Жумладан тезлаштирилган усулда амортизация нормаларига утиш асосий фондларни янги асосий фондлар билан алмаштиришнинг молиявий таминоти ва уларнинг манавий эскиришдан сакланиш имконини берибгина қолмай балки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини устириш имконини ҳам беради.

4. Асосий фондларнинг техник ҳолатининг таҳлили

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади

-Асосий воситаларнинг яраклилиқ даражаси;

-Асосий воситаларнинг эскириш даражаси;

Яроқлилиқ даражаси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали;

Эскириш даражаси асосий воситаларнинг эскириш қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Яроқлилиқ ва эскириш коэффициентлари йигиндиси коэффициентда 1 га, фоизда 100 тенг бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишда қорхона амортизация сиесатига, асосий воситаларнинг манавий эскирганлиқ даражасига, фойдаланишдан олиб қуйилган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жами бўйича ўрганилади. Таҳлил учун зараур бўлган маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 3-шакл «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги» ҳисобот шаклларида олинади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичлари билан тулдирилади.

20-жадвал

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий воситалар	Бошланг ич қиймати	Эскир иш қиймат и	Қолдиқ қиймати	Эскир иш дараж аси	Яроқлилиқ даражаси
Утган йил	168900	54890	114010	32,5	67,5
Ҳисобот йили	187320	65780	121540	35,1	64,9
Фарқи	+18420	+10890	+7530	+2,6	-2,6

Корхонада асосий воситаларнинг эскириш даражаси утган йилга нисбатан 2.6 % га ошган. Унга карама карши булган кўрсаткич асосий воситаларнинг яроклилиқ даражаси эса 2,6 % га камайган.

5. Асосий фондларнинг янгиланиш динамикаси, меҳнатнинг фонд билан курулганини таҳлили.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўрганиш асосида тулдирилади.

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларига уларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиш коэффициентлари кироитилади. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти жорий даврадан киритилган асосий воситалар қийматини асосий воситаларнинг йил охирига булган қийматига булиш оркали топилади. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициенти жорий даврда чиқиб кетган асосий воситалар қийматини уларнинг йил бошига булган қийматига булиш асосида аниқланади.

Бу таркибланиш асосий воситаларнинг жами катори ва ҳар битта таркиби бўйича бериб утиш мумкин.

10-жадвал

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий воситалар	Асосий воситалар йил бошига қолдиғи	Янгидан қабул қилинган асосий воситалар	Чиқиб кетган асосий воситалар	Асосий воситалар йил охирига қолдиғи	Янгиланиш коэффициент.	Чиқиб кетиш коэффициент.
Утган йил	155690	14500	1290	168900	8,6	0,8
Хисобот йили	168900	22380	3960	187320	11,9	2,3
Фарқи	+13210	+7880	+2670	+18420	+3,3	+1,5

Корхонада асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўзгариши таҳлили шуни кўрсатадики жорий даврда асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси олдинги йилга нисбатан 3,3 % га ўсган. Хисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг утган йилга нисбатан ўзгариши эса +1,5 % га ортган. Улар орасидаги нисбат 2.2 га ($3.3 / 1.5$) тенг булган.

Таҳлилда асосий воситаларнинг янгиланиш ва чиқиб кетиш сабабларига ҳам муҳим эътибор берилади.

Асосий воситаларнинг янгиланиш манбалари

-капитал қуйилмалар ва инвестициялар;

-хусусий капиталнинг ўсиши;

-ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар;

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш сабаблари

-манавий эскириши;

-жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши;

-ортиқчалик;

-сотишлар;

-угирликлар, йукотишлар ва бошка сабаблар.

Корхона (фирма) нинг асосий воситалар билан таъминланганлик еки курулланганлик даражаси деб ишлаб чикаришнинг меъер даражасида меҳнат воситалари билан таъминланганлига айтилади.

Аввало, корхона (фирма) нинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида куйидаги жихатларини фарклаш лозим.

Узига тегишли булган меҳнат воситалар хисобига таъминлаш;

Ижарага олинган меҳнат воситалари хисобига таъминлаш.

Демак корхона ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъер кўрсаткичларига эга булиши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлилида корхона (фирма) да асосий воситаларнинг режага ва утган йилларга нисбатан мутлак ва нисбий узгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан курулланганлик кўрсаткичлари сифатида битта ишчига тўғри келадиган меҳнат воситалари, иш ўрни, майдонининг асосий воситалар билан курулланганлик даражаси аникланади. Асосий воситалар билан курулланганлик даражаси уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосида тулдирилади. Яъни корхона фаолиятига факат миқдор кўрсаткичлар оркалигина эмас балки сифат кўрсаткичларини ҳам ўрганиш асосида баҳо берилади.

11-жадвал

Асосий воситалар билан таъминланганлик ва курулланганлик таҳлили.

1	Кўрсаткичлар	Утган йил	Хисоб от йили	Фарқи
1	Асосий воситалар ўртача йиллик киймати	1622 95	17811 0	+1581 5
2	Саноат ишлаб чикариш ходимлари	1914	1760	-154
3	Бир ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг ўртача йиллик киймати	8429 4	10119 9	+1690 5

Корхонада саноат ишлаб чикариш ходимларининг асосий воситалар билан курулланиш даражаси утган йилга нисбатан 16905 сумга усган. Бу узиш иккита омил хисобимга укзатилаг 1- ишчилар сонининг узгариши хисобига, ҳамда 2- асосий воситаларнинг ўртача йиллик кийматининг узгариши хисоби. Ишчилар сонининг узгариши таъсиридаги фаркланиш (93056-84294) = +8762 сумга, асосий воситаларнинг ўртача йиллик кийматининг узгаришига хисобига (101199-93056)=+8143 сумга. Омиллар таъсири = +8762+8143=16905 сум.

Бунда 93056 сум шартли, битта саноат ишлаб чикариш ходимида тўғри келадиган асосий воситалар киймати. Яъни Асосий воситаларнинг хисобот йилги кўрсаткичи, ходимларнинг утган йил кўрсаткичига нисбати. (178110 / 1914).

6. Фонд кайтимининг динамикаси ва унга таъсирининг таҳлили.

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иктисодий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хужалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Уларнинг каторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.

Фонд кайтими	Фонд сигими
Саноат ишлаб чиқариш фондлари кайтими	Маҳсулот ҳажми Ф _к =----- Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик киймати
Машина ва ускуналар кайтими	Маҳсулот ҳажми Ф _к =----- Машина ва ускуналар ўртача йиллик киймати
Саноат ишлаб чиқариш фондлари сигими	Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик киймати Ф _с =----- Маҳсулот ҳажми
Машина ва ускуналар сигими	Машина ва ускуналар ўртача йиллик киймати Ф _с =----- Маҳсулот ҳажми

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иктисодий таҳлилда аълоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати деганда унинг тула иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафакат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига балки унинг харажатлар таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иктисодий потенциали ҳамда уни мақсадли бошқаруви белгиланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг таҳлилининг қуйидаги факторларини каторларини характерлаш мумкин;

-корхона ишлаб чиқариш қувватларининг техник иктисодий кўрсаткичлари тизими;

-техник иктисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни қиёсий таҳлили;

-ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона харажатларига таъсирининг таҳлили;

-ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ва фаолият натижавийлигига таъсирининг таҳлили.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда корхона томонидан ошқор этиладиган 2-б форма «Корхонанинг ижтимоий иктисодий кўрсаткичлар тизими» га муҳим этибор берилади.

Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таъсир этувчи омиллар иккита таркиб бўйича ўрганилади.

1. асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажмининг узгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омиллар каторига қуйидагилар киритилади.

Фонд кайтими (сигими) ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар

-Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг узгариши.

-Асосий фондлар ўртача йиллик кийматининг узгариши.

Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омиллар каторига қуйидагилар киритилади;

-Асосий фондларнинг ўртача йиллик кийматининг узгариши;

Фонд кайтими (сигими) нинг узгариши;

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, минг сум.	Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик киймати	Фонд кайтими	Фонд сигими
1	2	3	4	5
Утган йил	148952	56321	2,644	0,378
Шартли, ҳисобот йили	214632	56321	3,810	0,262
Ҳисобот йили	214632	58925	3,642	0,274
Утган йилдан фарқ	+65680	+2604	+0,998	-0,104
Фонд кайтимининг узгаришига таъсир этувчи омиллар				
х	+1,166	-0,168	+0,998	Х
Фонд сигимининг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили				
х	-0,116	+0,012	Х	-0,104
Меҳнат воситалари билан боғлиқ омилларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири				
х	+65680	+6884,9	+58807,1	х

Корхонада асосий воситаларнинг самарадорлиги утган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Фонд кайтими ва унинг утган йилга нисбатан ўсиши +0,998 (3,642- 2,644) сумга тенг бўлган. Бу узгаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг узгариши таъсири 1,166 (3,810-2,644) сумни, асосий воситаларнинг ўртача йиллик кийматининг узгариши эса салбий таъсир этган ва ўзнинг натижасида фонд кайтими – 0,168 (3,642-3,810) сумга камайган. Барча омиллар таъсирида асосий фондлар кайтими утган йилга нисбатан 0,998 сумга ортган (3,642-2,644).

Асосий фондлар сигими утган йилга нисбатан –0,104 сумга камайган. Бу узгаришга маҳсулот ҳажмининг таъсири –0,116 (0,262 – 0,378) сумни, асосий воситалар ўртача йиллик кийматининг узгаришининг таъсири эса +0,012 (0,274 – 0,262) сумни ташкил қилган.

Мехнат воситалари билан боглик булган омилларнинг маҳсулот ишлаб чикариш хажмига таъсирининг таҳлилида асосий воситалар ўртача йиллик кийматининг узгариши таъсирида ялпи маҳсулот хажми +6884,9 (+2604*2,644) минг сумга, фонд кайтимининг узгариши ҳисобига +58807,1 (0,998*58925) минг сумга усишини кўриш мумкин.

7. Ишлаб чикариш жихозларини вақти ва қуввати бўйича фойдаланиши таҳлили.

Ишлаб чикариш жихозларидан вақт ва қувват бўйича фойдаланиш таҳлилида корхона асосий фондлари ва уларнинг таркибида машина ва ускуналар, станоклар иш вақтидан фойдаланишнинг даражасига, қувватларнинг фойдали иш коэффициентларига, фойдаланишнинг реал ҳолатига баҳо берилади.

Машина ва ускуналар иш вақтидан самарали фойдаланишда уларнинг жами саноат ишлаб чикариш асосий воситалари таркибидаги салмоғига ва уларнинг иш самарасига аҳамият берилади.

Машина ва ускуналарнинг жами жами ишлаган вақти ҳамда машина ва ускуналар иш вақтидан олинган самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш асосида маҳсулот ишлаб чикариш хажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилади ҳамда уни устиришнинг ички имкониятлари белгиланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида уларни таҳлил этишнинг услубий асосларини кўриб ўтиш мумкин.

Машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили ва улар.

Кўрсаткичлар	Утг ан йил	Хи сobot йили	Фарк и
Маҳсулот хажми минг сум ҳисобида, корхона улгуржи баҳосида	125 463	254 698	+129 235
Ишланган станок соатлар, минг станок соат	147 80	165 87	+180 7
Бир станок соатда ишалб чикарилган маҳсулот ҳажми, минг сум	8,4 88	15, 355	+6,86 7

Корхонада маҳсулот ишлаб чикариш хажми утган йилнинг шу даврига нисбатан 129235 минг сумга усган. Бу узгариш бевосита саноат ишлаб чикариш воситалари таркибида машина ва ускуналар иш вақтининг узгариши ҳамда уларнинг ҳар бир станок соатига тўғри келадиган иш унумининг узгариши билан характерланади. Ишланган жами станок соатлари утган йилга 1807 минг станок соатга усган, бир станок соатда ишалб чикарилган маҳсулот хажми эса 6,867 минг сумга усган.

8. Фонд кайтимини ошириш имкониятлари.

Фонд кайтимини ошириш имкониятларини умулаштириш таҳлил этиш босқичининг якуни ҳисобланади. Унда таҳлил этиш натижаларидан келиб чиккан ҳолда корхонада асосий воситаларнинг самарадорлигини оширишнинг йуналишлари белгиланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг қуйидаги йуналишларини корхона учун тавсия сифатида тушириш мумкин.

Ташкилий йуналишлар:

- асосий воситаларнинг факат корхонага иш берадиган қисминигина олиш;
- асосий воситаларнинг ортикча қисмини ушлаб турмаслик;

-эскирган асосий воситаларни ва манавий талабга жавоб бермайдиган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш;
-асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта узгартириш;
-асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг муқоллик шакллари белгилаш ва х.к.

Техник йуналишлар:

-асосий воситаларни тамирлаш чоралари қўриш, техник қаров;
-эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
-автоматлаштирилга тизимни яратиш;
-механизациялашни кучайтириш ва х.к.;

Эксплуатацион йуналишлар:

-бир сменалик ва куп сменалик;
-ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш;
-асосий воситалар қарови юзасидан маъсул шахсларни ажратиш;
-асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва х.к.;

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий фондлардан самарали фойдаланишни аҳамияти ва таҳлил вазифаси.

Асосий фондларни ишлаб чиқаришдаги ролига қараб гуруҳларга бўлиниши.

Асосий воситаларнинг Актив ва Пассив қисмлари.

Асосий фондларни таркиби, тузилишидаги ўзига ҳос хусусиятлари.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, рақобатга бардошлигини таъминлашда тезлашган амортизация ажратмаларини қўллашнинг афзалликлари.

Асосий фондларни техник ҳолатини таҳлили.

- янгиланиш даражаси
- эскириш даражаси
- яроқлилиқ даражаси

Фонд қайтими ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби.

Фонд қайтимини ошириш резервлари.

Мавзу 5. Корхонани моддий ресурслар билан таъминланиши таҳлили

Ўрганиладиган саволлар:

1. Меҳнат предметлари таҳлилининг аҳамияти
2. Меҳнат предметлари таҳлилининг вазифалари.
3. Моддий ресурслар билан таъминланганлик кўрсаткичлари тизими
4. Моддий ресурсдан фойдаланиш самарадорлигини характерлайдииган кўрсаткичлар тизими.

1. Меҳнат предметлари таҳлилининг аҳамияти ва вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона асосий мақсадига эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини жумладан меҳнат предметларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга оқибат натижада фойдалилик даражасини оширишга эришадилар. Маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат предметларининг аҳамияти улкан. Уларсиз айрим ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти чекланади айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас.

Масалан, меҳнат предмети ҳисобланган металллар электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам чекланади. Шундай экан меҳнат предметларига саноат ишлаб чиқаришида нималар киришлилигини аниқлаб олиш лозим. Адабиётларда, корхона ҳужжатларида кўрсатилишича меҳнат предметларига қуйидагилар киритилган:

- хом-аше ва материаллар;
- электро-энергия;
- Ёқилёи;
- Ёёловчи материаллар;
- кам баҳоли ва тез тўзувчи буюмлар ва бошқалар.

Улардан йил давомида тўлиқ ҳамда тежаб тергаб фойдаланиш энг муҳим мақсад ҳисобланади.

Меҳнат предметларидан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари ёки таннархлари пасайади. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдалари ортади. Шунинг билан биргаликда меҳнат предметларидан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпайади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабеллининг ошиши, корхонани моддий ресурслар билан белгиланган ассортименти ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқ.

Шунинг учун саноат корхоналари ўз ишлаб чиқаришини бир меъорда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда меҳнат предметлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки ҳозирги пайтда меҳнат предметларини йўқлиги ёки ўз вақтида олиб келинмаганлиги сабабли саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолмоқда.

Корхоналарнинг моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши шу билан биргаликда улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар тамонлама таъсир этади.

Корхоналарнинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жихатдан бақувват бўлиши оқибат натижада мустақил Республикамиз-нинг иқтисодиётини

барқарорлашишига замин яратади. Халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларининг ошиши ўз навбатида моддий ресурслардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун моддий ресурслардан тежаб тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Меҳнат предметларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш шунингдек самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этишни тақозо этади. Чунки улар Ёрдамида меҳнат предметлари ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади. Шунинг билан биргаликда ишлаб чиқаришни турлича шакллари асосий эътиборни нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби уларда мулкка эгалик қилиш ҳиссиёти доимо юқори даражада бўлади. Дарҳақиқат нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналарда меҳнат предметлари уларнинг мулки ҳисобланади. Ундан имконият доирасида самарали фойдаланишга катта эътибор берилади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти каттадир. Корхонада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларни тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни топиш мумкин.

Меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхона, бирлашмаларнинг зарурий материал ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслигини, сифатлигини, сортлигини ҳамда маъромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналарaro тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот хажмига унинг таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- хом ашё, Ёқилги ва материаллардан фойдаланилмаган ички имкониятларини аниқлаш ва бошқалар.

Таҳлил учун зарурий маълумотлар моддий техника таъминоти режаси, хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома ҳамда моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг статистик ҳисоботидан олинади. Корхоналарда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларни сарфланиши бўйича ўрнатилган меъорий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат предметларидан самарали фойдаланишга Республикамиз ҳукумати томонидан ҳам доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар қабул қилинган норматив ҳужжатларда ўз аксини топган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» ги, «Тадбиркорлик тўғрисида» ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги ва бошқа қонунларда, фармонларда, қарорларда ўз аксини топган.

2. Моддий ресурслар билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими.

Корхоналарда моддий ресурслардан тўлиқ, бир меъорда ҳамда самарали фойдаланганлик даражасини таҳлил этиш учун шу ҳолатларни ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур.

А) Шу жумладан асосий фондлар билан таъминланганлик ҳамда айланма фондлар ва маблаёлар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни моддий ресурсларни алоҳида алоҳида турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан станоклар билан, хом ашё билан, электр энергия билан, Ёқилёи билан ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлигини аниқлаш мумкин.

Б) Моддий ресурслардан фойдаланишнинг тўлиқлигини асосан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси исботлайди.

В) Саноат корхоналарида меҳнатни моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Уни жами моддий ресурслар қийматини корхонада мавжуд бўлган ишчи ва хизматчилар сонига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткични янада аниқлаштириш мақсадида моддий ресурслар қийматини фақатгина ишчилар сонига тақсимлаш натижасида ҳам аниқлаш мумкин. Уни алоҳида асосий фондлар билан қуролланганлик ҳамда айланма фондлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Г) Моддий ресурслардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини корхоналардаги фондлар қайтими ҳамда фондлар сиёими исботлайди. Фондлар қайтимини аниқлаш учун корхонада йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳамда товар маҳсулоти қийматини асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш лозим. Фондлар қайтимининг иқтисодий моҳияти бўлиб корхонанинг ҳар минг сўмлик асосий фондларига тўёри келадиган ялпи маҳсулот ёки товар маҳсулотини кўрсаткичи ҳисобланади.

Асосий фондлардан самарали фойдаланишни кўрсатувчи кейинги кўрсаткич бўлиб фонд сиёими ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун корхонадаги мавжуд бўлган асосий воситаларнинг йиллик ўртача қийматини йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва товар маҳсулоти қийматларига тақсимланади. Фондлар сиёимининг иқтисодий моҳияти бўлиб корхонада йил мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ёки товар маҳсулотининг ҳар минг сўмига тўёри келадиган асосий фондларнинг қиймати ҳисобланади.

Ушбу самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги схема орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

кўрсаткичларини материал қайтими ва материал сиёими кўрсаткичлари ифодалайди. Материал қайтими кўрсаткичини аниқлаш учун корхонада йил давомида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қийматини материал харажатлар қийматига тақсимланади. Ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти бўлиб корхонада йил давомида ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган ҳар бир сўмлик материалларга тўёри келадиган товар маҳсулоти ҳисобланади. Материал сиёими кўрсаткичи бунинг акси бўлиб материал харажатлар қийматини корхонанинг йил давомида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Буни тавсифлайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич корхонада йил мобайнида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳар бир сўмига қанча материал харажатлари сарфланганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларни қуйидаги схема орқали қуриш мумкин.

Мавзу 6. Корхонани моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таҳлили

1. Корхонанинг моддий техника таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили.

2. Корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлигини таҳлили.
3. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги
4. Материал ресурсларини ишлаб чиқариш хажмига таъсирини таҳлили.

1. Корхонанинг моддий техника таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида саноат корхоналарига қонун доирасида ҳаракат қилиш мустақиллиги берилган. Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида турлича мулкчиликка асосланган корхона шакллари ташкил этилган. Улар иқтисодий муносабатларни ривожлантирилиши натижасида янада такомиллаштирилмоқда. Натижада ижара корхоналари, хиссадорлик жамиятлари, компаниялари, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва бошқалар ташкил этилмоқда. Улар талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда кўпроқ фойда олиш мақсадида ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини қонун доирасида эркин мустақил амалга оширмоқдалар. Шу ҳолат корхоналарнинг моддий техника таъминоти масалаларини ҳал этишга ҳам бевосита боёлиқдир.

Корхоналар ишлаб чиқаришини ривожланишини режалаштирадилар. Улар қисқа ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган бўлади. Бу масалалар корхоналарнинг бизнес режаларида ва бошқа ҳужжатларда акс эттирилган бўлади.

Корхоналар ўз мақсадини муваффақиятли ҳал этиш мақсадида ўзларини ишлаб чиқаришларни моддий техника ресурслари билан таъминлаш жараёнини бажарилишига алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун аниқланган яъни корхона учун зарур бўлган моддий техника ресурсларини янги турлари мавжудлиги ҳамда улар жаҳон бозорида таклиф қилинганлиги ўрганилади. Чунки корхона ўзи учун зарур бўлган моддий техника ресурсларининг яхшиларини яъни самаралисини олишга ҳаракат қиладилар.

Моддий техника маркетингини яъни бозорини ўрганиш билан биргаликда уларни қайси бозор инфратизимларидан сотиб олиш мумкинлигини белгилайдилар. Шу даврда товар ва хом ашё биржалари билан, сотувчилар томонидан ташкил этилаётган кўрнгазмалар билан бевосита корхоналарнинг ўзлари билан алоқларни тиклайдилар. Шу алоқалар натижасида қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли айрим ҳолларда эса бир марталик кучга эга бўлган шартномалар тузилади. Шу шартномаларда моддий техника ресурсларини етказиб берувчиларининг бурчлари вазифалари батафсил акс эттирилади. Масалан, Тошкент трактор заводди ўзида ишлаб чиқарилаётган тракторларни қайси муддатларда қандай ҳолатда қаерга ҳамда қандай баҳоларда етказиб беришлилигини акс эттириши мумкин. Агарда шу завод корхоналарга тракторларни етказиб беришни ўз зиммасига олган бўлса. Айрим ҳолларда истемолчилар заводдан тракторларни ўзлари олиб чиқиб кетишларини ўз зиммаларига олишлари мумкин. Шундай ҳолларда унинг баҳолари нисбатан арзон бўлиши мумкин жавобгарлиги эса сотиб олувчи зиммасида қолиши мумкин.

Корхонани моддий техника ресурслари билан таъминланишини таҳлили моддий техника таъминоти режасининг объектив равишда белгиланганлигини аниқлашдан бошланади.

Моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашда техника, хом ашё, ёқил-ёни-мойлаш материаллари ва бошқа материаллар бўйича белгиланган меъорлардан қандай фойдаланилганлиги, илёт меъорлардан хом ашёга бўлган талабни аниқлашда ундан қай даражада фойдаланилганлиги текширилади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг бир маъромда амалга оширилиши кўп жihatдан корхонани моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланганлигига боёлиқдир.

Корхонани моддий техника ресурсларига бўлган эҳтиёжи икки манба ҳисобига қондирилади.

1. Ташқи таъминот;
2. Ички таъминот.

Ташқи таъминот деганда ташқи корхоналар, хом ашё биржалари билан тузилган шартномага асосан моддий техника ресурсларини четдан етказиб берувчилардан келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот деганда таъминот режасининг бажарилиши, ички ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқтисод режасига риоя қилиш қабилар тушунилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарнинг иқтисодий аҳволи нисбатан барқарор бўлмаган ҳолларда яъни корхоналар моддий техника ресурсларини сотиб олишлари учун ўз маблаёларига эга бўлмаган ҳолларда лизинг кредитидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Лизинг кредитларини амалга оширишда лизинг компаниялари билан ёки лизингни амалга оширувчи субъектлар билан лизинг кредитлари бўйича шартномалар тузилади. Бунда уч томон қатнашиши мумкин. Лизинг кредитини амалга оширувчи асосан ўртада маблаёи бўлганлиги муносабати билан моддий техника ресурсларини ижарага берувчилардан олиб уларни фойдаланувчиларга етказиб бериши билан шуёулланиши мумкин. Айрим ҳолларда эса моддий техника ресурсларини ижарага берувчилар уларни ижарага олувчиларга бевосита етказиб беришлари мумкин. Бу масалалар шартномаларда тўлиқ ўз аксларини топилари зарур.

Корхоналарда моддий техника таъминоти режаларини бажарилишини таҳлил этиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Моддий техника таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили

Шарт-ли белги	Материалларга булган талаб (тонна)		Ни Манба и	Шартнома тузил-ди (тонна)	Талабни шартнома бўйича коплаш (%)	Материалларни келиб тушиши (тонна)	Шартнома бажарилиши (%)
		Ички	Ташки				
A	27000	1500	26500	24300	90.0	22907	94.2
B	5700	1050	5650	5420	95.0	5190	95.7

$$T_k = (1500 + 24300) / 27000 = 0.955$$

Жадвал маълумотларидан кўринадикки материалларга бўлган талаб (A) тузилган шартнома ва ички манбаълар бўйича тўлиқ таъминланмаган. Режа бўйича таъминланиш коэффициенти 0.955 ни ташкил этган. Ҳақиқатда материалларни етказиш режаси 10.0% га бажарилмаган (100-90.0).

Шундай таҳлил натижасида материалларни етказиш режасини бажарилмаганлик сабабларини батавсил аниқлаш талаб этилади. Унга сабаб бўлиб материал ресурсларини етказиб берувчилар ҳамда уларни сотиб олувчилар айрим ҳолларда эса ўртада турган бозор инфра тизимлари ҳисобланиши мумкин. Бу сабаблар ўрганилганидан сўнг уларни бартараф этиш режалари, тадбирлари тузилади.

4. Корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлигини таҳлили.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларининг натижаси ҳамда самарадорлиги уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлигига бевосита боғлиқдир. Чунки корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хажми, сифати улардаги материал ресурсларининг талаб даражасида бўлишлигини объектив равишда тақозо этади. Шунинг билан биргаликда у ресурслар замон талабига ҳам мос келиши лозим. Яъни, универсалилиги, янгиллиги ҳамда арзонлиги нуқтаи назаридан. Корхоналарнинг материал ресурсларига бўлган талабини аниқлашда меъорий ҳужжат ва меъорий маълумотлардан фойдааниш лозим. Саноат корхоналарида бизнес режада кўрсатилган маҳсулотлар миқдорини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материал ресурсларининг миқдори ва қиймати аниқланади. Яъни қанча станоклар қанча машиналар, механизмлар шунингдек бошқа моддий ресурслар бўйича алоҳида алоҳида ҳисоб-китоблар қилинади.

Корхоналарнинг ўзларидаги мавжуд бўлган материал ресурсларининг йил бошига бўлган миқдори йиллик инвентаризация натижасида аниқланади. Уларда мавжуд бўлган материал ресурслар корхона ишлаб чиқаришини давомийлигини таъминлаш учун етарли бўлмаган ҳолларда корхоналарни зарур бўлган материал ресурслари билан таъминлаш борасидаги шартномалар тузилади. Бу масалалар юқоридаги савода батафсил ёритилган.

Корхоналарга сотиб олинаётган материал ресурсларини оқими натижасида уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлик даражаси ортиб боради. Саноат

корхоналарининг материал ресурслари билан таъминланганлигини ҳамда меҳнатни улар билан қуролланганлигини иккинчи саволда келтирилган кўрсаткичлар Ёрдамида аниқланади. Масалан корхона ихтиёрида йил бошига 100 млн сўмлик материал ресурсларининг мавжудлиги балансда кўрсатилган. Корхона учун эса ишлаб чиқаришини бир меорда ривожлантириш учун режага мувофиқ 170 млн сўмлик материал ресурслари зарурлиги аниқланган. Демак, корхона учун уларга бўлган талаб тўлиқ қондирилади. Ётгани йўқ. Бу масалани ҳал этиш учун корхона қўшимча 70 млн сўмга материал ресурсларини сотиб олишни ёки қарзга, ижарага олишни режалаштиради. У шу масала бўйича тузилган шартномаларда ўз аксини топади. Корхонани моддий техника таъминотини ҳал этилиши натижасида йил давомида 50 млн сўмлик материал ресурслари сотиб олинган. Шунда корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлик даражаси 88.2 % ни ташкил этган бўлади

$(100+150)/170$.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики корхона материал ресурслари билан тўлиқ таъминланмаган яъни уларнинг миқдори 11.8 % га кам бўлган. Бу ҳол корхона ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Корхонанинг материал ресурслари билан таъминланганлигини таҳлил этиш натижасида улар билан тўлиқ таъминланмаганлик фактлари аниқланса бу ҳолда уни келиб чиқиш сабаблари ўрганилади шунинг билан биргаликда ушбу салбий натижаларни бартараф этиш имкониятлари ва чора тадбирлари белгиланади.

5. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларни ишлаб чиқариш хажмига таъсирини таҳлили

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари яъни таннархлари – кўп жihatдан хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боёлиқдир.

Материал ресурслар миқдорини режалаштирилган хажмда тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имконият яратади. Материал ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмаса ҳамда уларнинг амалиётдаги фойдаланилиши белгиланган меъорларга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда келтирилган материаллар маҳсулот ишлаб чиқариш давомийлиги режасини бажариш учун етарли бўлмайди.

Материал ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилган бўлса, бу ҳолда маҳсулот хажми қанчага кам яратилганлиги ёки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасда қанча қўшимча маҳсулот барпо этилганлигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Уларни қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш мумкин:

- корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги учун белгиланган харажат меъори материал ресурсларга кетган ҳақиқий харажатлар билан тақосланади;
- эришилган иқтисод ёки ортиқча харажат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорига кўпайтирилади;
- моддий ресурслардан фойдаланиш натижасида юзага келган ортиқча харажат режа бўйича кўзланган харажат меъорига тақсимланади.

Шу тартибда материаллардан самарали фойдаланиш натижасида эришилган иқтисод асосида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки уларни тежаб-тергаб фойдаланмаслик оқибатида ортиқча харажатларни юзага келиши заминида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот хажми аниқланади. Материаллардан фойдаланишни янада чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз:

2- жадвал

Материаллардан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ручка	Қалам
1. Режа бўйича маҳсулот бирлигига сарфланган материал (100 дона)	18170	13200
- Ҳақиқатда	18050	13270
- Фарқи (+ , -)	-120	+70
2. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (100 дона)	78500	50700
3. Иқтисод (-), ортиқча (+) жами маҳсулотга (минг birlik)	-9420	+3549
4. Қўшимча еки кам маҳсулот ишлаб чиқариш	+52	-27

Жадвал маълумотларидан кўринадикки таҳлил этилаётган корхонада ручка тайёрлашда унга сарфланган рангли металл материаллари иқтисод қилиниши натижасида қўшимча равишда 52 дона ручка ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинган. Қалам тайёрлашда эса режадагидан кўпроқ материалларнинг сарфланиши натижасида асосланмаган ортиқча харажатлар амалга оширилган. Бунинг натижасида эса 27 та қалам кам ишлаб чиқарилган.

Шу билан биргаликда материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил этилганда алоҳида материаллардан фойдаланишни тадқиқ қилиш билан биргаликда корхона бўйича материаллардан фойдаланишни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уни қуйида келтирилган жадвал ёрдамида амалга ошириш мумкин:

3-жадвал

Материаллар фойдаланишнинг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Моддий харажатлар (минг сум)	42843	42043	-800
2. Товар маҳсулоти (минг сум)	74260	79797	+5537
3. Товар маҳсулоти материал сизими (сум) (1/2)	0.5769	0.5268	-0.050
4. Материал сарфи узгаришининг таъсири (+ , -)			
- товар маҳсулоти таннархидаги моддий харажатларнинг кимматлашиши (+), пасайиши (-)	x	x	-3989
- $0.050 * 79797 = - 3989$			
- товар маҳсулотининг ҳажми, минг сум			
- $3989 : 0.5769 = 6914$			
5. Материал кайтими (2 / 1)	x	x	+6914
	1.73	1.89	+0.16

Таҳлил этилаётган жадвал маълумотларидан кўринадикки моддий харажатларни иқтисод қилиш натижасида қўшимча равишда 6914 минг сўмлик маҳсулот ишлаб

чиқаришга эришилди. Кўринадикки корхонада товар маҳсулотига сарфланадиган материаллардан самарали фойдаланиш борасида ишлар яхши йўлга қўйилган.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

- Моддий ресурслар тўбрасида тушунча ва таҳлил этиш вазифалари;
- Моддий ресурслар билан таъминланиш манбалари;
- Ички манба;
- Ташқи манба;
- Таъминот режасининг реаллигини текшириш услублари;
- Моддий ресурслар ҳолатини таҳлил этиш услублари;
- Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлилини услублари;
- Материал сиёими ва уни маҳсулот ҳажмига таъсири;
- Материал сиёими ва уни таннархига таъсири;
- Материал сиёими ва уни пасайтириш резервлари.

7-Мавзу. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, меҳнат унумдорлиги ва уларни маҳсулот ҳажмига таъсирини таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

1. Меҳнат ресурслари таҳлилининг мазмуни ва вазифалари.
2. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини таҳлили.
3. Иш кучи қўнимсизлиги ва ишчиларнинг малака даражасини таҳлили.
4. Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлили ва унинг ўзгариш сабаблари.
5. Меҳнат унумдорлик динамикасининг таҳлили.
6. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
7. Ишчининг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларининг таҳлили.
8. Маҳсулот меҳнат сиёимининг таҳлили.
9. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлили.

1. Меҳнат ресурслари таҳлилининг мазмуни ва вазифалари.

Республикамизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Меҳнат кўрсаткичлари таркибига қуйидагилар киради.

- А) Иш ҳақи фонди.
- Б) Ходимлар сони.
- В) Меҳнат унумдорлиги.
- Г) Ўртача йиллик иш ҳақи.

1997-1998 йилларда Ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми юқори сураатлар билан олдинги йилларга нисбатан ўсди. Меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси маҳсулот ҳажмини ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлиши мамлакат миқёсида катта иқтисодий самара берди. Ҳалқаро тажрибадан маълумки, шу кўрсаткич давлат иқтисодиёти кудрати, кишилар турмуш фаровонлиги омилларини мезони бўлиб хизмат қилади.

Моддий ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир.

1. Меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси.

2. Меҳнат унумдорлиги ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсиши.
3. Ходимлар сонини нисбий камайиши.
4. Меҳнат ҳақи фондидан нисбий иқтисод.
5. Меҳнат унумдорлиги ўсиш даражасини меҳнат ҳақини ўсиш даражасига нисбати.

Меҳнат ресурсларини таҳлил этиш орқали корхонани ходимлар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш, уларнинг таркиби, тузилиши, касбий маҳорати, ходимларни малакасини ошириш, иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига баҳо берилади. Айниқса меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига кўпроқ эътибор берилади. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсишини, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш ва бошқа омиллар эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришдан иборатдир. Меҳнат ресурсларини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилнинг вазифалари:

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши, унинг таркиби, структураси ўзгаришини меҳнат унумдорлигига бўлган таъсирини ҳисоблаш.
2. Иш вақтини йўқотиш сабабларини аниқлаш.
3. Меҳнат унумдорлик режасини бажарилиши ва динамикасига объектив баҳо бериш.
4. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш резервларини аниқлаш.

Таҳлил манбаи :

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги 1-Т статистик ҳисобот шакли, иш вақтидан фойдаланиш, иш вақти баланси тўғрисидаги ҳисобот, ишга келиш, кетиш тўғрисидаги табел, иш кунини фотографияси, ишлаб чиқариш нормасини бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа маълумотлар.

2. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини таҳлили.
- 3.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши корхонани иш кучи билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларига кўп жihatдан боёлиқ. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришга уч ёқлама таъсир этади.

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси.
2. Иш вақтидан фойдаланиш.
3. Меҳнат унумдорлик даражаси.

Корхонанинг барча бўйинларида хизмат қиладиган ходимлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари
2. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар.

Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қиладиган категориядаги цех ускуналарни капитал таъмирлаш, корхона бошқарув бўлими, конструктор бюроси, ён ёндан муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимлар саноат ишлаб чиқариш ходимлари деб аталади.

Транспорт, уй-жой хўжалиги, болалар боёчаси ва яслиси, маданий-маърифий соҳалардаги ходимлар ноишлаб чиқариш ходимлари таркибига киради. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари ишлаб чиқаришдаги ролига қараб қуйидаги категориядаги ходимларга бўлинади:

- Ишчилар
- Хизматчилар
- Раҳбар ходимлар
- Мутахассислар
- Қоровуллар

Иш кучини таҳлили корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун жами саноат ишлаб чиқариш ходимларини сони

шу жумладан, айрим категориядаги ходимлари режаси билан таққосланиб ходимларни ортиқча, етишмаслиги аниқланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нафақат корхонани умумий миқдорда меҳнат ресурслари билан таъминланишига боёлиқ бўлмай, балки ходимларни тузилишига боёлиқ. Шу боис ходимларнинг структураси, уларнинг ўзгариши, ўзгариш сабаблари ва динамикаси таҳлил этилиши лозим.

Таҳлил этишда саноат ишлаб чиқариш ходимларини сони режа ва ўтган йилдагиси билан солиштириб корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва динамикаси аниқланади. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг структураси тармоқ хусусияти, маҳсулот номенклатураси, ихтисослашиш даражасига боёлиқ.

Жадвал-1.

Меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили				Фарқи (+,-)	
		Режа		Ҳақиқатда		Ўтган йилда	Режадан
		сон	%	сон	%		
1	2	3	4	5	6	7	8
Ишчилар	649	624	79.6	601	79.2	-48	-23
Хизматчилар	172	120	15.3	118	15.5	-54	-2
Рахбар ходим, мутахассислар	53	40	5.1	40	5.3	-13	-
Жами	874	784	100	759	100	-115	-25

Корхона иш кучи билан етарли миқдорда таъмин этилмаган (25 киши) шундан, ишчилар 23 киши, хизматчилар 2 кишини ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бизнинг мисолимизда ортиёи билан адо этилган. Демак маҳсулот ҳажмини ўсиши асосан меҳнат унумдорлиги ҳисобига эришилган.

Ўтган йилга нисбатан ҳам ходимлар 115 кишига қисқарган. Ходимлар таркибида структуравий ўзгариши юз берган. Ишчиларни тутган улуши режадаги 79,6 фоиздан ҳақиқатда 79.62 фоизга қадар пасайган. Хизматчилар, рахбар ходимлар ва мутахассисларники эса режага нисбатан улуши кўтарилган.

3. Иш кучи қўнимсизлиги ва ишчиларнинг малака даражасини таҳлили.

Ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгаришларга ҳам боёлиқ.Йил давомида корхона ходимлари таркиби ишга қабул қилиш ва бўшатиш ҳисобига ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар иш кучи обороти коэффиценти орқали ифодаланади: таҳлил этишда кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши назорат қилинади. Бунинг учун ишчиларни ўртача разряди аниқланади. Кадрларни қўнимсизлиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир этади.

Қўнимсизлик коэффицентини аниқлаш учун ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшаган ва меҳнат интизомини бузганлиги учун кетган ходимлар сони ходимларни рўйхат бўйича сонига бўлиш лозим. Бу кўрсаткич ўтган йил билан таққосланади ва тегишли хулоса қилинади.

Жадвал-2.

Кадрлар кўнимсизлигини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Ишчиларни рўйхат бўйича сони	649	601
Ишга қабул қилинди	118	109
Ишдан бўшатилади	163	155
Шу жумладан:		
А) ўз ҳоҳишига кўра	53	45
Б) проғул ва меҳнат интизомини бузганлиги учун	87	80
В) ўқишга кирганлиги, нафақага чиққанлиги сабабли	23	30
Қабул қилиш обороти гр2/гр1	18,2	18,1
Ишдан бўшатиш обороти гр3/гр1	25,1	25,8
Кўнимсизлик коэффициенти гр3а+гр3б/1	21,6	20,8

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонада ишдан бўшатиш обороти, ҳамда кўнимсизлик коэффициентлари юқори кўрсаткичга эга. Бу кўрсаткичлар орқали корхонада меҳнатни ташкил этиш, раёбатлантириш системалари талаб даражасида эмаслигини ифодалайди.

Таҳлил давомида ишчиларни касби бўйича корхонани таъминланиши аниқланиши лозим. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш корхонани ишчиларнинг касбини ҳисобга олган ҳолда таъминланишига боёлиқ.

жадвал-3

Ишчиларни касби бўйича таъминланишининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Режанинг бажарилиши, %	Режадан фарқи	
				сони	%
1. Йиёувчи - слесарлар	144	111	77,1	-33	- 22,9
2. Монтажчи-слесарлар	150	160	106,7	+10	+6,7
3. Токарлар	170	155	91,1	-15	-8,9
4. Чилангарлар	90	105	116,6	+15	+16,6
5. Пайвандчилар	70	70	100,0	-	-
ЖАМИ	624	601	96,3	-23	-3,7

Корхона асосий касбдаги ишчилар билан 96,3 фоизга таъминланган. Монтажчи-слесарлар, чилангарлар касбдаги ишчилар режага нисбатан ортиқча бўлган ҳолда қолган касбагилар камайган. Бундай ҳолатни бўлиши ишлаб чиқаришни нормал ташкил этишга тўсқинлик қилади, натижада белгиланган иш вақтидан ортиқча меҳнат сарфи қилинишига ва иш ҳақи фондидан ортиқча сарфга йўл қўйилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш натижаси меҳнат унумдорлиги ишчининг меҳнат стажига ҳам боёлиқ. Таҳлил этишда узлуксиз меҳнат стажы (1-йилгача, 1-5 йил; 5-10; 10-15; 15-20; 20-25; 25 йилдан ортиқ)ни жами ишчилар сонига тутган улуши аниқланади ва тегишли хулоса қилинади.

4.Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлили ва унинг ўзгариш сабаблари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ишни ташкил этиш ва меҳнат ресурсларини, иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боёлиқ.Ишчиларни иш вақти фонди ишчининг йил давомида ишлаган киши -кунлари ва киши-соатлари кўринишида ҳисоботларда ифодаланади. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этиш учун ишчилар томонидан ишланган жами киши-кунлари ва киши-соатлари режаси билан таққосланиб иш вақтини йўқотилиши ва уни ўзгариш сабаблари аниқланади. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этишда куйидаги кўрсаткичларни кўшимча аниқлаш лозим.

1. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши -кунлари.
2. Иш куни давомийлиги.

Иш вақти фонди (киши-соатлари) куйидаги кўрсаткичлар кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

Жами ишланган киши-соатлари = $\frac{\text{Бир ишчининг Иш куни}}{\text{Ишчилар сони} \times \text{ишлаган киши-кунлари} \times \text{Иш куни давомийлиги}}$

жадвал-4

Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақи-қатда	Режадан фарқи (+,-)	Режанинг бажарилиши, %
1. Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони	624	601	-23	96,31
2. Ишчиларни йил давомида ишлаган жами киши-кунлари, минг киши-куни	162,2	154,5	-7,7	95,25
3. Ишчиларни йил давомида ишлаган жами киши-соатлари, минг киши-соати	1265,2	1212,8	-52,4	95,85
4. Бир ишчининг ишлаган киши-кунлари (3/1)	260	257	-3	98,80
5. Иш куни давомийлиги, соат(3/2)	7,80	7,85	+0,05	100,60

Маълумотлар шуни кўрсатадики, корхонада иш вақтидан тўлиқ фойдаланилмаган. Жорий йилда режадаги иш вақти фондига нисбатан 7,7 минг киши-кунлари ҳамда, 52,4 минг киши-соатлари йўқотилган. Йўқотилган иш вақти асосан ишчилар сонини 23 кишига камайиши ва бир ишчининг йил давомида уч кундан ишга чиқмаслиги туфайли рўй берган. Кўшимча иш вақтини узайтириш ҳисобига йўқотилган иш соатлари қисман қопланган. Жами йўқотилган 52,4 минг киши-соатларига куйидаги омиллар таъсир этади.

1. Ишчилар сонини ўзгариши.
2. Бир ишчини ишлаган киши-кунларини ўзгариши.
3. Иш куни давомийлигини ўзгариши.

Бу омилларнинг иш вақти фондига бўлган таъсирини мутлоқ фарқ усули орқали аниқлаймиз.

Ишчилар сонининг ўзгариши

$-23 \times 260 \times 7,80 = -46,6$ минг киши-соат

Бир ишчининг ишлаган киши-кунларини ўзгариши

$-3 \times 601 \times 7,80 = -14,1$ минг киши-соат

Иш куни давомийлигини ўзгариши

$+0,05 \times 154,5$ минг киши-кун = +7,7 минг киши-соат

5. Меҳнат унумдорлик динамикасининг таҳлили.

Маҳсулот ҳажмини оширишда меҳнат унумдорлигини улуши юқоридир. Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Меҳнат унумдорлигини ўлчов бирликлари:

А) Қиймат

Б) Натура.

В) Меҳнат.

Унумдорлик даражсини натура шакли аниқ ифодалайди, аммо бу кўрсаткични қўллаш чекланган. Меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткич бу ҳар бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотдир.

Булардан ташқари ишчининг бир кунлик иш унуми, ишчининг бир соатлик иш унуми кўрсаткичлари ҳам меҳнат унумдорлигини ифодалайди. Таҳлил этишда бу меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ўтган йилдагиси билан таққосланиб кўрсаткичларни ўзгариш сабаблари аниқланади.

6. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Бир ходимга тўғри Саноат ишлаб чиқариш Бир ишчининг
келадиган ўртача = ходимлари таркибидаги х ўртача йиллик
йиллик маҳсулот ишчиларни тутган улуши (%) маҳсулоти

Меҳнат унумининг таҳлил этишда унинг динамикаси, режасини бажарилишига баҳо берилади. Унумдорлик даражсини ўзгариш сабаблари аниқланади ва унга таъсир этувчи омиллар миқдор жиҳатдан ҳисобланади.

Жадвал-5.

Бир ходимнинг меҳнат унумини ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		режада	Ҳақиқатда	Ўтган йилдан	Режадан
Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми, м.сўм	209352	220388	254550	+45198	+34162
Саноат ишлаб чиқариш ходимларни ўртача сони	874	784	759	-115	-25
Шу жумладан:					
Ишчилар сони	649	624	601	-48	-23
саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчилар салмоёи % $гр3*100/гр2$	74,3	79,6	79,2	+4,9	-0,4
Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, м.сўм $гр1/гр2$	239,5	281,1	335,4	+95,9	+54,3
Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, м.сўм $гр1/гр3$	322,5	353,1	423,5	+101	+70,4
Бир ходимни режага нисбатан меҳнат унумининг ўзгариши:	x	x	x	x	+54,3
А) Ишчилар салмоёини ўзгариши $-0,4*353,1/100$	x	x	x	x	-1,4
Б) бир ишчини меҳнат унумини ўзгариши $+70,4*79,2/100$	x	x	x	x	+55,7

Бизнинг мисолимизда маҳсулот ҳажми солиштирама улгуржи баҳода ўтган йилга, режага нисбатан ортган. Ходимлар ва ишчилар сони эса шу давр ичида камайган. Демак маҳсулот ҳажмини ўсиши меҳнат унумдорлигини ўсиши билан изоҳланади. Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми режага нисбатан 54,3 минг сўмга ортиши, бир ишчининг унумдорлик даражасини ортиши билан изоҳланади. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгариш эвазига ходимнинг унумдорлик даражаси 1,4 минг сўмга камайган.

7.Ишчининг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили.

Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажми қуйидаги омилларга боёлиқ.

1. Бир ишчининг йил давомида ишлаган ўртача киши кунлари=(жами киши кунлари/ишчилар сони)
2. Иш куни давомийлиги, соат = (жами ишланган киши соат/жами ишланган киши кунлари)
3. Ишчининг бир соатлик иш унуми = (маҳсулот ҳажми / жами ишланган киши -соат)

Таҳлил этишда бир ишчига тўёри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажмининг режасига, ўтган йилга нисбатан ўзгариш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар қуйидагича аниқланади.

Бир ишчига тўёри Бир ишчининг Иш куни Ишчининг 1 соатлик
келадиган ўртача = ишлаган киши х давомийлиги х иш унуми
йиллик маҳсулот кунлари
Жадвал-6.

Иш вақтидан фойдаланишни ва ўртача 1 соатлик иш унумдорлигини ишчининг йиллик маҳсулот ҳажмига таъсирини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Режа	Ҳақиқат	Ўтган йилдан	Режадан
Маҳсулот ҳажми, м.сўм	20 9352	22 0388	254 550	+4 5198	+34 162
Ишчиларнинг жами ишлаган киши-кунлари, минг к/к	17 1,1	16 2,2	154, 5	+1 6,6	-7.7
Ишчиларнинг жами ишлаган киши-соатлари, минг к/с	1334,3	1265,2	1212,8	-121,5	-52,4
Ишчиларни рўйхат бўйича сони	649	624	601	-48	-23
Ҳисоб-китоблар:					
Бир ишчига тўёри келадиган ўртача йиллик маҳсулот м.сўм гр1/4	322,5	353,1	423,5	+101	+70,4
Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунлари гр2/4	263	260	257	-6	-3
Ўртача иш куни давомийлиги, соат гр3/гр2	7,79	7,80	7,85	+0,06	+0,05
Ишчини 1 соатлик иш унуми (сўм) гр1/гр3	156,90	174,19	209,89	+52,99	+35,70
Бир ишчини ўртача йиллик маҳсулот ҳажмини режадан фарқига таъсири:	х	х	х	х	+70,4
а) йўқотилган иш кунлари	х	х	х	х	-4
б) иш куни давомийлигини узайиши	х	х	х	х	+2,2
в) 1 соатлик иш унумини ортиши	х	х	х	х	+72,0

А) $-3 \cdot 7.80 \cdot 174.19$ Б) $+0.05 \cdot 257 \cdot 174.19$ В) $+35.70 \cdot 7.85 \cdot 257$

Бир ишчини ўртача йиллик маҳсулот ҳажми режага нисбатан 70,4 минг сўмга ортган. Ўртача йиллик маҳсулот ҳажмини ортиши иш куни давомийлигини узайиши, ҳамда ишчиларни 1 соатлик иш унумини ўсиши ҳисобига (2,2 ва 72,0 минг сўм) юз берган. Ҳар бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунини 3 кунга камайиши эвазига йиллик маҳсулот 4.0 минг сўмга камайган.

8. Маҳсулот меҳнат сиёимини таҳлили.

Ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот структураси ва ассортиментини ўзгаришига ҳам боёлиқ. Кам меҳнат талаб этадиган маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқариш туфайли маҳсулот структура ва ассортиментини ўзгариши меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади.

Структура ва ассортиментни унумдорлик даражасига таъсири меҳнат сиёими орқали аниқлаш мумкин.

Меҳнат сиёими – маҳсулот, ярим фабрикат ва маҳсулотни айрим қисмларини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ўсиши илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш натижасида меҳнат сиёимини пасайтириш ҳисобига эришилади.

Меҳнат сиёими билан меҳнат унумдорлиги билвосита боёлиққа эга. Меҳнат сиёими пасайиши туфайли меҳнат унумдорлиги ортади ва бунинг аксича, меҳнат сиёими ортса-меҳнат унумдорлиги пасаяди.

Меҳнат сиёимини пасайтириш маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақтини қисқартириш орқали эришилади.

Меҳнат сиёимини пасайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўсиши (фоиз ҳисобида) қуйидагича аниқланади.

$$M_y = \frac{100 \times A}{100 - A}$$

Бунда: А- ишлаб чиқарилган маҳсулот меҳнат сиёимини пасайтириш (фоиз ҳисобида).

M_y – меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси (фоиз ҳисобида).

Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат 8550 киши-соатни ташкил этиб, норма бўйича 9000 киши –соатга нисбатан 450 киши-соат иқтисод қилинган.

Демак, меҳнат сиёимини 5 % ($450:9000 \times 100$) га пасайиши меҳнат унумдорлигини 5,26% ($9000:8550 \times 100$) га ортишига олиб келди.

Эришилган натижани юқоридаги формула орқали ҳам аниқлаш мумкин.

$$M_y = \left(\frac{100 \times 5}{100 - 5} \right) = 5,26 \%$$

Меҳнат унумдорлигини меҳнат сиёимига таъсири қуйидагича аниқланади.

$$A = \frac{M_y \times 100}{100 + M_y}$$

Бизнинг мисолимизда меҳнат унумдорлигини 5,26% га ўсиши, меҳнат сиёимини 5 % га пасайишига олиб келди.

$$A = \frac{5.26 \times 100}{100 + 5,26} = 5 \%$$

Жадвал-7.

Меҳнат сиёимининг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсири

Т.Н	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Кўрсаткичларни ўзгариши		
			Режа	Ҳақиқат	режа ўтган йилга нисбатан	ҳақиқий ўтган йилга нисбатан	режан инг бажар илиши
	А	1	2	3	4	5	6
1.	Маҳсулот ҳажми, м.сўм	209352	220388	254550	105,27	121,58	115,50
2.	Ишчиларни жами ишлаган киши-соатлари, минг к/соат	1334,3	1265,2	1212,8	94,82	90,89	95,85
3.	Ҳар 1000 сўм маҳсулот учун сарфланган меҳнат, соат (2 сатр: 1 сатр)	6,37	5,74	4,76	90,10	74,72	82,92
4.	Ишчининг бир соатлик иш унуми, сўм (1 сатр: 2 сатр)	156,90	174,19	209,88	111,02	133,76	120,49

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики корхонада меҳнат сиёими режадаги 9,9 % (100-90,10) ўрнига, ҳақиқатда 25.28 % (100-74,72) га пасайган. Шу омил ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўсиши таъминланган. Меҳнат сиёимини пасайиши ҳисобига ишчининг 1 соатлик иш унумини 10,98 % (9,9 x 100/100-99) га ошириш кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса 1 соатлик иш унуми 33,80 % (25,28 x 100/100-25,28) га меҳнат сиёимини пасайиши ҳисобига эришилган.

10. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлили.

11.

Маҳсулот ҳажмига қуйидаги меҳнат омиллари таъсир этади.

1. Ишчилар сонини ўзгариши.
2. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунларини ўзгариши.
3. Иш куни давомийлигини ўзгариши.
4. Ишчини 1 соатлик иш унумини ўзгариши.

Бу меҳнат омилларини маҳсулот ҳажмига бўлган таъсирини занжирли боёланиш, фарқ усули, фоизларни фарқ усуллари орқали аниқлаш мумкин.

Жадвал-8.

Меҳнат омилларини маҳсулот ҳажмига таъсири.

(Фоизларни фарқ усули орқали аниқлаш).

Кўрсаткичлар	Режани бажарилиши (%)	Фоизлар -ни фарқи	Ҳисоб- китоблар	Ўзгариш сабаби
Ишчилар сони	96,31	-3,69	$220388 \times 3,6/100 = -8132,3$	Ишчилар сонини камайиши
Жами ишлаган киши кунлари	95,25	-1,06	$220388 \times 1,06/100 = -2336,1$	Йўқотил-ган иш кунлари

Жами ишлаган киши соатлари	95,86	+0,61	$220388 \cdot 0,61 / 100 = +1344,4$	Иш куни давомий-лигини узайиши
Маҳсулот ҳажми	115,50	+19,64	$220388 \cdot 19,64 / 100 = +43284,2$	1 соатлик иш унумини ортиши
Жами			34160,2	

Илова:

1) Маҳсулот ҳажми, минг сўм

Режа	Ҳақиқатда	Фарқи
220388	254550	+34162

Ҳисоб-китоблар : $96,31 - 100 = -3,69$

$95,25 - 96,31 = -1,06$

$95,86 - 95,25 = +0,61$

$115,5 - 95,86 = + 19,64$

Меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланилган тақдирда корхонада маҳсулот ҳажми қўшимча 2336.1 минг сўмга ортиши мумкин эди.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

- Меҳнат ресурсларини таркиби, структураси таҳлил этиш вазифаси;
- Меҳнат кўрсаткичлари, уларни таҳлил этиш услуги;
- Иш кучи қўнимсизлигини таҳлил этиш услуги;
- Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили;
- Меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби.

А) Қиймат

Б) Натура

В) Меҳнат

- Қиймат шаклида унумдорлик даражасини аниқлашни камчиликлари;
- 1 ходимга ва 1 ишчига тўғри келадиган маҳсулот, уларни бир-биридан фарқи;
- 1 ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услуги;
- 1 ишчига тўғри келадиган маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби;
- Маҳсулот меҳнат сиёимини таҳлил этиш услублари.

Мавзу 8. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархини таҳлили.

Ўрганиладиган саволлар:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида таннархни камайтиришни аҳамияти, уни моҳияти ва таҳлил вазифаси.
2. Харжатларни туркумлаш: Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари. «Ўзгарувчан» ва «Ўзгармас» харажатлар.
3. 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатлар таҳлили.
4. Харажатларни элементи ва моддалари бўйича таҳлили.
5. Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини таҳлили. (банк усули орқали назорат қилиш).

6. Ишчиларни иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
7. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатни ўзгаришини маҳсулот таннархига таъсирини таҳлили.
8. Материаллар харажатига сарф меъёри, материал баҳосини ўзгаришини таҳлили.
9. Маҳсулот турлари бўйича таннархни таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар.

1. Бозор иқтисодиёти шароитида таннархни камайтиришни аҳамияти, уни моҳияти ва таҳлил вазифаси.

Маҳсулот таннархи корхона молия хўжалик фаолиятини ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳамда таҳлил қилиш. Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил фанларини муҳим вазифаларидан биридир. Бугунки кунда корхона фаолиятини муҳим кўрсаткичларидан ва унга баҳо берадиган меъзон кўрсаткичларидан бири фойда ва рентабелликдир. Фойдага таъсир этувчи омил бу таннархдир.

1.01.1995 йилдан бошлаб амалда қўллаб қилинаётган низомга мувофиқ харажат таркибига кирадиган моддалар сирасига ўзгаришлар киритилди. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад:

- 1) Бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, корхона фаолиятини рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш.
- 2) Солиқ тўланадиган базани аниқ ҳисоблаш.

Таҳлил вазифаси.

- 1) Таннархни пасайтириш бўйича белгиланган режани бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш.
- 2) Таннархни ўзгариш сабабаларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш.
- 3) Айрим турдаги маҳсулот таннарх харажат моддалари бўйича таҳлил этиш.
- 4) Таннархни пасайтириш резервларини аниқлаш.

Маҳсулот таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низом (1.01.95.№9) бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар (банкда ҳисоб рақами очиб фаолият юритувчи) жисмоний ва ҳуқуқий шахслар-Ўзбекистон республикаси резидентлари маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни аниқлашнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ва солиққа тортиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаш тартибларидаги фарқланишларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлилнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатга бардошлигини аниқлашдир.

Низомда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги тофотларга изоҳ берилган.

Солиққа тортиладиган фойда бухгалтерия ҳисобидаги фойдадан фарқ қилишининг сабаби шундаки, давлат солиқ сиёсатида мувофиқ амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича корхона харажатларининг бир қисми солиққа тортиладиган базага кирмайди. Низомда молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари ва харажатларни гуруҳлаш берилган. Биринчи иловада корхона ҳисобот давридаги баланс

фойдасини ҳисоблашда чегириладиган, лекин хўжалик субъектининг солиққа тортиладиган базасига қўшиладиган харажат моддалари берилган. Иккинчи иловада харажатлар амалга оширилиши пайтида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган, лекин кейинги даврларда чегириладиган харажатлар рўйхати берилган (вақт бўйича фарқланишлар).

Учинчи иловада фойдаси эмас, даромади солиққа тортилаётган корхоналар учун қўшимча чегирилмайдиган харажатлар рўйхати берилган.

Таҳлил манбалари.

Шакл №5, 1 т, счЁт 35, ҳамда бошқа манбалар.

2. Харажатларни туркумлаш: Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари. «Ўзгарувчан» ва «Ўзгармас» харажатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш Ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хом-ашё, материаллар, ЁкилЁи, энергия, асосий воситалар (амортизация), меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боёлиқ харажатларининг қиймат қўринишини ифода этади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуби ва технологияси билан белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш (иш,хизматлар бажариш) билан бевосита боёлиқ харажатлар киритилади. Буларга: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар ҳамда бошқа бевосита ва билвосита харажатлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

-ташқаридан сотиб олинadиган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган Ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хом-ашё ва материаллар.

-маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари.

-технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган четдан сотиб олинган ЁкилЁининг ҳамма турлари.

-корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган сотиб олинadиган барча турдаги энергия.

-табиий камайишининг меъёр чегарасидаги моддий ресурсларнинг камомади ва бузилишларидан йўқотишлар.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидаги моддалар киради.

-Корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи.

-натура шаклида ҳақ тўлаш тартиби бўйича бериладиган маҳсулот қиймати.

-амалдаги тартибларга кўра раёбатлантирувчи тўловлар, жумладан: ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (натурал мукофотларни қўшган ҳолда) таъриф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ кқп йиллик хизматлари учун (шу хўжаликда бир ихтисосликдаги иш стажи учун) ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирланишлар, мукофотлар, касб маҳорати учун таъриф ставкалари ва окладларга нисбатан) устама тўловлар, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирлашлар.

-иш режими ва меҳнат шароитлари билан боқлиқ товон тўловлари, жумладан: тунги иш вақти, иш вақтидан сўнгги иш,

Амалдаги низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

1) Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар.

- А) Ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар, аммо давр харажатларига қўшиладиган харажатлар (асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун).
- 2) Корхонани умумхўжалик фаолиятдан кўрган фойда Ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият харажатлари.
- 3) Фавкулотда зарар (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани ҳисоблашда иштирок этадиган).

Шу сабабли харажатларни қуйидаги гуруҳларга бўламиз:

1) Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари:

- а) Бевосита ва билвосита моддий харажатлар.
- б) Бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари.
- в) Ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.

2) Давр харажатлари.

- а) Сотиш бўйича харажатлар.
- б) Бошқариш харажатлари.
- в) Бошқа муомила харажатлари ва зарарлар.

3) Молиявий фаолият бўйича харажатлар.

- а) Фоизлар бўйича сарфлар.
- б) Чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар.
- в) Қимматли қоғозларга қўйилган маблаёларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар.
- г) Молиявий фаолият бўйича бошқа сарф харажатлар.

4) Фавкулотда зарарлар.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боёлиқ харажатларга ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Уларга қуйидагилар киради:

- Материал харажатлари.
- Меҳнат ҳақи харажатлари.
- Ишлаб чиқариш билан боёлиқ маъмурий харажатлар.

Бевосита материал харажатлари меҳнат ҳақи билан биргаликда дастлабки харажатларни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш характеридаги маъмурий бошқарув харажатлари биргаликда конверсия харажатларини ташкил этади.

Материал харажатлари конверсия харажатлари билан биргаликда тўлиқ ишлаб чиқариш таннарини ташкил этади.

Ноишлаб чиқариш харажатлари.

Ишлаб чиқариш билан боёлиқ бўлмаган барча харажатларга ноишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Улар таркибига сотиш билан боёлиқ харажатлар, илмий текшириш ва тадқиқот харажатлари. Умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари, бошқарув харажатлари, олинган кредит учун % тўловлари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боёлиқ бўлмаган, харажатлар.

Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагиларни ташкил этади.

1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат.
2. Таққосланадиган маҳсулот таннархи.
3. Маҳсулот бирлигини таннархи.

3. 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажат таҳлили.

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуйидагича аниқланади.

Бир сўмлик товар	Ишлаб чиқариш таннархи
маҳсулоти учун	= -----
қилинган харажат (тийин)	Товар маҳсулот улгуржи баҳоси.

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларни самарадорлигини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар динамикаси, режага нисбатан ўзгариши аниқланади.

Жадвал-1

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили.

Минг сўм

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	
		Режа	Ҳақиқатда
Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	167481	172767	189213
Товар маҳсулотини улгуржи баҳоси	209352	220388	254550
Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар (тийин)	80.00	78.39	74.33

Жадвал-2

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни пасайтириш режасини бажарилиши таҳлили.

Кўрсаткичлар	Сумма
1) Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар (тийин)	
Ўтган йил	80.00
Ҳисобот йил:	
Режа	78.39
Ҳақиқатда	74.33
2) Ўтган йилдан фарқи	
74,33 – 80 тийин	-5.67
-5,67/80 процент	-7.08
3) Режадан фарқи	
74.33-78.39 тийин	-4.06
-4.06/78.39 процент	-5.18
4) 1 сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдан олинган иқтисод (-) Ёки сарфланган ортиқча харажат (минг сўм) $254550 \times 4.06 / 100$	-10334

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарган товар маҳсулотининг ҳар суми учун қилинган харажат ҳисобот даврида 74.33 тийинни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 7.08 фоизга, режага нисбатан эса 5.18 фоизга пасайган. 1 сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатни режага нисбатан 4.06 тийинга пасайиши ҳисобига корхона бўйича харажатлардан эришилган иқтисод 10334 минг сўмни ташкил этади.

Таҳлил давомида 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларни режага, ўтган йилдагига нисбатан ўзгариш сабабалари ва унга қуйидаги омилларни таъсирини аниқлаш лозим.

1. маҳсулот структураси ва ассортименти ўзгариши.
2. Ҳом ашЎ ЁқилЎи энергия баҳосини ўзгариши.
3. Маҳсулот баҳосини ўзгариши.

5. Харажатларни элементи ва моддалари бўйича таҳлили.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш, бухгалтерия учёти ва ҳисоботида унинг йўналиши бўйича 2-гурӯҳга ажратади.

1. Харажат элементлари.
2. Харажатларни калкуляцион моддалари.

Харажатларни элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни структураси, динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларини нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблаёларини тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туёилади.

Харажатларни элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиёими, меҳнат сиёими ва фонд сиёими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир харажат элементни тутган салмоёи аниқланиб ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланади ва бу кўрсаткичларни ўзгариш сабаблари аниқланади.

Жадвал-3

Харажатларни элементи бўйича таркиби ва структурасини таҳлили.

Харажат гуруҳлари	Ўтган йил		Ҳисобот йили	
	Сумма, м.сўм	Жамига нисбатан, %	Сумма м.сўм	Жамига нисбатан, %
1	2	3	4	5
Моддий харажатлар	123926	74.0	141762	74.9
Меҳнат ҳақи харажати	25965	15.5	26638	14.1
Ижтимоий суёурга ажратмалари	7877	4.7	9082	4.8
Амортизация ажратмаси	7536	4.5	8325	4.4
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	2177	1.3	3406	1.8
Жами харажатлар	167481	100.0	189213	100.0

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики жами харажатда хом ашё, ёқилёи, энергия, ярим фабрикат харажатларини тутган улуши юқоридир. Уларни улуши базис давридаги 74.0 фоиздан ҳисобот даврига келиб 74.9 фоизга қадар кўтарилган. Шу давр ичида меҳнат ҳақи харажатларини улуши эса 15.5 фоиздан ҳисобот даврига келиб ўртасидаги нисбатни бундай тарзда ўзгариши меҳнат унумдорлик даражасини ўсишидан далолат беради. Фан-техника тараққиётига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этган корхоналарда унумдорлик даражаси ортади, амортизация ажратмалари мутлоқ суммада ўтган йилга нисбатан ортса ҳам, уларнинг нисбий кўрсаткичлари яъни маҳсулот нархидаги улуши пасаяди.

6. Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини таҳлили.

Меҳнат ҳақи жамият қўламида Миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнاتини миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиётини

жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи якка ва коллектив меҳнат натижаларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлишига эришишдан, маҳнатга ҳақ тўлашга текисчилик элементларини бартараф этишдан иборат. Иш ҳақини ташкил этишни асосий вазифаси:

1. Базис даври ва режадаги иш ҳақи фондини реаллигини баҳолаш.
2. Иш ҳақи фондини мутлоқ ва нисбий фарқларини аниқлаш.
3. Иш ҳақи фондига таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ўлчаш.
4. Иш ҳақи фонди таркибидаги унумсиз харажатларни ҳисоблаш.
5. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатни таннархга бўлган таъсирини ҳисоблаш.

Иш ҳақини мутлоқ фарқини аниқлаш учун сарфланган иш ҳақи фондини базис давридагиси билан таққослаш лозим. Нисбий фарқни аниқлаш учун ҳақиқий сарфланган ҳисоботдавридаги иш ҳақи базис давридаги иш ҳақини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига корректив қилинган кўрсаткичлар билан таққосланади.

Жадвал-4

Саноат ишлаб чиқариш ходимларини иш ҳақи фондини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	
			минг сўм	Ҳоизда
Маҳсулот ҳажми (иш,хизмат) солиштирма улгуржи баҳода	209352	254550	+45198	+21,58
Саноат ишлаб чиқариш ходимларини иш ҳақи фонди	25965	26638	+673	+2,59
Иш ҳақини бериш коэффиценти	0,7	x	x	X
Иш ҳақи фондини коррективкаси	29888	26638	-3250	-10,87

Ҳисоб-китоблар:

1. Маҳсулот ҳажмини базисга нисбатан ўсиши. 21,58
2. Иш ҳақини кўшимча ортиши $21,58 \cdot 0,7 = +15,11\%$
3. Иш ҳақи коррективкаси $25965 \cdot (100 + 15,11) / 100 = 29888$
4. Иш ҳақини нисбий фарқи $26638 - 29888 = -3250$

Корхонада иш ҳақи фондидан 3250 минг сўм миқдорида нисбий иқтисодга эришилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иш ҳақи фондига нисбатан юқори даражада ортиши иш ҳақидан нисбий иқтисодга эришишга олиб келади.

6. Ишчиларни иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи фонди таркибида ишчиларни иш ҳақи юқори салмоққа эгадир. Шу боис ишчиларни иш ҳақидан қай даражада фойдаланганлигини назорат қилиш, унумсиз харажатларга йўл қўймаслик таннархни пасайтириш имкониятини беради. Таҳлил этишда ишчиларни ҳисобот давридаги ҳақиқий сарфланган иш ҳақини режадаги, ўтган йилдаги иш ҳақи фонди билан таққосланади, унинг фарқи аниқланади ва унга таъсир этувчи қуйидаги омиллар миқдор жиҳатдан ҳисобланади.

1. Маҳсулот ҳажмини ўзгариши.
2. Ишчилар (нисбий) сонини ўзгариши.
3. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини ўзгариши.

Маҳсулот ҳажмини ўзгаришини ишчиларни иш ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун режадаги иш ҳақи фондини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини режага нисбатан ўсиш даражасига кўпайтириш лозим.

Иккинчи омилни таъсирини аниқлаш учун ишчиларни нисбий фарқи режадаги бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақиға кўпайтириш керак. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини ўзгаришини иш ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун шу кўрсаткичнинг режадан фарқи ҳисобот давридаги ишчиларнинг ҳақиқий сонига кўпайтириш лозим.

Жадвал-5

Ишчиларнинг иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис даври	Корректировка қилинган кўрсаткич	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	
				мутлоқ	нисбий
Ишчиларни йиллик иш ҳақи фонди	20748	23964	21095	+347	-2869

Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони	624	721	601	-23	-120
1 ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақи, сўм	33250	33250	35100	+1850	X
Иш ҳақи фондини базис даврига нисбатан ўзгариш сабаблари:	x	X	x	+347	X
А) маҳсулот ҳажмини ўзгариши 20748*15,5/100	x	X	x	+3215,9	
Б) Ишчилар (нисбий) сонини ўзгариши -120*33250	x	X	x	-3990,0	X
В) Бир ишчини ўртача йиллик иш ҳақини ўзгариши +1850*601	x	X	x	1111,8	X

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши –115,5 фоиз.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ишчиларни иш ҳақи фондидан режага нисбатан 347 минг сўм ортиқса сарфга йўл қўйилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишини ҳисобга олган ҳолда эса 2869 минг сўм нисбий иқтисод қилинган. Иш ҳақи фондини мутлоқ фарқи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши ҳамда 1 ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини режага нисбатан ортиши билан изоҳланади. Ишчилар сонини нисбатан 120 кишига қисқариши иш ҳақи фондидан 3990 минг сўм миқдорида иқтисод қилинишига олиб келди. Таҳлил давомида ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақи режага нисбатан 1850 сўмга ўсиш сабаблари аниқланади. Ўртача йиллик иш ҳақини ортиши ишчини маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган нормани ортиёи билан бажариши, ҳамда иш ҳақи таркибидаги унумсиз харажатлар мавжудлиги туфайли юз беради. Бизнинг мисолимизда иш ҳақи таркибидаги унумсиз харажатлар 40,5 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан, иш шароитини ўзгариши –10,5 минг сўм, қўшимча ишланган иш вақти –30,0 минг сўм.

8. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатни ўзгаришини маҳсулот таннархига таъсирини таҳлили.

Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи узвий боёлиққа эга. Меҳнат унумдорлигини ўсиши иш ҳақини ҳам ортишига олиб келади. Корхонада ишни тўғри ташкил этиш, моддий раёбатлантириш системасини тўғри ташкил этиш туфайли меҳнат унумдорлиги ортади. Таҳлил этишда меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси ўртача иш ҳақини ўсиш даражаси билан таққосланади. Меҳнат унумдорлигини иш ҳақиға нисбатан юқори даражада ўсиши маҳсулот таннархигадаги иш ҳақини улушини пасайишиға олиб келади. Таҳлил этишда меҳнат унумдорлигининг ўсишини ҳар бир фоизига тўғри келадиган ўртача иш ҳақини ўсиш даражаси режада белгиланган кўрсаткичлар билан таққосланиб, унинг ўзгариш сабабалари аниқланади.

9. Материаллар харажатиға сарф меъёри, материал баҳосини ўзгаришини таҳлили.

Енгил саноатда маҳсулот таннархига материаллар харажати юқори салмоққа (60-80%) эга. Шу боис таннархни пасайтириш резервларини аниқлаш мақсадида материал харажатини режаға нисбатан ўзгариш сабабалари аниқланмоёи лозим. Таҳлил учун керакли маълумотлар маҳсулот калькуляцияси номли ҳисобот шаклидан олинади. Бу ҳисобот шаклида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар турлари, уларни миқдори, материал баҳоси келтирилган. Маҳсулот бирлиги учун сарфланган материаллар харажатини аниқлаш учун маҳсулот бирлигига сарфланган материаллар миқдорини материал баҳосига кўпайтириш лозим. Таҳлил этишда ҳақиқий материаллар харажати режа билан таққосланиб улар ўртасидаги фарқиға куйидаги омиллар таъсири ҳисобланади.

1. Материаллар миқдорини ўзгариши (сарф меъёри).
2. Материаллар баҳосини ўзгариши (баҳони ўзгариши).

Бу омилларни материаллар харажатиға бўлган таъсирини занжирли боёланиш усули орқали аниқлаш мумкин. Бунинг учун материаллар харажати 3 хил кўринишға эга бўлиши лозим.

1. Режадаги мате́риалар харжати (режадаги сарф меъёри режадаги баҳода).
2. Ҳақиқий материаллар харажати (ҳақиқий сарф меъёри ҳақиқий баҳода).
3. Шартли материал харажат (ҳақиқий сарф меъёри режадаги материал баҳоси

бўйича).

Ҳар 3 кўрсаткични бир бири билан таққослаш орқали материаллар харажатиға сарф меъёрини ҳамда материал баҳосини ўзгаришини таъсири ҳисоблаб топилади.

Жадвал-6

«А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун материаллар сарфи.

Материаллар тури	Режа			Ҳақиқатда		
	Сарф миқдори (тонна)	Материал баҳоси (сўм)	Сумма	Сарф миқдори (тонна)	Материал баҳоси (сўм)	Сумма
Навли пўлат	0.384	120.70	46.34	0.394	133.90	52.76
Пўлат трубалар	0.017	269.40	4.58	0.016	278.10	4.45
Жами	x	x	50.92	x	x	57.21

Демак «А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун материаллар харажати 57,21 сўмни ташкил этиб, режадаги 50,92 сўмга нисбатан харажатлар 6,29 сўмга ортган. Материаллар харажатини режага нисбатан ортиши қуйидаги омиллар таъсирида юз берган.

Жадвал-7

Сарф «меъёри» ва материал «баҳо»сининг ўзгаришини материаллар харажтига таъсири. (занжирли боёланиш усулида)

Кўрсаткичлар	Материаллар харажати			Фарқи (-,+)		
	Режа, режадаги сарф меъёри режа баҳода	Ҳақиқий сарф меъёри ҳақиқий баҳода	Шартли, ҳақиқий сарф меъёри режа баҳосида	Жами (1-2)	Шу жумладан	
					Сарф меъёри (3-1)	Материал баҳоси (2-3)
Навли пўлат	46.34	52.76	47.56	+6.42	+1.22	+5.20
Пўлат трубалар	4.58	4.45	4.31	-0.13	-0.27	-0.14
Жами	50.92	57.21	51.87	+6.29	+0.95	+5.34

«А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар харажати режага нисбатан 6.29 сўмга ортган. Шундан 5.34 сўми материаллар баҳосини ортиши эвазига, қолган 0.95 сўми эса сарф меъёрига риоя қилмаслик туфайли юз берган. Материаллар баҳоси навли пўлат бўйича 5.2 сўмга, пўлат трубалар бўйича 0.14 сўмга ортган. Сарф меъёри навли пўлат бўйича режага нисбатан ортган ҳолда пўлат трубалар бўйича иқтисод қилинган. Таҳлил давомида ҳар 2 омилни режага нисбатан ўзгариш сабабалари аниқланади.

1. Дастгоҳлар техник жиҳатдан носозлиги.
2. Ҳом ашё сифати.
3. Ишчининг малакаси.

Материал баҳоси ўзгариш сабаблари.

1. Ҳом ашё етказувчи базаларни узоқ ёки яқин жойлашганлиги.
2. Транспорт турларини ўзгариши.
3. Давлат томонидан материал нархини ўзгартирилиши.

10. Маҳсулот турлари бўйича таннархни таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Бир хилдаги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда маҳсулот таннархини қиёсий таҳлили унинг натижалари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг калкуляция моддалари ишлаб чиқариш ва технология жараёнлари хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калкуляция моддалари таркибини бир хил кўринишга эга бўлиши таннархни умумий ҳажмда ва моддлари бўйича таҳлил этиш имконияти туёилади. Бундай таҳлил бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлигига белгиланадиган нархни аниқлашда фойда ва рентабелликни оширишда муҳим ўрин тутди.

Жадвал-8

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларини таҳлили.

Харажат моддалари	Корхона 1		Корхона 2	
	Маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажат	Жамига нисбатан, %	Маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажат	Жамига нисбатан, %
Хом ашё ва материаллар	304	27.6	231.7	22.5
Ярим фабрикат	100	9.0	154.5	15.0
ёқилёи ва энергия технологик мақсадларга	62	5.6	63.9	6.2
Иш ҳақи	273	24.8	219.4	21.3
Ижтимоий суёурта ажратмалари	55	5.0	55.6	5.4
Бракдан кўрилган зарар	25	2.3	30.9	3.0
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	281	25.7	274	26.6
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	1100	100.0	1030	100.0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, «А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар иккинчи корхонада биринчи корхонага караганда 70 сўм иқтисод қилинган. Ҳар бир харажат моддасини бир-бири билан таққослаш уларнинг структурасини ўрганиш туфайли шундай хулосага келиш мумкин: 2-корхонада четдан келтирилган ярим фабрикат, тайёр деталь ва маҳсулотни бошқа қисмлари 1-корхонага нисбатан кўпроқ келтирилиши маҳсулот таннархидаги меҳнат ҳақи харажатларини улушини 1-корхонадаги 24,8 фоиздан 2-корхонада 21,3 фоизга қисқартиришга эришилган. Шу туфайли 2-корхонада структуравий ўзгаришлар туфайли таннарх 70 сўмга пасайган.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

- Таннарх тўёисиди тушунча ва уни ҳисоблаш услублари;
- Таннарх таҳлил этишнинг мазмуни ва мақсади;
- Харажатларни туркумлаш;
- Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар;
- Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар;
- 1 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этиш услуби;
- 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларга таъсир этувчи омиллар;
- Харажатларни иқтисодий элементи бўйича таҳлил этиш услублари;
- Иш ҳақини банк усули орқали назорат қилиш тартиби;
- Иш ҳақини мутлоқ фарқини аниқлаш услуби;
- Иш ҳақини нисбий фарқини аниқлаш услуби;
- Ишчилар иш юақи фондига таъсир этувчи омиллар ҳисоблаш услуби;
- Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини таҳлил этиш услуби;

- Материаллар харажати таҳлили;
- Сарф меъёрини таъсирининг аниқлаш тартиби;
- Материал баҳосининг ўзгариш сабаблари;
- Ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа харажатларни таҳлил этиш услуби;
- Айрим маҳсулот турлари таннархни таҳлил этиш услуби;
- Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича резервларни аниқлаш тартиби.

Мавзу 9. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили. Маҳсулот (иш,хизмат) лар сотиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили.

Ўрганиладиган саволлар

1. Таҳлилни мазмуни, вазифалари ва манбалари.
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини режалаштиришни текшириш усули.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили.
3. Маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришлар таҳлили.
4. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили.
5. Бракдан йўқотишларни таҳлили.
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлили.
7. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг гуруҳларга ажратиш.
 1. Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари.
 2. Маҳсулот сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили.
 3. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
 4. Маҳсулотларни сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлили.
 5. Маҳсулот сифатини таҳлили.
 6. Сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини жамлаш.
- 8.

1. Таҳлилни мазмуни, вазифаси ва манбалари.

... Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича раёбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин.

Ислом Каримов

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режаларни бажарилиши корхоналарни сифат кўрсаткичлари бўлмиш таннархи, меҳнат унумдорлиги, оборот маблаёларини айланиш тезлиги ва ҳакозолар кўрсаткичларига таъсир этади.

Ҳисоботда ишлаб чиқариш кўрсаткичи натура ва қиймат шаклларида акс этади. Жами корхона бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат қиймат шаклида ҳисобланади. Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгиланган

номенклатура, ассортиментда сифатли бажариши лозим. Бугунки кунда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми корхона томонидан мустақил режалаштирилади.

"Корхона тўғрисида"ги қонунни 20-моддасига қуйидагилар қайд этилган:

"Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ҳом-ашё ресурсларига, материалларни мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб тараққиёт истиқболларини белгилайди". Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади:

Маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашда аҳолини хилма-хил товарлар билан таъминлашда хорижий сармояларнинг тутган роли катта. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини кузатар эканмиз, ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иқтисодиёти тез сураётлар билан ривожланиб, салмоқли ютуқларга эришаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар маълумотларига кўра бир йилда қариб 400 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармоя бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир минтақадан бошқа минтақага олиб кирилади. Президентимиз Ислом Каримов олий мажлисининг XIV Сессиясидаги маърузасида XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги асосий устивор йўналишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деган эди: «Бешинчи устувор йўналиш-бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал ҳом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашга ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоёти лозим».

Ўзбекистондаги инвестиция сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати-хорижий сармоядорларга берилаётган имтиёزلардир. Хорижий сармоядорларда қизиқиш уйғотаётган иккита имтиёзни мисол сифатида айтишимиз мумкин. Биринчиси, агарда улар кўшма корхона тузиб, уни Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурига киритсалар, 7 йил давомида фойдадан олинадиган солиқдан озод этиладилар. Иккинчиси, агар мавжуд қонунлар ўзгариб борадиган бўлса ва бу ўзгаришлар у ёки бу компанияга иқтисодий ёки бошқа жиҳатдан зарар етказадиган бўлса, ўша хорижлик сармоядор Ўзбекистонга кириб келган пайтдаги қонунчиликдан яна 10 йил давомида фойдаланиши ва барқарор вазиятда ишлаши мумкин. Мана шундай ҳуқуқий кафолатлар, солиқлардаги имтиёзлар туфайли кейинги йилларда мамлакатимизга кўплаб хорижий сармоялар киритилмоқда. Ўтган 8 йил мобайнида 10 млрд. АҚШ долларида зиёд маблаё Республикамиз иқтисодиётига киритилган. Ўзбекистон бугунги кунда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакатлари билан инвестицион соҳада ҳамкорлик қилмоқда. Натижада кўплаб кўшма корхоналар ўз фаолиятини юритмоқда.

Таҳлил вазифаси:

1. Маҳсулот ҳажми, структураси ва сифатини ҳисобга олган ҳолда бизнес режанинг бажарилишини назорат қилиш, улар динамикасини ўсиш ўрсаткичларини аниқлаш.

2. Маҳсулот ҳажми ва сотишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни миқдор жиҳатдан ҳисоблаш.

3. Маҳсулот ҳажми ва сотишни ошириш имкониятларини ҳисоблаш.

Таҳлил учун керакли маълумотлар форма №1п, №2 суткалик ва декада бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисоботларидан олинади.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини режалаштиришни текшириш усули.

Маҳсулот ҳажмини ва сотишни ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб: а) Ялпи маҳсулот б) Товар маҳсулоти. В) Реализация ҳажми ҳисобланади.

Ялпи маҳсулот маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатган хизматларни ўз ичига олади. Унинг таркибига тайёр маҳсулот, четга чиқарилган ва ўз капитали ремонт учун сарфланган ярим фабрикатлар, четга чиқарилган электр энергия, кўрсатилган хизмат, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда буюртмачининг ҳом ашёсидан тайёрланган маҳсулот қиймати киради.

Товар маҳсулоти четга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот. У таркиби жиҳатдан ялпи маҳсулот билан бир хил кўринишга эга. Аммо унинг таркибига тугалланмаган ишлаб чиқариш ва буюртмачининг ҳом ашёсидан тайёрланган маҳсулот қиймати кирмайди.

Товар маҳсулоти таннархни аниқлашда, меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда, ҳамда сотиш ҳажмига таъсир этувчи асосий омил сифатида ўрганилади.

Реализация ишлаб чиқариш жараёнини сўнги босқичидир. Реализация товар пул жараёнларини тезлаштиришга пул муомиласини тезлаштиришга таъсир этади. Таҳлил этишда аввало корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва сотиш бўйича режаларни тўғри белгиланганлигини текширилади.

1-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг белгиланишини таҳлили.

Кўрсаткич	Шартли белги	Режадаги улгуржи баҳо	Ишлаб чиқариш таннархида
Тайёр маҳсулот йил бошига қолдиёи	Й.Б.	25352	18632
Товар маҳсулот	Т	281126	192637
Жами 1+2	-	306478	211269
Сотилган маҳсулот	Р	280380	192740
Тайёр маҳсулот йил охирида қолдиқ	Й.О.	26098	18529

2-Жадвал.

Сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режани тўғрилигини текшириш.

Кўрсаткичлар	Шартли Белги	Режадаги улгуржи баҳо	Ишлаб чиқариш таннархида	Фойда
Тайёр маҳсулот йил бошидаги қолдиқ билан	Т+ЙБ	306478	211269	95209
Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиёи	ЙО	26098	18529	7569
Мумкин бўлган сотиш ҳажми ст1-ст 2	Р	280380	192740	87640
Режа бўйича сотиш ҳажми		260454	189213	71241
Фарқи ст 3-ст 4		19926	3527	16399

2-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики корхона маҳсулот сотиш режасини реал белгиламаган. Имконият даражасида сотиш режаси 19926 минг сўмга паст белгиланган. Бунинг натижасида олинadиган фойда 16399 минг сўмга камайган.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили.

Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) ҳисобга олишда ва ҳисобот шаклларида 2 хил баҳода: солиштирма улгуржи баҳода ҳамда жорий йилнинг амалдаги баҳосида ифодаланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини таҳлил этишда унинг режасини бажарилиши натура ва қиймат шаклларида аниқланади. Динамикасини аниқлаш учун ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми ўтган йиллардагиси билан таққосланиб кўрсаткичларни ўзгариши мутлоқ ва нисбий (фоиз)ларда аниқланиши лозим. Маҳсулот ҳажми (иш,хизмат) ни ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари бир хил солиштирма улгуржи баҳода аниқланади. Амалдаги улгуржи баҳода ифодаланган маҳсулот ҳажми (иш, хизмат)ни солиштирма баҳодагиси билан таққослаш орқали баҳонинг ўзгаришини маҳсулот ҳажмига таъсири аниқланади.

3-Жадвал.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)			
		Режа	Ҳақиқат	Режадан		Ўтган йилдан	
				м.сўм	%	м.сўм	%
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) улгуржи баҳода							
Солиштирма баҳо	209352	220388	254550	+34162	+15.5	+45198	+21.59
Амалдаги баҳода	229243	237940	272388	+34448	+14.4	+43145	+18.82

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини солиштирма баҳода ортиёи билан адо этган. Маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан ҳам ўсган. Режага нисбатан солиштирма баҳода маҳсулот 34162 минг сўмга Ёки 15,5 фоизга ортган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 45198 минг сўмни Ёки 21,59 фоизни ташкил этган. Корхонадаги амалдаги баҳо солиштирма баҳога нисбатан юқори бўлган, ўтган йилга нисбатан ўсиш ҳажми 18,82 фоизни ташкил этган. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва унинг динамикаси натура (дона, тонна, м, ц) шаклларида ҳам таҳлил этилмоёи лозим. Бунинг учун асосий маҳсулотнинг бир неча турлари мисол тариқасида кўрилиши лозим. Таҳлил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача йиллик ўсиш даражасини аниқлаш лозим. Бизнинг мисолимизда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши қуйидагича:

1994	1995	1996	1997	1998
105.7	103.2	100.7	110.4	115.5

Ўртача ўсиш даражаси қуйидагича аниқланади.

$$\sqrt[4]{103.2 \cdot 100.7 \cdot 110.4 \cdot 115.5} = \sqrt[4]{13251037} = 1,072 \text{ Ёки } 107,2 \%$$

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда кичик, ўрта бизнесларни ҳиссаси ортиб бормокда. Айниқса қўшма корхонларни Республикамизда фаолият кўрсатиши экспорт улушини йилдан йилга ортишини таъминламокда. Улар қаторига «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида «Кейс» компанияси билан олиб борилаётган ҳамкорликни киритиш мумкин. Япония билан ҳам иқтисодий муносабаталар ривожланиб бормокда. Бунда, Япониянинг «Сумитомо»,

«Мицубиси»га ўхшаган етакчи компаниялари билангина эмас, балки Япония давлати томонидан тузилган молиявий институтлар билан ҳам самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Масалан, «Ойсеф» ва Япония Эксимбанки билан яна шундай ҳамкорлик ўрнатилган. Айниқса Жанубий Корея «ДЭУ» компанияси орқали мустахкам алоқа ўрнатилган. Кейинги йилларда сармояларнинг салмоқли қисми нефть-газ, машинасозлик, кимё ва тўқимачилик саноатига йўналтирилган. Республикада тўқимачилик саноати ниҳоятда муҳим соҳа ҳисобланади. Бу соҳада «ДЭУ текстиль» ва «Қабул текстил» компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Хорижий ҳамкорлик билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг барчаси иқтисодий тизимнинг долзарб йўналишларига тааллуқлидир. Масалан, Жиззахдаги аккумулятор заводи Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун аккумуляторлар тайёрланади. Саудия Арабистонидаги «Дар-ус-салом» компанияси республика ёё-мой саноати корхоналарини модернизация қилишга сармоя сарфламоқда. Бошқа давлатларда чет эллик сармоядорларга мамлакатнинг йирик саноат корхоналари, иншоотлари сотиб юборилаётган бир пайтда, биз хорижлар билан 50 га 50 тамойили асосида ишламоқдамиз. 1998 йилда мамлакатимизда 1,3 млрд. доллар ҳажмида хориж сармояси ўзлаштирилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 2 млрд. долларни ташкил этди.

4. Маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришлар таҳлили.

Ишлаб чиқарган маҳсулот қиймат шаклида режанинг бажарилиши маҳсулотлар таркибидаги структуравий ўзгаришлар туфайли ҳам юз беради. Маҳсулот таркибидаги структурани ўзгариши меҳнат унумдорлигига, фонд қайтишига, таннархга, фойда каби кўрсаткичларга таъсир этади. Структуравий ўзгаришларни меҳнат сиёимини кўрсаткичлари орқали аниқлаш мумкин. Меҳнат сиёимини норма-соат, нормалаштирилган иш ҳақи кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Товарлар таркибидаги структуравий ўзгаришларни норма-соат иштирокида аниқлаш учун маҳсулот турлари бўйича норма-соат ўлчовида режанинг бажарилиши қиймат бўйича бажарилиши кўрсаткичлари билан таққосланади.

Маҳсулот турлари бўйича режанинг бажарилиши ҳар хил даражада бўлиши структурани ўзгаришидан далолат беради. Структура бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши учун ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча хиллари режалаштирилган маҳсулот таркиби ва тузилишига тенг келиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот структурасининг ўзгариши корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қимматбаҳо маҳсулот турлари улушини ортиши туфайли маҳсулот қиймат шаклида ортади ва бунинг аксича бўлса, қиймат шаклида маҳсулот камаяди. Худди шундай юқори рентабелликка эга бўлган маҳсулот турларини ортиши, рентабеллиги паст турларини пасайиши туфайли умумий фойда миқдори ортади.

Маҳсулот ҳажмига структуравий ўзгаришларни таъсирини занжирли боёланиш усули орқали аниқлаш мумкин.

4-Жадвал

Товар маҳсулоти структурасини таҳлили.

Маҳсулот	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натурода, дона	Товар маҳсулоти режадаги баҳода, м,сўм	Структуранинг ўзгаришини товар маҳсулотига таъсири
----------	--------------------------------	--	--	--

		Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқий и/ч. маҳсулот режадаги структурада	Ҳақиқат	
1	2	3	4	5	6	7	8
А	7779	4255	4630	33100	33507	36019	+2512
Б	14251	1486	1701	21175	21436	24240	+2804
В	2282	4735	4045	10806	10939	9230	-1709
Г	14826	5800	5760	85990	86957	85400	-1557
Д	23348	1195	1550	27900	28243	36190	+7947
Жами	х	17471	17686	17897 1	181082	191079	+9997

Натура шаклида ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши 1.012306 (17686/17471)
 $гр5=33100 \times 1.012306 = 33507$
 $гр7=гр6-гр5$.

Маҳсулотнинг барча турлари бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши бир текисда 101.2306%ни ташкил этса, яъни режадаги структура ўзгармаган ҳолда товар маҳсулоти режадаги баҳода 181082 минг сўмни ташкил этган бўлур эди. Ҳақиқатда эса маҳсулот ҳажми 191079 м.сўмни ташкил этиб, структуравий ўзгаришлар туфайли товар маҳсулоти қиймат шаклида 9997 м.сўмга ортган.

Структурани ўзгариш сабаблари:

1. Режадаги материал сиёими, меҳнат сиёимини маҳсулотлар улушини ўзгариши.
2. Ҳом-ашё, материал, Ёкилёллар баҳосини ўзгариши.
3. Маҳсулот сифатини ўзгариши.

4-Жадвал.

Товарлар структуравий ўзгаришини маҳсулот ҳажмига таъсири.

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқарган маҳсулот (минг дона)		Маҳсулот баҳоси (сўм)	1 маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт (норма-соат)	Ишлаб чиқарилган маҳсулот			
					қиймат шаклида		Норма-соатда	
					режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
	режа	ҳақиқат						
1	2	3	4	5	6	7	8	9
А	80	112	2.25	2	180	252	160	224
В	100	73	2.10	3.5	210	153.3	350	225.5
Жами	180	185	х	х	390	405.3	510	479.5
Режани бажарилиши (%)	х	х	х	х	х	103.9	х	94.0

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини қиймат шаклида 103,9 фоизга, норма-соат шаклида 94,0 фоизга бажарган. Ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги фоизлар фарқи товар таркибида структуравий ўзгаришдан далолат беради. Яъни корхона режага нисбатан қимматроқ, аммо кам меҳнат талаб этадиган маҳсулот турини кўпроқ ишлаб чиқарган. Меҳнат сиёимини сарфланган иш ҳақи бўйича аниқлаш учун иш ҳақини товар маҳсулотга бўлиш лозим.

5. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили.

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини қиймат шаклида белгиланган номенклатура ва ассортиментда бажариши шарт. Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши халқ хўжалигининг турли тармоқларини мутаносиб ривожланишига халқни маҳсулотга бўлган талабини тўлароқ қондиришга олиб келади. Маҳсулот номенклатураси натура ҳолида маҳсулот группалари, кичик группалари ва позицияларини режалаштиришда ҳамда ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхатидир.

Маҳсулот ассортименти турлари, хиллари, нави, размери, марка, артикулларига қараб ажратиладиган маҳсулот таркибидир. Жами маҳсулот таққосланадиган ва таққосланмайдиган маҳсулотга, унинг ишлатилиши жиҳатидан-асосий маҳсулот, халқ истеъмоли товарларига, сифати жиҳатидан-олий, биринчи нав, ихтисослашиши жиҳатидан-корхона ихтисосига мос ва мос келмайдиган маҳсулотларга бўлинади.

Таҳлил этишда ўртача ассортимент режасини бажарилиши аниқланади. Бу энг кичик метод усулида аниқланади. Бунинг учун маҳсулотни ҳар бир турини режаси билан таққосланиб ҳар икки кўрсаткичдан энг кичиги ассортиментга қабул қилинади. Ассортиментга қабул қилинган кўрсаткичнинг жамини режа бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотга бўлиш орқали ўртача ассортимент режасининг бажарилиши аниқланади.

5-Жадвал.

Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментини таҳлили.

Маҳсулот тури	Маҳсулот баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклида (дона)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида (минг сўм)		Ассортиментга қабул қилинган маҳсулот
		Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат	
1	2	3	4	5	6	7
А	7779	4255	4630	33100	36019	33100
Б	14251	1486	1701	21175	24240	21175
В	2282	4735	4045	10806	9230	9230
Г	14826	6451	5760	95641	85400	85400
Д	23348	1195	1550	27900	36190	27900
Е	-	-	-	31766	63471	31766
Жами	х	х	х	220388	254550	208571

Корхона бўйича ассортимент режаси 94,6% бажарилган. $(208571 \cdot 100 / 220388)$ "В" ҳамда "Г" туридаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режасини бажарилмаслиги туфайли ассортимент бўйича режа 5,4% га бажарилмаган.

Ассортимент режасининг бажарилмаслиги кўрсаткичи орқали ҳам ассортиментга баҳо бериш мумкин. Бизнинг мисолизмизда у куйидагиларни ташкил этган.

"В" - $(9230 - 10806) = -1576$ м.сўм

"Г" - $(85400 - 95641) = -10241$ м.сўм

11817 м.сўм

11817 x 100

----- = 5,4% ассортимент режасини бажарилмаслиги

220388

$100 - 5,4 = 94,6\%$ Ассортимент бажарилиши.

6. Бракдан йўқотишларни таҳлили.

Брак маҳсулот сифатини оксидир. Хом-ашё сифатини пастлиги, стандартга мос келмаслиги, дастгоҳларни тез бузилиши, ишлаб чиқариш жараёнидаги нуқсонлар кадрлар малакасини пастлиги туфайли маҳсулот бракка чиқади. Бракка йўл қўйилиши туфайли истеъмолга чиқадиган тайёр маҳсулот ҳажми камаяди, маҳсулот таннархи қимматлашади. Чунки маҳсулот брак ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни зойи кетганлигини, унумсизлигидан далолат беради. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқарувчи истеъмолчига сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаргани учун етказилган зарарни қоплаши шарт. Ишлаб чиқарувчи давогарлик муддати давомида нуқсонга эга бўлганлиги учун қайтарилган товар ўрнига бошқа маҳсулотлар ёки маҳсулот нуқсонини тузатиб истеъмолчига жўнатиши лозим. Брак – тузатиладиган ва тузатилмайдиган маҳсулотларга бўлинади. Йўл қўйилган бракни товар маҳсулотига бўлган таъсирини аниқлаш учун товар маҳсулотини таннархидан умумишлаб чиқариш, бракдан йўқотишлар, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари суммасини чигириб брак таннархи аниқланади. Брак бўйича таннархни товар маҳсулотига бўлиш орқали брак туфайли маҳсулот ҳажмини камайиши аниқланади.

1.	Товар маҳсулотини таннархи	– 13000 минг сўм.
2.	Шу жумладан брак таннархига қўшилмайдиган харажат моддалари	-1500 минг сўм.
3.	Брак таннархи билан таққосланадиган маҳсулот (1 сатр-2 сатр)	-11500 минг сўм.
4.	Брак маҳсулот таннархи	-150 минг сўм.
5.	Брак фоиз ҳисобида (4 сатр*100/3 сатр)	-1.3
6.	Брак туфайли товар маҳсулотини камайиши	13000*1.3/100 - -169 минг сўм

7. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлили.

Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини квартал, ой, ҳамда ҳар 10 кунликда бажариши лозим.

Айрим корхоналар йиллик, квартал, ойлик режаларини ортиёи билан бажариши мумкин, аммо айрим ойларида ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил эта олмаслиги мумкин. Маромийликни бузилиши шартнома мажбуриятларини барбод бўлишига, унинг оқибатида жарималар тўланилишига олиб келади. Амалда айрим корхоналар ишлаб чиқариш режасини 3-ўн кунликда, йилликни ишлаб чиқаришни жадал равишда ташкил этиш ҳисобига бажаради. Бундай ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бузилади, бракка йўл қўйилади. Истеъмолчиларга жўнатиладиган товар графиги бузилади.

Таҳлил этишда ҳар 10 кунликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ойлик маҳсулотда тутган улуши ҳисобланади ва у режа билан таққосланиб, ишлаб чиқариш маромийлигига баҳо берилади.

7-Жадвал

Ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлили

Ўн кунликлар	Ҳисобот йили		Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	Тутган улуши, %	
	Режа	Ҳақиқат		Режа	Ҳақиқат

I ўн кунлик	66116	50910	50910	30	20
II ўн кунлик	77136	96729	77136	35	38
III ўн кунлик	77136	106911	77136	35	42
Жами	220388	254550	205182	100.0	100.0

Маромийлик коэффициенти:

205182

$K = \frac{205182}{220388} = 0.931$

220388

7-жадвалда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ортиёи билан бажарилган бўлса ҳам, аммо ишлаб чиқариш жорий йилда бир маромда ташкил этилмаган. Биринчи 10 кунликда жами маҳсулотнинг 20 % (режадаги 30 фоиз ўрнига), учинчи 10 кунликда эса 42 фоизи ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқариш маромийлиги бузилган. 3 ўн кунликда иш жадал равишда ташкил этилиб, маҳсулот сифатига путур етказилган. Шартномавий мажбуриятларни бузилишига олиб келган. Биринчи 10 кунликда ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаган.

8. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни гуруҳларга ажратиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат омиллари
2. Меҳнат воситалари
3. Меҳнат предметлари

Бозор иқтисодиёти шароитида таъсирчан омиллардан бири бу тадбиркорлик омилидир. Шу сабабли маҳсулот ишлаб ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига тадбиркорлик лаёқати омили ҳам киритилиши тартибланган ва бу таркибланиш иқтисодий жиҳатдан ўринлидир. Чунки юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш омиллари тадбиркорлик омили билан биргаликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Меҳнат омили ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Меҳнат воситалари орқали меҳнат предметларига таъсир этиб ишлаб чиқариш вужудга келади. Хар 3 омил бир бири билан узвий боёланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади. Меҳнат омилларини таҳлил этишда корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиши, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат омилларини маҳсулот ҳажмига бўлган таъсири аниқланади. Бугунги кунда корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуrollаниши муҳим аҳамият касб этади. Бу омилни таҳлилида корхонани асосий воситалари, унинг техник ҳолати, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ўрганилади. Меҳнат предметлари таркибига хом-ашё

Ёқилёи, энергия ва бошқа моддий ресурслари киради. Улардан самарали фойдаланиш, иқтисод режимига риоя қилиш кўрсаткичлари таҳлил этилади.

1. Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналарда маҳсулот сотиш ҳажми асосий кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич корхоналарни халқ хўжалиги, шахсий истеъмол учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Ўз муддатида маҳсулотни сотилиши (хизмат кўрсатилиши) ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этишини таъминлайди, маблаёлар айланишини тезлаштиради. Маҳсулот сотиш орқали қилинган ҳаражатлар қопланади ва корхона фойда олишга эришади. Сотиш ҳажми ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичидир. Маҳсулот сотишдан келган тушум орқали корхона биринчи галдаги тўловларни амалга оширади. Солиқ бўйича тўловлар, мол етказиб берувчилар, ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни бажаради. Демак, корхонанинг молиявий ҳолати, айланма маблаёларини айланиш тезлиги ва уни ҳолати, молиявий натижалари сотиш ҳажми бўйича режанинг бажарилиши ва унинг динамикасига кўп жиҳатдан боёлиқ. Сотиш жараёнини тезлашиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва таъминот жараёнларини ҳам тезлашишига таъсир этади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради. Пул маблаёлари ҳаракатини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Пул маблаёлари → ишлаб чиқариш захиралари → тайёр маҳсулот → сотиш → пул маблаёлари .

Сотиш бўйича режанинг бажарилишида тайёр маҳсулот ва унинг сифати муҳим ўрин тутади.

Тайёр маҳсулот деб барча ишлов операцияларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандарти ёки техник талабларга жавоб берадиган, техник назоратдан ўтган маҳсулотга айтилади. Тайёр маҳсулот таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам киради.

Сотиш учун мўлжалланган маҳсулот товар маҳсулоти деб номланади. Унинг таркибига сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр моллар , буюртмачи корхона ва муассасалар учун бажарилган саноат характериға эға бўлган ишлар киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх турлари кўпаяди: улғужи, чакана нархлардан ташқари яна ички , халқаро нархлар мавжуддир. Ички нарх товарларға давлат ичкарисидаги белгиланган нарх, халқаро нарх эса товарларға халқаро бозорда белгиланган нархдир. Булардан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида икки хил нарх амал қилади :

1. Эркин нарх.
2. Давлат томонидан белгиланадиган нарх

Давлат томонидан белгиланадиган нарх кейинчалик қисқариб боради, эркин нархнинг доираси кенгайиб боради . Корхоналар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини эркин нархда истеъмолчилар билан келишилган нархда сотишға интиладилар . Камёб молларни товар биржаси орқали сотиш, ким ошди савдоси кенг ривожланади.

Омборға қабул қилинган ва ҳаридор корхоналарига жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс этирилади. Бироқ цехлардан маҳсулот омборға қабул қилинганда унинг ҳақиқий таннархи маълум бўлмагани учун маҳсулот ҳаракатини ҳисобда қабул қилинган режа таннархи ёки улғуржи баҳода ҳисобға олинади, яъни баҳоланади.

Таҳлил вазифаси :

1. Сотиш ҳажми бўйича режанинг асослигини аниқлаш
2. Маҳсулот сотиш режасининг умумий ҳажмда ҳамда, шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сотиш режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш.
3. Сотиш ҳажмларини динамикасини ўзгариш сабабларини аниқлаш
4. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш
5. Шартнома мажбуриятларини бузилиши, бажарилмаслик сабабларини аниқлаш .
6. Сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини белгилаш.

Таҳлил манбалари. Сотиш бўйича дастлабки учёғ маълумотлари , шакл-2 молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, шартнома бўйича ҳисобот шакллари .

2. Маҳсулот сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили

Маҳсулот сотиш режасини бажарилиши истеъмолчиларга жўнатилган товар қисмини ўрганишдан бошланади. Чунки жўнатилган товар билан сотилган маҳсулот вақт жиҳатдан фарқланади. Истеъмолчиларга жўнатилган товар, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган муддат давомида ҳисоб счеҗига пулни келиб тушмаслиги туфайли корхонанинг молиявий ҳолати издан чиқади. Бунинг натижасида корхонанинг бюджет, банк, мол етказиб берувчиларга бўлган қарзи ортиб боради, тўлов қобиляти пасаяди. Бугунги кунда товарлар учун тўлов муддати 3 ой белгиланган. 3 ойдан ошган қарзларни муддати ўтган қарз деб аталади. Муддати ўтган қарзларни сурункали давом этиши банкротликка сабаб бўлади.

Банкротлик (иктисодий ночорлик)- ҳўжалик суди томонидан эътироф этилган Ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиёимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.

Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 3- моддаси – банкротлик аломатлари деб аталади. Бу моддада қуйидагилар қайд этилган. Юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабаларини қондиришга ва (Ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (Ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 9 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этади.

Жисмоний шахснинг (тадбиркорлик фаолятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахснинг) пул маблаёлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (Ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (Ёки) тўлов мажбурияти уларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан 6 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Қарздорнинг тўлов қобилятини тиклаш учун қуйидаги чора- тадбирларни қўллаш лозим:

- Ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- Норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;
- Дебиторлик қарзларни ундириш;
- Қарздор мол- мулкни бир қисмини сотиш;
- Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- Қарздор мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажарилиши;
- Қарздорнинг тўлов мажбуриятини тиклашнинг бошқа усуллари.

Жўнатишган товарларни таҳлили учун маълумотлар тезкор учет ва дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоботдан олинади. Товарлар истеъмолчиларга тузилган шартнома асосида жўнатилади.

1- *Жадвал.*

Маҳсулот сотиш режасини умумий ҳажмда бажарилиши ва динамикасини таҳлили.

Минг сўм

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Ҳисобот йилининг ҳақиқийси	
		Режа	Ҳақиқатда	Ўтган йилга нисбатан	Режага нисбатан
Сотилган маҳсулот	260300	260454	280380	107.8	107.6

Жадвалда келтирилган маълумотлар шакл-2 молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклидан олинган. 1-Жадвалда сотишдан келган тушм солиштирма улгуржи баҳода ҳисобот даврида 280380 м.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 20080 м.сўмга Ёки 7.8 % га ортган. Сотиш режаси умумий ҳажмда 107.6 % га бажарилган. Сотиш режасини умумий ҳажмда бажарилиши таҳлилидан сўнг асосий маҳсулотнинг айрим турлари бўйича сотиш режасини натура ва қиймат шаклларида бажарилиш муддатлари бўйича аниқланиш лозим.

2-*Жадвал.*

Маҳсулотнинг айрим турлари бўйича сотиш режасининг натура шаклида бажарилиши (дона)

(I квартал)

Маҳсулот тури	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Январ		Феврал		Март	
		Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда
А	150	2000	1800	2000	1900	2000	2400
Б	120	400	400	450	400	500	550
В	100	900	800	1000	800	1100	1500

Жадвалда келтирилган натура шаклидаги маҳсулотларни унинг баҳосига кўпайтириш орқали сотиш ҳажмини қиймат кўринишида ифодалаймиз ва режасининг бажарилишини аниқлаймиз.

3-*Жадвал.*

Сотиш режасининг қиймат шаклида бажарилиши.

Маҳсулот тури	Режа	Ҳақиқатда	Режанинг бажарилиши, %
А маҳсулоти			

Январь	2000*150=300.0	1800*150=270.0	90.0
Февраль	2000*150=300.0	1900*150=285.0	95.0
Март	2000*150=300.0	2400*150=360.0	120.0
Жами	6000*150=900.0	6100*150=915.0	101.7
Б маҳсулоти			
Январь	400*120=48.0	400*120=48.0	100.0
Февраль	450*120=54.0	400*120=48.0	88.9
Март	500*120=60.0	550*120=66.0	110.0
Жами	1350*120=162.0	1350*120=162.0	100.0
В маҳсулоти			
Январь	900*100=90.0	800*100=80.0	88.9
Февраль	1000*100=100.0	800*100=80.0	80.0
Март	1100*100=110.0	1500*100=150.0	136.4
Жами	3000*100=300.0		
Ҳаммаси	1362.0	1387.0	101.8
Шу жумладан:			
Январь	438.0	398.0	90.8
Февраль	454.0	413.0	91.0
Март	470.0	567.0	120.6

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики корхона маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатиш режасини I кварталда 101.8% (1387*100:1362.0) га бажарган. Белгиланган ассортиментда режа бажарилган. Аммо, муддатлари бўйича режа январь ойида 90.0% (4130*100:454.0) га март ойида эса –120.6%(567*100:470) га бажарган. Маҳсулот жўнатиш режасини бундай тарзда бажарилиши корхонани бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил этмаслик туфайли рўй беради. Таҳлил давомида маҳсулот етказиб берилмаган истеъмолчилар аниқланади ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланади.

3. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун товар балансини тузамиз. Товар баланси кўрсаткичлари тайёр маҳсулот харажати номли маълумотномадан олинади. Бу ҳисобот шаклида тайёр маҳсулотнинг йил бошига, йил охирига бўлган қолдиёи, ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳамда сотилган маҳсулот улгуржи баҳода ва ишлаб чиқариш таннархида ифодаланган. Товар баланси куйидаги формалу орқали аниқланади.

$$Йб+Т=СТ+Йо$$

Бунда:

Йб – тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиёи

Т – ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти

Ст – сотилган маҳсулот ҳажми

Йо – тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиёи.

4-Жадвал.

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Минг сўм

.Н.	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ҳисобот йили		Фарқи (-,+)	Сотиш ҳажмига таъсири
			Режа	Ҳақиқатда		
.	Тайёр маҳсулот йил бошига қолдиёи	Йб	16 166	2 5352	-9186	+918 6
.	Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти	Т	26 8682	2 81126	+1244 4	+124 44
	жами (1 сатр+2 сатр)	Х	28 4848	3 06478		
.	Сотилган маҳсулот	Ст	26 0454	2 80380	+1992 6	Х
.	Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиёи	Йо	24 394	2 6098	+1704	-1704
	Жами (3 сатр+4 сатр)	х	28 4848	3 06478		

Маҳсулот сотиш ҳажми 280380 минг сўмни ташкил этиб режага нисбатан 19926 минг сўмга ортган. Сотиш ҳажмига қуйидаги омиллар таъсир этган.

$$Ст = Йб + Т - Йо$$

1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиёини ўзгариши.
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти.
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига бўлган қолдиёини ўзгариши.

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллардан икkitаси, яъни тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиёи (Йб) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (Т) режага нисбатан ўзгариши бевосита ва билвосита таъсир этади. Бу кўрсаткичларни (Йб,Т) ортиши сотиш ҳажмини ҳам ортишига, режага нисбатан камайишига олиб келади.

Йил охиридаги (Йо) тайёр маҳсулот сотиш ҳажмига тескари таъсир этади, ортиши сотиш ҳажмини камайишига, камайиши сотиш ҳажмини ортишига олиб келади.

1. Йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиёининг режага нисбатан 9186 минг сўмга ортиши туфайли сотилган маҳсулот шу суммага кўпайди. Бу омилнинг ҳиссаси 46,1% ($9186 \times 100 : 19926$) ни ташкил этади.
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотини режаси 104,6% га бажарилган, яъни режани 4,6% га ортиёи билан бажарилиши туфайли маҳсулот ҳажми 12444 минг сўмга ортган. Шу суммага сотилган маҳсулот ҳажми ҳам кўпайган.
3. Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиёи режадаги 24394 минг сўмдан ҳақиқатда 26098 минг сўмга қадар яъни 1704 минг сўмгача кўтарилган. Бу фоиз ҳисобида 8,5% ($1704 \times 100 : 19926$) ни ташкил этади.

Йил охиридаги қолдиқни ортиши туфайли реализация ҳажми 1704 минг сўмга камайган.

Жадвал-5.

Омиллар таъсирининг натижаларини қуйидаги жадв алда умумлаштирамиз.

Кўрсаткичлар	Сумма, м.сўм	Режага нисбатан ҳисобида %
1. ТайЁр маҳсулотнинг йил бошига қолдиЁини ортиши	+9186	+3,5
2. Товар маҳсулоти режасини ортиЁи билан бажарилиши	+12444	+4,7
3. ТайЁр маҳсулотнинг йил охирига қолдиЁини ортиши	-1704	-0,6
Жами	+19926	+7,6

Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари сотиш режасининг бажарилишига маҳсулот сифатини режага нисбатан ўзгариши, ассортиментни белгиланган режага нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиши ва ҳ.к. лар таъсир этади.

4. Маҳсулотларни сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарилишини таҳлили.

Истиклол ислохотлари туфайли бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини эгаллаган бозор иқтисодиЁти шароитида шартнома барча мулк шаклидаги корхона, муассаси ва ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Яқин ўтмишда режали иқтисодиЁт даврида ҳам шартномалар тизимидан фойдаланилган. Аммо, якка мулкчилик, яъни давлат мулкчилигининг танҳо ҳуқуқи ҳукмронлик қилган замонда шартномалар режа ва топшириқларни бажариш учун қўлланиладиган бир восита ҳисобланган, холос. Қолаверса, илгарилари шартномага уни тузган томонларнинг истак ва манфаатларининг ифода этувчи тўла ҳуқуқли юридик ҳужжат деб ҳам қаралмасди. Уларни қўлланилиши чекланган бўлиб, ҳаттоки, фуқароларнинг ўзаро битим тузиши қоунн йўли билан жазоланадиган айб-чайқовчилик сифатида, қораланар эди. Шу маънода, шартноманинг ҳуқуқий мақолини тамомила ўзгартириш ва умуман, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш борасида мамлкатимизда жиддий ишлар амалга оширилаЁтгани эътиборга лойиқдир. Эндиликда шартнома режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш омилларига асосланмайди. Биласе, бозор қонуниятлари талабига биноан, шартномавий муносабатлар товар-пул, яъни тенг тўловлар тарзида амалга оширилиб, шартнома уларга ҳуқуқий шакл ўрнида хизмат қила бошлади. Бугунги кунда Конституция, Фуқаролик кодекси, хўжалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхонлар тўЁирисидаги қонунлар, бошқа меъЁрий ҳужжатлар шартнома муносабатларларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалар ҳисобланади.

Шартнома ижроси бугунги кунда энг долзарб муаммолардан биридир. Шартнома бажарилмаслиги корхонага иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, унинг истикболини хавф остига қўяди, ҳар икки томондаги корхоналар ишчиларининг маош ололмаслигига сабаб бўлади.

Хўжалик шартномаларининг малакали ва пухта тузилиши томонлар мажбуриятларни нотўЁри талқин этишларига, шериклардан бири шартномага ноинсоф муносабатда бўлганида Ёки уни беихтиЁр бузиб қўйганида бу ҳолат бошқа томонга зарар келтришига имкон бермайди. Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг биргасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боЁлиқ маъсулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Ҳуқуқ идоралари ўтказган текширишларда айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан шартномаларни тузиш ва ижро этишда қонунчиликка риоя этмаслик ҳолатлари кўплаб аниқланган. Аксарият раҳбарларда ҳозиргача мулкдорлик туйЁуси шаклланиб улгурмаган. Баъзи раҳбарларда ўз хўжалигининг моддий-молиявий

натижаларига эътиборсизлик кайфияти қонун ва судларга нисбатан нописандлик билан қоришиқ ҳолда намоён бўлмоқда.

Сотиш режасининг бажарилиши умумий ҳажмда бажарилишидан сўнг шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сотиш режасини бажарилишини аниқлаш лозим. Бу кўрсаткич орқали корхона фаолиятига баҳо берилади.

Шартнома бўйича мажбуриятни бажарилишини таҳлили.

Т.н	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда
1.	Сотилган маҳсулот	260454	280380
2.	Шартномадаги етказиб берилмаган маҳсулот	х	20950
3.	Шартномавий мажбуриятни ҳисобга олган ҳолда сотиш ҳажми	х	239504
4.	Сотиш режасини бажарилиши, %	х	91.9

Мажбуриятни ҳисобга олган ҳолда сотиш режаси 91.9% (239504х100:260454) га бажарилган ҳолос. Шартномадаги 20950 минг сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмаган.

7. Маҳсулот сифатининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатини яхшиланиши маҳим аҳамият касб этади. Маҳсулот сифатини ошириш реализация жараёнини тезлаштиради, маҳсулотга бўлган талабни тўлароқ қондиради, товар пул муомаласини тезлаштиради, экспорт имкониятларини оширади. Маҳсулот сифати кўрсаткичлар системаси билан ўлчанади. Характерли ҳоссаларига кўра ўз белгиланган ҳоссасига лойиқлиги, пишиқ пухталиги, чидамлилиги, стандартга мослиги кўрсаткичларига кўра фарқланади.

Сифатни яхшиланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотни қиймат шаклида ортишига, фойдани кўпайишига олиб келади.

Маҳсулот сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси:

1. Жами ишлаб чиқаришда янги маҳсулот улуши.
2. Аттестациядан ўтган ва ўтмаган маҳсулотларни тутган улуши.
3. Олий нав (категория)даги маҳсулот улуши.
4. Жаҳон стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулот улуши.
5. Экспорт қилинадиган маҳсулот улуши, шу жумладан, юқори ривожланган саноат корхоналарига.

Умумий кўрсаткичлардан ташқари ҳар бир маҳсулотни индивидуал хусусиятлари ҳам сифатни ифодалайди. Масалан, сутни ёврилиқ даражаси, кўмирни иссиқлик даражаси, айрим маҳсулотларни чидамлилиги, пишиқ-пухталиги; маҳсулотни эстетик кўринишга эга бўлиши; технологияга мослиги ва ҳ.к.

Рекламация.

Истеъмолчи томонидан маҳсулот сифати ҳусусида билдирилган эътироз.

Истеъмолчи маҳсулот етказиб берувчига гарантия муддати давомида рекламация билдириши ва жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга. Маҳсулот бутланган (комплект)га эга бўлиши керак. Шундагина у тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.

Енгил саноатда маҳсулот сортларга бўлинади. Маҳсулот сортларга бўлинганда унинг сифатини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин:

1. Ўртача сортлилиқ коэффициентини.
2. Ўртача маҳсулот бирлигини сотиш баҳоси.

7-Жадвал.

Маҳсулот сифатини таҳлили.

Кўрсаткич-лар	Маҳсулот бирлиги баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (дона)		Режани бажарил иши, %	Жами маҳсулотдаги улуши (%)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (минг сўм)	
		Режа	Ҳақиқат		Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат
Олий нав	1200	710	780	109, 8	58, 6	63, 4	852	936
Биринчи нав	1050	500	450	90, 0	41, 4	36, 6	525	472, 5
Жами	X	1210	1230	101, 6	100	100	1377	1408, 5

1 Ўртача сортлилиқ коэффициенти

1377 минг сум

$$\frac{\text{-----}}{1210 \times 1200} = 0,948$$

1408,5 минг сум

$$\frac{\text{-----}}{1230 \times 1200} = 0,954$$

2. Ўртача сотиш баҳоси

Режа 1377 минг сўм

$$\text{-----} = 1138 \text{ сўм}$$

1210 дона

Ҳақиқатда 1408,5 минг сўм

$$\text{-----} = 1145 \text{ сўм}$$

1230 дона

Маҳсулот бирлигини ўртача сотиш баҳосини 7 сўмга ортиши қиймат шаклида маҳсулотни 8,6 минг сўмга ортишига олиб келди.

$$(1145-1138) \times 1230 = 8.6 \text{ минг сўм}$$

6. Сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини жамлаш.

Сотиш ҳажмини таҳлилининг хотима қисмида ишга солинмаган ички имкониятлар ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятлари аниқланмоғи лозим. Ишга солинмаган имкониятлар сотиш ҳажмини оширишга, фойда ва рентабелликни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Белгиланадиган тадбирий чоралар корхонанинг барча бўғинларини ўз ичига олиши керак, яъни ишлаб чиқариш, молиявий ҳолат, молиявий натижаларни самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш резервлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: рақобатга бардош, юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот қолдиғини белгиланган меъёр даражасида сақлаш, сифатсиз маҳсулотларни арзонлаштирилган нархларда реализация қилиш, ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, омбордаги тайёр маҳсулот камомадини (инвентаризация натижасига кўра) ундириб олиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳ.к.

Таҳлил натижаларига кўра корхона маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларига эга. Уларга қуйидагилар киради:

1. шартномага эга бўлмаган маҳсулот ҳажмини камайитириш – 10200 минг сўм.
2. Ишлаб чиқариш маромийлигини яхшилаш – 15206 минг сўм.

3. Маҳсулот сифатини пастлиги туфайли қайтарилган маҳсулот – 500 минг сўм.
4. ТайЁр маҳсулот қолдиёини меъЁрдан ортиқчалиги – 1704 минг сўм.
5. Инвентаризация натижасида аниқланган маҳсулот камомоди – 50 минг сўм. Жами -27660 минг сўм.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

- Ишлаб чиқариш ҳажми;
- Маҳсулот номенклатурасининг тавсифи;
- Маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услублари;
- Маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш услублари;
- Ишлаб чиқариш маромийлиги;
- Ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиш сабаблари;
- Маромийликни корхона иқтисодий кўрсаткичларига таъсири.
- Сотиш ҳажми;
- Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлилининг услублари;
- Маҳсулот етказиб бериш ва сотиш шартномалари;
- Шартнома бажарилишининг таҳлил этиш усуллари;
- Сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- Маҳсулот сифатининг таҳлил этиш услублари;
- Рекламация тўёрида тушунча.

10-Мавзу.Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

1. Таҳлил вазифаси ва ахборот манбаи
2. Бухгалтерия баланси бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблар.
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини тузиш. Муддати узайтирилган қарзларнинг вужудга келиш сабаблари.
4. Дебиторлик қарзларининг умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати бўйича таҳлили.
5. Кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми, таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили.
6. Қарзларни камайтириш йўллари.

1. Таҳлил вазифаси ва ахборот манбаи

Корхоналар ўртасида буладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб китобларда туловлар бўйича кечиктирилган вақт бўйича фаркланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан туланиши лозим булган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, олиними лозим булган мажбуриятлар эса дебиторлик мажбуриятлар ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қуйидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши тамонга туланиши лозим булган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши тамондан олиними лозим булган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб китобларнинг доимий йулдоши ҳисобланади. Лекин уларнинг тулов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий ахволига катта таъсир утказиши. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назаридаги ва этиборидаги масала ҳам ҳисобланади. Негаки корхоналар ва ташкилотлар ўртасида буладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайн даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилди.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар корхона баланси (1-шакл) ҳамда корхона ва ташкилотлар тамонидан тузиладиган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномадан (2а-шакл) олинади. Шунингдек бухгалтерия ҳисобининг аналитик ҳисоблари 45, 60, 61, 62, 63, 65, 67, 68, 69, 70, 71, 73, 76, 78 – ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корхона молиявий ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳолатни баҳолаш ва чора тадбирлар белгилашдан иборат.

2. Бухгалтерия баланси бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблар.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши тамон ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки қаридорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунинг ходимлар, мол эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан буладиган муносабатларда юза келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда вақтнинг узгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тулангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.

Дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабаб қаторларини тартиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб китобларда тамонларнинг тулов лаекатида эътибор эмаслиги;
- товарларни ортиб қўйиш ва сотишда ҳисоб китобларнинг замонавий шаклларидаги қўлланмалари;
- мол ва унга эгалик қилишда маъсуллик ҳиссининг йуклиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йулга қўйилмаганлиги;
- даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармок ҳусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;
- харажатлар таркибига қиравчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йуклиги;

-ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда каътий шартларнинг йуклиги;

-кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида буладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини бахолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

-сугурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда катъий давлат конунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва х.к. сабабларни критиш мумкин.

Биз юкорида белгилаган эдикки корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда туловлар муддатининг еки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб колишидир. Бунда дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага чкишига ҳар кандай ҳолда ҳам йул куйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жунатиш оркали сотиладиган булса бунда туловлар амалга ошиш санасига кадар, агарда товарлар пулини олдиндан тулаш асосида сотиладиган булса бунда ҳам товарларни жунатиш санасига кадар мажбурият, карз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар буйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1- санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Дебиторлик ва кредиторлик казлари корхона баланси яни ҳар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўёрисидаги ҳисоботда ҳам акс эттирилади.

3. Дебиторлик ва кредиторлик карзлари балансини тузиш. Муддати узайтирилган карзларнинг вужудга келиш сабаблари.

Дебиторлик ва кредиторлик карзлари баланси улар орасидаги узаро тенгилик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши еки аксинча ҳолатлари ифодаланади.

Дебиторлик – кредиторлик мажбуриятлари каторига баланс моддалари буйича куйидаги каторлар киритилади:

Дебиторлар:

-ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62-82),

-бунак (аванс) туловлари (61)

-бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)

-ходимлар била ҳисоблашишлар (73)

-шуъба корхоналар билан ҳисоблашишлар

-таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)

-уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар (79)

-бошка дебиторлар (63,71,76)

Кредиторлар:

-мол етказиб берувчилар (60)

-бюджет буйича карзлар (68)

-мехнатга ҳак тулаш буйича карзлар (70.1, 70.2)

-ижтимоий сугурта ва таъминот буйича карзлар (69)

-мулкий ва шахсий сугурталар буйича карзлар (65)

-бюджетдан ташкари туловлар буйича карзлар

-шуъба корхоналарига карзлар (78)

-уюшма корхоналарига карзлар (78)

-бошка кредиторлар (75.1, 71.2, 73, 76.1, 79)

Дебиторлик ва кредиторлик карзлари балансининг таҳлили

Дебиторлик карзлари	Сумма м.с.	Кредиторлик карзлари	Сумма м.с.
харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	15698	мол етказиб берувчиларга карзалар	18259
бунак (аванс) туловлари	1256	бюджет буйича карзлар	121
бюджет билан ҳисоблашишлар	31	меҳнатга ҳақ тулаш буйича карзлар	1120
ҳодимлар билан ҳисоблашишлар	53	ижтимоий сугурта ва таъминот буйича карзлар	425
шўба корхоналар билан ҳисоблашишлар	2959	мулкӣ ва шахсий сугурталар буйича карзлар	820
таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	-	бюджетдан ташкари туловлар буйича карзлар	231
уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	2584	шўба корхоналарига карзлар	1289
бошка дебиторлар	436	уюшма корхоналарига карзлар	8521
		бошка кредиторлар	215
Жами	23017	Жами	31001
Кредиторлик карзларининг дебиторлик карзлардан ортиқчилиги	7984		
<i>БАЛАНС</i>	31001	БАЛАНС	31001

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики жорий даврда кредиторлик мажбуриятлари дебиторлик мажбуриятларига нисбатан 7984 минг сумга юкори булган.

Таркиб тузилишида дебиторлик мажбуриятларининг асосий кисми харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб китоблар (15698), шўба корхоналар билан булдиган ҳисоб-китоблар (2959), уюшма корхоналар билан буладиган ҳисоб-китоблар (2584), бунак туловлари хиссасига тўёри келган (1256).

Кредиторлик мажбуриятлари каторида асосий улушни мол етказиб берувчиларга булган карзлар (18259), ушма корхоналарга карзлар (8521), шуба корхоналарга карзалар (1289), меҳнатга ҳақ тулаш буйича карзлар ташкил этган (1120).

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тенглиги 31001 минг сумни ташкил этган Шундан соф кредиторлик мажбуриятлари суммаси 7984 минг сумни ташкил этган.

Муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишига таҳлил алоҳида аҳамият қаратилади. Негаки муддати утказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий аҳволининг оғирлашиши ва молиявий барқарорлигининг бузилишига сабаб булади. Уз навбатида корхонанинг тулов лаекати бузилади.

Муддати утказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб утиш мумкин:

- корхонанинг молиявий ҳолатининг носогломлиги;
- корхонанинг тулов лаекатига эга эмаслиги;
- ликвид маблагларнинг айланувчанлиги узоклиги;
- шартнома мажбуриятларига ва тулов шартларига амал этмаслик;
- хужалик шартномаларининг бузилишидан кўриладиган зарарларнинг тўёри ўринланмаслиги (шартномаларни бузилишида кулланиладиган чораларнинг амал этмаслиги);
- ҳисоб-китобларда замонавий ҳисоб шаклларига йул берилмаганлиги (фючерс, форс-мажор, вексел, кимматли кағозлар, бартер операциялари);

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой килиб еки 90 календар кун килиб белгиланган. Ушбу муддатдан сунг дебиторлик кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати буйича давлат конунчилигига мувофик жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳукукий шахслар ўртасида 1 йил, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида 3 йил муддат белгиланган. Ушбу муддатда туланмаган еки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати утган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат катори сифатида олинган. Муддати утказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига кушилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси буйича солиққа тортилади. Муддати утган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати утган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар каторига олиб бориш шартлари давлат ҳисоб, солиқ конунчилигига мувофик қатъий тартибланган. Яъни дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар каторига олиб боришга қадар уларни тулаш еки ундириб олиш юзасидан қандай езишмалар еки мурожатлар булган, орбитраж қарори чиқарилган еки чиқарилмаганлиги ва х.к. буйича дастлабки ҳужжатлар туплами тайерланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарлар каторига олиб бориш мумкин. Акс ҳолда зарурийлик шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб маъсуллар жавобгарликка тортилади.

4. Дебиторлик қарзларининг умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати буйича таҳлили.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш қаторлари еки ўрни тушинилади. Корхона баланси буйича унинг қуйидаги қаторларини таркиблаб утганмиз. Қаридор ва буюртмачиларга булган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар буйича дебиторлик мажбуриятлар, иш ҳақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, солиқлар ва турли бошқа туловлар буйича дебиторлик мажбуриятлари ва х.к.

Шунингдек дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати утган, тулов муддати келган ва тулов муддати утмаган мажбуриятларни аълоҳида таркиблаш мумкин.

Муддати утган, тулаш муддати келган мажбуриятлар аълоҳида ҳисобга олинади ва бошқарилади. Муддати утган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномада алоҳида қаторланади. Уларнинг Республика ичкарасидаги қорхоналар ва республикадан ташқаридаги қорхоналар ўртасида муддати утган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати утказиб юборилган мажбуриятлар қорхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинади ва муҳим этибор берилади.

Таҳлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми таркиби ҳамда вужудга келиш муддати буйича ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ булган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо берилади.

Дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати. 1-январ 1998 й.

Дебиторлик мажбуриятлари моддалари	Дав р охи риг а жа ми	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари буйича				
		1 ой га ча	1 ойд ан 2 ойг ача	3ой дан 6 ойг ача	6 ойда н 1 йилг ача	1 йил дан орт ик
1.Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	15698	65 78	593 3	176 5	1346	76
2.Бунак (аванс) туловлари	1256	*	125 6	*	*	*
3.Бюджет билан ҳисоблашишлар	31	31	*	*	*	*
4.Ходимлар бида ҳисоблашишлар	53	25	*	*	28	*
5.Шуъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	2959	*	295 9	*	*	*
6.Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	-	*	*	*	*	*
7.Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	2584	*	199 8	586	*	*
8.Бошка дебиторлар	436	12 1	254	*	52,1	8,9
Жами	23017	67 55	124 00	235 1	1426, 1	84, 9

Корхонада дебиторлик мажбуриятларининг вужудга келиш муддатлари буйича таҳлили натижасиданшуни кўриш мумкинки 1998 йилнинг 1-январига 23017 минг сумни ташкил қилган. Жами дебиторлик мажбуриятлари таркибида 1 ой муддатга булган мажбуриятлар 6755 минг сумни, 1 ойдан 2 ойгача булган мажбуриятлар 12400 минг сумни, 3 ойдан 6 ойгача булган мажбуриятлар 2351 минг сумни, 6 ой дан 1 йилгача булган мажбуриятлар 1426.1 минг сумни, шунингдек 1 йилдан ортик муддатдаги мажбуриятлар ҳажми 84.9 минг сумни ташкил қилган.

Корхонанинг асосий мажбуриятлар қиска муддатли мажбуриятлар сифатида уларнинг жами дебиторлик мажбуриятлари ҳажмидаги ҳиссаси 22932,1 минг сумни еки 99.6 % ни ташкил этган. (бир йилга қадар булган мажбуриятлар)

Дебиторлик мажбуриятлари еки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида этибор берилади. Негаки дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий ахволига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффиценти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига булиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига купайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига булиш асосида дебиторлик карзларининг айланишлар куни аникланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили.

Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот йили	Фарк и
1.Дебиторлик мажбуриятлари жами	12323	23017	+10694
2.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	67729	132564	+64835
3.Оборот активлари	56428	95382	+38954
4.Муддати утган дебиторлик карзалари	125,2	84,9	-40,3
5.Дебиторлик карзларининг айланиш коэффиценти (2/1)	5,496	5,759	+0,263
6.Дебиторлик карзларининг айланиш даври, кунда (1*360/2)	65,5	62,5	-3
7.Оборот активлари таркибида дебиторлик карзлари, (1/3*100)%	21,8	24,1	+2,3
8.Муддати утган дебиторлик карзалари улуши, (4/1*100) %	1,0	0,3	-0,7

Корхонада дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати утган йилнинг шу даврига нисбатан 10694 минг сумга ошган. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам утган йилнинг шу даврига нисбатан 64835 минг сумга усган. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври утган йилга нисбатан 3 кунга тежалишига эришилган. Яъни дебиторлик мажбуриятларининг ундириб олиниши бир кадар тезлашган. Бу тезлашиш бевосита маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ошиши ҳисобига руй берган. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами оборот активлари таркибидаги салмоги утган йилнинг шу даврига нисбатан 2.3 % га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига руй берган. Муддати утган дебиторлик карзаларининг жами дебиторлик карзлари таркибидаги салмоги утган йилнинг шу даврида 1 % ни жорий даврнинг охириги ҳисобот санасига эса 0,3 % ни ташкил килган. Юкоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниклашимиз мумкин.

Дебиторлик карзларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даври узгаришини омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Дебиторлик карзлари айланиш коэффиценти	Дебиторлик мажбуриятлари айланиш даври
1.Утган йил	5,496	65,5
2.Шартли ҳисобот йили	10,757	33,4
3.ҳисобот йили	5,759	62,5

Жами фарк	+0,263	-3
Таъсир этувчи омиллар	*	*
1. Сотишдан олинган соф тушум суммасининг узгариши	+5,261	-32,1
2. Дебиторлик карзлари суммасининг узгариши	-4,998	+29,1

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврига омиллар таъсири куйидагича булган. Дебиторлик карзларининг айланиш коэффиценти утган йилга нисбатан +0,263 га ортган. Бу узгаришда махсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг узгариши таъсирида айланиш коэффиценти +5,261 га, дебиторлик карзлари хажмининг узгариши ҳисобига эса айланиш коэффиценти – 4,998 га камайган. Ҳа иккала омил таъсирида айланиш коэффиценти +0,263 коэффицентга узгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик карзаларининг айланиш даври кўрсаткичи бўйича куйидагича булган. Яъни; Сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига узгариш –32,1 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг узиши ҳисобига +29,1 кунга узгариш кузатишган.

Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффиценти	<u>Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда</u> Дебиторлик мажбуриятлари утган йил шу даври бўйича
---	---

Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври	<u>Дебиторлик мажбуриятлари утган йил шу даври бўйича</u> * 360 Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда
---	---

5. Кредиторлик карзларининг умумий ҳажми, таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили.

Кредиторлик мажбуриятлари карши тамонга корхонанинг тулайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юкорида унинг таркибига нималар киришини ва уларнинг юзага келиш сабабларини таркиблаб утган эдик. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини ҳам таркиблаш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида карздор булган тамонлар бўйича мажбуриятларнинг каторланиши, уларни тулаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффиценти ва двари аникланади. Лекин бунда катнашувчи кўрсаткичлар фаркланади. Кредиторлик мажбуриятлари айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насага олинган еки ҳали пули туланмаган моллар, ашелар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақкий кўрсаткичларига мурожат килинади.

Кредиторлик мажбуриятларининг тулаш муддатлари бўйича куйидаги таркибини бериб утиш мумкин.

- Тулаш муддати келган мажбуриятлар
- Тулаш муддати утиб кетган мажбуриятлари

Йил календар даврининг таксими буйича кредиторлик мажбуриятларининг куйидаги шакллари бериш мумкин

- 1 ойгача булган мажбуриятлар
- 1 ойдан 2 ойгача булган мажбуриятлар
- 3 ойдан 6 ойгача булган мажбуриятлар
- 6 ойдан бир йилгача булган мажбуриятлар
- 1 йилдан ортик муддатга булган мажбуриятлар

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати буйича таҳлили

Кредиторлик мажбуриятлари	Жами	Шу жумладан юзага чиқиш даври буйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	3-6 ой	6 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортик
1.Мол етказиб берувчиларга карзлар	18259	12069	3211	2185	254	540
2.Бюджет буйича карзлар	121	121	*	*	*	*
3.Мехнатга ҳақ тулаш буйича карзлар	1120	1100	20	*	*	*
4.Ижтимоий сугурта ва таъминот буйича карзлар	425	412	13,0	*	*	*
5.Мулкӣ ва шахсий сугурталар буйича карзлар	820	*	500	300	20	*
6.Бюджетдан ташкари туловлар буйича карзлар	231	120	111		*	*
7.Шуъба корхоналарига карзлар	1289	219,8	854,2	215	*	*
8.Уюшма корхоналарига карзлар	8521	5264	2549	*	708	*
9.Бошка кредиторлар	215	215				
Жами	31001	19520,8	7258,2	2700	982	540

Корхонада жами кредиторлик карзларининг ҳисобот даври охирига булган ҳолати 31001 минг сумни ташкил килган. Шундан 1 ойгача булаган кредиторлик карзлари 19520.8 минг сумни, 1 ойдан 2 ойгача булган кредиторлик карзлари суммаси 7258.1 минг сумни, 3 ойдан 6 ойгача булган кредиторлик карзлари суммаси 2700 минг сумни ташкил килган. Муддати утказиб юборилган лекин ундирилмаган кредиторлик карзлари суммаси 540 минг сумни ташкил килган.

Кредиторлик карзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида тулик баҳо бериш мумкин. Кредиторлик карзлари айланувчанлиги буйича куйидаги боғланишлар жадвалини келтириб утиш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг айланиши таҳлили

Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	2	3	4
1.Кредиторлик мажбуриятлари, м.сум	16542	31001	+14459
2.Сотилган маҳсулот таннари, м.сум	56100	108400	+52300
3.Мажбуриятлар, м.сум	28920	65421	+36501
4. Кредиторлик карзларининг муддати утгани, м.сум	645	540	-105
5.Кредиторлик карзларининг айланиш коэффиценти, (2/1)	5,265	3,496	-1,769
6.Кредиторлик карзларининг айланиш даври, кунда (1*360/2)	106,1	102,9	-3,2
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик карзалари улуши, % да (1/3*100)	57,1	47,4	-9,7
8. Муддати утган кредиторлик карзларининг жами кредиторлик карзлари таркибидаги салмоги, % да (4/1*100)	3,7	1,7	-2

Корхонада кредиторлик карзлари утган йилнинг шу даврига нисбатан 14459 минг сумга усган. Уларнинг айланувчанлик даражаси ҳам утган йилга кадар бир кадар яхшиланган. Жумладан кредиторлик карзларининг айланиш коэффиценти –1,769 га, куни эса 3,2 кунга камайган. Демакки корхона кредиторлик карзини тулаш муддати 3,2 кунга тезлашган дейиш мумкин. Бу албатта катта кўрсаткич эмас. Лекин шунга карамай корхона уларни тезлаштириш чораларини кўрмоги лозим.

Кредиторлик мажбуриятларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоги утган йилнинг шу даврига нисбатан 9.7 фоизга камайган.

Муддати утган кредиторлик мажбуриятлари эса сумма буйича 105 минг сумга кам булган, фоиз ҳисобида 2.0 физга камайган.

Кредиторлик карзлари айланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Кредиторлик карзлари айланиш коэффициенти	Кредиторлик карзлари айланиш даври
1. Утган йил	5,265	106,1
2. Шартли ҳисобот йили	6,553	54,9
3. Ҳисобот йили	3,496	102,9
Жами фарк	-1,796	-3,2
Таъсир этувчи омиллар	*	*
1. Сотишдан олинган соф тушум суммасининг узгариши	+1,288	-51,2
2. Дебиторлик карзлари суммасининг узгариши	-3,057	+48,0

Кредиторлик карзларининг шартли айланиш коэффициенти ва айланиш даври

$$K1 = \frac{108400}{16542} = 6,553, \quad K2 = \frac{16542 \cdot 360}{108400} = 54,9$$

Кредиторлик карзлари айланиш коэффициенти утган йилга нисбатан 1.796 даражага камайган. Бу узгаришда сотилган маҳсулот таннархининг узгаришининг таъсири +1,288 га, кредиторлик карзлари суммасининг узгариши эса -3,057 га тенг булган.

Кредиторлик карзларининг тулаш муддати утган йилга нисбатан -3,2 кунга тезлашган. Бу узгаришда маҳсулотлар таннархининг еки сотиб олинган кийматликлар ва хизматлар суммасининг узгариши таъсири -51,2 кунга, кредиторлик карзлари суммасининг узгариши эса +48,0 кунга тенг булган.

7. Карзларни камайтириш йуллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хужалигида ҳисоб-китобларни уз вақтида утказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлари тўғрисида" ги ва 1996 йил 24-январдаги "Тулов интизомини ва узаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисидаги" фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигига қарамадан дебиторлик-кредиторлик карзлари бошқариш оғир аҳволда қолмоқда.

Жумладан 1998 йил 1-январ ҳолатига кўра муддати утган дебиторлик карзлари 50,2 млрд сумни, кредиторлик карзлари эса 80,3 млрд сумни ташкил этган. Энг оғир тамони шуки уларни ундиришнинг иқтисодий асоси йил сайин оғирлашиб бормоқда.

Дебиторлик кредиторлик карзларининг олдини битта дастур асосида ва уни назорат қилиш асосида уйдалаб бўлмайди. Бунинг учун бевосита кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш лозим.

Бизнинг фикримизча дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақбулдир:

- узаро шартномавий муносабатларда тамонларнинг маъсуллиги ва уларнинг шартларига қатъий амал этиш;

- муддати утказиб юборилган ҳар қандай туловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;

- ҳисоб китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;

-даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил килиш механизмини ишлаб чиқиш ва
х.к.;

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Дебиторлик қарзлари тўғрисида тушунча ва уларни таҳлил этиш услуби.

Дебиторлик қарзларни умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати
бўйича таҳлил этиш услуби.

Кредиторлик қарзлари тўғрисида тушунча ва уларни таҳлил этиш услуби.

Кредиторлик қарзларни умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати
бўйича таҳлил этиш услуби.

Қарзларни камайтириш йўллари.

11-Мавзу. Корхонанинг инвестицион фаолиятининг таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

1. Инвестиция фаолияти турлари ва унинг асосий йуналишлари.
2. Инвестицияни баҳолаш усуллари.
3. Ишлаб чиқариш инвестицияси таҳлили.
4. Молиявий инвестиция таҳлили.

1. Инвестиция фаолият турлари ва унинг асосий йуналишлари.

Иктисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич утказиш ва тармоқлар иктисодини ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорликни оширишга бевосита боғлиқдир. Бозор муносабатларига утиш утиш босқичида давлатнинг олиб борган инвестиция сиёсатини ҳаётга тadbик этиш натижасида ривожланган мамлакатлар иктисодиётида юксалишлар юз берган. Халқ хужалиги тармоқларига йуналтирилган инвестиция мамлакатлар иктисодини ривожлантиришни таъминлаб, ички бозорини товарлар билан тулдиришга ва халқаро савдо алоқаларининг кенгайишига ҳар томонлама уз ҳиссасини қушган.

Инвестиция лотинча «invest» сузидан олинган бўлиб «сармоя» деган маънони билдиради. Кенгрок маънода қулланилганда фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарасида ва чет элларда саноат, қишлоқ хужалиги ва бошқа тармоқларига қуйилган узок муддатли маблаг сармомияни билдиради.

Бугунги кунда инвестиция ва инвестицион жараён тушунчасига амалиётчилар ҳар хил нуқтаи назардан қарайдилар. Айрим олимлар инвестицияни ҳали ҳам «капитал қуйилмалар», «капитал қурилиш» категорияларига тенглаштириб келадилар. Аксини олганда, инвестиция ҳажми жихатдан ҳам, ранг-баранглиги жихатдан ҳам ҳозир айтилган категориялардан устун туради. Бозор иктисодиёти шароитларида «капитал қуйилмалар», «капитал қурилиш» категориялари инвестицияларнинг таркибий қисмидир.

Инвестицияни иктисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритадиган бўлса, бу ўринда «инвестиция» тушунчасининг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал қадриятларни тақрор ишлаб чиқариш инъикоси бўлишини дастлабки ва асосий тушунча бўлиб майдонга чиқишини унунмаслик керак.

Бизда инвестиция ҳусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва утган вақт ичида улар анча тақомиллашди. Инвестиция тўғрисида қабул қилинган қонунда қўрсатилишича инвестиция – бу иктисодий самара олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банқларга қуйилган омонатлар қабилар, қимматли қогозлар, технологиялар, машиналар, асбоб усқуналар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойлиқлардир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва инвестиция тўғрисида узимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан қелиб қикиб, инвестициянинг шартли равишда 3 та турини ажратиш мумкин

- 1) Молиявий инвестициялар
- 2) Моддий инвестициялар
- 3) Аклий инвестициялар

Бозор иктисодиёти шаротида ҳар бир инвестиция турининг узига ҳос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирлиқлари, банқлардаги омонатлар, векселлар ва бошқа қимматли қогозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойлиқлар қиради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоатлар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари қиради.

Аклий инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига қирган инвестицияларнинг ҳиллари бозор муносабатларига нечоғлик ривожланишига, миллий бозорларнинг узига ҳос томонларига қараб ҳар ҳил бўлади. Аклий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифдик ҳуқуқлари, «ноу-хау» кашфиётлар, товар белниларига бериладиган лицензиялар ва бошқа ҳил эғалик ҳуқуқлари қиради.

Табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишидаги инвестициялари ер ва бошқа табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини уз ичига олади.

Ҳамма турдаги инвестициялар, уларнинг ҳажмидан қатъӣ назар, бирор-бир инвестицион қараённинг натижасидир.

Инвестицияда қатнашиш таснифига кўра:

а) тўёридан-тўёри инвестициялар—асосан объект аниқ маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йуналтирилган маблагдир.

б) бошқа инвестициялар – булар воситачилар орқали объектларга сарфланади ва олиган даромад миқозлар ўртасида тақсимланади.

Инвестициялаш даврига қараб қисқа муддатли ва узок муддатли инвестицияларга бўлинади: қисқа муддатли инвестициялар бир йилгача бўлган омонат сертифиқлари ва бошқа қимматли қозғалдиқлар; узок муддатли инвестициялар бу бир йилдан ортиқ муддатларга қуйилган капитал бўлиб, 2 йилга, 2-3 йил ва 5 йилдан ортиқ муддатларга ҳам қуйилиши мумкин.

Худудий белгилари бўйича инвестициялар қуйидагича бўлинади:

А) мамлакат ичкараси ва худудларга қуйиладиган инвестициялар;

Б) қорижга инвестициялар қуйиш, қориж инвестицияларининг қириб қелиши ёки акция, облигациялар шаклида ҳам бўлиши мумкин;

В) қориж инвестициялари деганда чет эл фуқаролари, қуридик шахслар ва давлатлар томонидан қуйилган инвестициялар тушунилади;

Г) ҳамқорликдаги инвестицияларга маққур мамлакат ва қориж мамлакатларининг бирқалиқда қуядиган инвестициялари қиради. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тақрибасида маълумки, инвестицион қомплекc бир неча элементлардан иборат, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: инвестиция сиёсати, инвестиция иқлим ва муҳити, инвестицион фаолияти, капитал қуйилмалари, инвестиция босқичлари ва бошқалар. Ушбу элементларнинг ҳар бири бозор иқтисодиёти шароитларида узига ҳос йуналишга эғадир.

Инвестиция сиёсати инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни қенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга йуналтириш, муҳим солиққа тортиш механизми ва молия-қредит сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йигиндисидан иборат.

Инвестиция муҳити ёки иқлим жуда қенг маъноли бўлиб иқтисодиёт ҳолатини соқил-иқтисодий барқарорлигини, тадбирқорлик фаолияти қай даражада ривожланганлиги, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун чиқарилган қонун ва қорорларни, маданиятини, маънавиятини инвесторлар уз маблагларини йуналтириш учун эътиборга оладиган ва улардан ҳулоса чиқарадиган бошқа омилларни уз ичига олади.

Иқтисодий сиёсатни олиб қориш давлат бошқариш органларини инвестицион қараёнларни тартибга солиш, иқтисодиётда давлат аралашуви, ҳалқаро битимларда иштирок этиш ва чет эл инвестицияларини қалб қилиш инвестицион муҳитга қатта таъсир кўрсатади. Қонуний, иқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик, солиқ тизимларининг тўёри йулга қуйилмаганлиги, бозор инфраструктурасини ривожланмаганлиги тадбирқорлик

фаолиятини амалга оширадиган субъектлар орасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган конуний механизмларнинг йуклиги информация даражасига тўғри келмайдиган миллий валюта курси, чет эл инвестицияларини сугурта қилиш билан химоя қилиш механизмларининг яхши ишлаб чиқилмаганлиги, корхоналар ва инвестицион лойиҳалар ҳақида аниқ ва тулиқ маълумотларни йуклиги ва қимматбаҳо қозғалар бозорининг инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир инвестицион муҳит ҳолатини аниқлайдиган омил бўлиб инвестицион тушқунлик ҳисобланади. Бундан ташқари жамгарма тақчиллиги % ставкаларининг юқорилиги билан ҳам боғлиқдир. Бу эса кичик ва ўрта тадбиркорликни банк кредитларидан фойдаланишларини қийинлаштиради. Инфляция сабаби, бериладиган кредитларнинг катта қисми қисқа муддатли бўлиб бу улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни чеклаб қояди.

Корхоналар бир-бирларига булган қарзларини тулай олмаслик ҳолатининг қучайиши ҳам инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Қимматбаҳо қозғалар бозори ҳам инвестицион муҳитга таъсир этадиган фактлар бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон иқтисодиётдаги мулк шакллари қупайишига ва бозор муносабатларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Инвестицион фаолият инвестициялашнинг асосий бугини ҳисобланади, чунки айнан шу жараёнда инвестиция бир қўринишдан иккинчи қўринишга ўтади, яъни жамгармалар, қуйилмалар, капитал мулк, иқтисодий самара шаклини олади. Инвестициялар оқими тадбиркорликнинг нечоғлик фаоллигини, демак, бозор қонъюктурасини ҳам таърифлаб беради. Инвестициялар оқимининг шу ҳаракати, яъни тадбиркорликка инвестициялар ажратиш ва сарфлаб иқтисодий натижа олиш инвестиция фаолиятининг ўзидир.

Инвестицион босқич – инвестициялар ажратиш, капитал қуйилмалар(ҳаражатлар) бериш инвестициялар ҳаракатининг бир босқичидир, ҳолос. Ўзгаришлар занжиридаги кейинги элемент инвестициялар ажратишнинг капитал бойликлар билан ифодаланган натижаси, самарасидир.

Шундай қилиб, капитал бойликларнинг шаклланиши инвестицион капитал ҳаракатининг проварди, яъни, унинг янги истеъмол қийматларини яратиш учун тайёр булган ишлаб чиқариш омилларига айланишидир. Инвестициялар ажратиш босқичлари ҳаракатининг йигиндисиди барча инвесторларнинг инвестицион фаолиятини ташкил этади.

Инвестицион фаолиятнинг ташаббускорлари бўлиб инвесторлар майдонга чиқади. Инвесторлар ўзлари қиладиган ва қарзга олинган мулккий ва ақлий қадриятларни тадбиркорлик ишларига ишлатиш тўғрисида қарорга қелган инвестицион фаолият субъектларидир. Инвесторлар ўлуш қушувчилар, қредиторлар, ҳаридоалар ролида майдонга чиқади. Шунингдек, инвестицион фаолиятнинг бошқа қатнашчилар вазифасини бажаришлари мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инвестицион фаолият қуйидаги йуллар билан амалга оширилади:

- Жисмоний шахслар, давлатга қарашли булмаган қорхоналар, ҳужалиқ уюшмалари, жамият ширкатлари шунингдек, жамоат ташкилотлари ва юридик шахслар томонидан маблағлар ажратиш йули билан;
- Давлат томонидан маблағлар ажратиш йули билан, айна вақтда бу ишни ҳукумат ва бошқарув органлари инвестицион ва ссуда ресурсларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида давлатнинг инвестицион фаолиятдаги роли асосан фан-техника таракқиётини рағбатлантириш малақали ишчи қучини етиштириб бериш, ишлаб чиқариш инфраструктурасига ажратиш сингари қиммат турадиган жараёнларга давлат сектори бюджетидан етарли маблағ бериш билан қекланиши қерак. Бундан ташқари иқтисодий мустаҳкамликни таъминлаш ва фан-техника таракқиётини тезлаштириш жамоат ишлаб чиқариш соҳаларини соғломлаштириш, қолоқ районлар ижтимоий инфраструктурасини индустрлаш

хамда яхшилаш мақсадларида иқтисодийни устивор соҳалари давлат томонидан ссудалар ва субсидиялар кўринишида ёрдам бериши мумкин;

- Чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлат томонидан чет эл инвестициялари бериш йули билан;

- Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига, бекаму-куст ҳужалик юритиш ёки оператив равишда бошқариш ҳуқуқига, шунингдек, даромадлар манбаига жамғармаларга эга бўлган ва қарзга бериладиган ҳамда жалб этиладиган маблағлашларни олиш ҳуқуқидан фойдалана оладиган ва чет эл фуқаролари, юридик шахслари, шунингдек ажнабий давлатлар ажратиш йули билан;

Инвестор инвестиция объектлари ва натижаларига, жумладан риинвестициялар ва савдо ишларига эгалик қилиш ва уларни уз ихтиёридан киритиши ҳуқуқига эгадирлир. Инвестицион фаолият объектларининг узаро муносабатлари, шартномалар билан тартибга солинади.

Инвестицион фаолиятни маблағ билан таъминлаш жуда ҳар хил маблағлар ҳисобига амалга оширилади:

узига қарашли ва жалб этилган маблағлар, белгиланган тартибда чиқарилган қимматбаҳо қозғалар, заёмлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон хорижий инвестицияни қайси турини қупрок жалб қилиши қерак деган савол тугилади. Аввало, биз бугунги кунда хорижий моддий инвестиция узлаштиришимиз зарур. Бу бизга янги технологиялар «ноу-хау» ва бошқа асосий ишлаб чиқариш фондларини жалб қилиш дегани. Бу турдаги хорижий инвестицияни жалб қилиш ҳисобига қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

- Асосий ишлаб чиқариш ҳисобига фонд қайтими кўрсаткичи ошади;

- Асосий ишлаб чиқариш узиши бюджет тушумини оширади;

- Асосий ишлаб чиқариш узиши ишсизликни қамайтиради;

- Ва ниҳоят республикада аҳолини импорт товарлар ва хизматларга бўлган талаби қондирилишига қисман эришилади Давлат энг қеракли товарлар импортини валюта билан таъмиламоқда. Бирок бу уз ўрнида бизни валюта захирамизни қамайтиради ва қарзни оширади.

Уз ўрнида агар инвестицион муҳит ёмон бўлса, инвестиция қушни давлатларга оқади. Демак, биз инвестицион муҳитга қатта эътибор беришимиз қерак.

Чет эл инвестициялари нуқтаи назаридан инвестицион муҳитга таъсир кўрсатадиган асосий омил бўлиб республикадаги иқтисодий сиёсий барқарорлик ҳисобланади.

Республикада кечаётган мана шу сиёсий ва иқтисодий барқарорлик туфайли қиска вақт ичида қупгина аниқроғи 3200 дан ошиқ қушма қорхоналар ташкил этилди Бугун Ўзбекистонда қушма қорхоналар учун солиқ имтиёзлари ҳам берилган. Буларнинг барчаси инвестицион муҳитни яхшиламоқда.

2. Инвестицияни баҳолаш усуллари

Мазкур қисмда айтилиши мумкин бўлган фикрни энг муҳим шаклда қискача қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин – агар олинадиган даромадларнинг умумий суммаси қилинадиган қаражатларнинг умумий суммасидан ортиқ бўладиган бўлса инвестицион қарорларнинг бир неча муқобил вариантларидан энг юқори рентабеллигини(самарадорлигини) танлаш зарур. Албатта, шу қоидага амал қилиб инвестицион қарорлар қабул қилинаётган пайтда яна қуйидаги жихатларга ҳам эътибор бериш қерак. Қоплаш муқддатини, риск қаражасини, қутилаётган инфляция суръатларини ва солиққа қортиш истикболларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни

самарадорлигини аниклаш, яъни маблаглар сарфини бундан яхшироқ ёки фойдалироқ йулини топиш. Инвестицион фаолиятга тегишли қарорларни қабул қилишда амалиётда синовдан ўтган қуйидаги муҳим қоидаларга риоя қилинади:

1. Пулни банкда сақлагандан кўра қуноқ фойда (солиқлар чегирилган ҳолда) олиш имкони бўлса, маблагларни ишлаб чиқаришга, қимматбаҳо қозғаларга ва бошқаларга инвестициялаштириш ўз маъносига эга бўлади.
2. Инвестицияларнинг рентабеллик даражаси инфляция суръатларидан юқори бўлган тақдирдагина маблагларни инвестициялаштириш ўз маъносига эгадир.
3. Дисконтлаштириш ҳам ҳисобга олинган ҳолда энг юқори рентабеллик даражасига эга бўлган лойиҳаларга маблагларни инвестициялаш ўз маъносига эга.

Биринчи қоиданинг маъноси шундан иборатки муайян маблагга эгалик қилувчилар ўз пулларни банкда сақлагани учун 10% ли ставка бўйича фойда олади, агар уни ишлаб чиқаришга ёки шу каби йўналишларни бирон бир турига сарфласа 20% ли қайтим билан фойда олади. Демак, маблаг сарфини иккинчи йўналиши самарали ҳисобланади.

Инвестицион қарорлар баҳоланаётган пайтда инфляция ҳам ҳисобга олиниши керак. Мисол учун, маблаг эгаси ҳужалик қўрилишига 50000 сум сарф қилмоқчи.

Агар мулжалланаётган инфляциянинг йиллик суръати 8% ни таъкил этса, у ҳолда йиллик фойда 40000 сумдан юқурироқ суммани таъкил этган тақдирдагина сарфланган инвестиция мақсадга мувофиқ бўлади. ($8\% \cdot 500 : 100 = 40$)

Инвестицион жараён юқорида таъкидланганидаек, ҳар доим риск билан қамбарчас боғланган. Чунки, вақт ноаниқликни қучайтиради ва харажатларни қоплашнинг муқдатлари қанчалик узок бўлса, инвестицион лойиҳа шунчалик рисклироқ бўлади. Шунинг учун ҳам инвестицион қарорлар қабул қилинаётган пайтда молиявий менежер харажатлар, тушум, фойда ва у ёки бу инвестицион лойиҳанинг роеализация қилинишидан эришилиши лозим бўлган иқтисодий рентабеллик баҳоланаётган пайтда, албатта вақтий ўзгаришларни инобатга олмоғи лозим. Ана шу нарса дисконтлаштириш дейилади ва, одатда, бир неча муқобил вариантларда амалга оширилади.

Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши мумкин бўлган (қутилаётган) суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муқдатда жамланган даромадни айириш керак.

Фикримизни қуйидаги мисол билан ифодалаймиз:

Агар тақдиркор йиллик 10% даромад олишни мулжаллаб, бугун 200 минг сумни инвестициялаган бўлса, 1 йилдан сунг

$$200000 \cdot (100\% + 10\%) : 100 = 220000$$

$$200000 \cdot (1.0 + 0.1) = 220000$$

сумга эга бўлади. Икки йилдан кейин эса, маблагимиз

$$220000 \cdot (1.0 + 0.1) = 242000$$

сумга тенг, ва ҳоказо.

Навбатдаги даврларда янада купрок даромад олиш учун сармоя билан биргаликда унинг даромадини ҳам реинвестициялаштириш жараёни фоизларини жамлаш(куйиш) дейилади ва уни куйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$KK=BK(1+\Phi)^C$, бунда:

KK—келажакда тушадиган пул суммаси;

BK—бошлангич(жорий) киймати;

Φ—фоиз ставкаси ёки даромадлилик меъёри;

C—даромадларнинг жамланиши амалга ошириладиган йиллар сони.

Келгуси пул суммаси ва фоиз ставкаси(бизнинг мисолимизда 10%) белгиланилган ҳолда юқоридаги формуладан фойдаланиб, уша пул суммасининг ҳозирги кийматини аниклаш мумкин:

$$BK=KK/(1+\Phi)^C=242000/(1+0.1)^2=200000$$

Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси кийматини баҳолашда, қимматбаҳо коғозларни кийматини аниклашда, банк, сугурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда кенг қулланиши лозим. Мисол учун, тадбиркорга 3 йилдан сунг 100000 сум зарур бўлсин. Шу мақсадда, тадбиркор 3 йилдан кейин узиладиган(кайтариладиган) ва умумий киймати 100000 сумдан иборат бўлган облигацияларни сотиб олиш истагини билдирди. Шу облигациялар бўйича йиллик даромад даражаси 9% ни ташкил этсин.

Ана шуларга асосланган ҳолда «биз уша облигациялар учун ҳозир(бугун) қанча тулаш керак?»—деган саволга жавоб беришимиз мумкин.

$$BK=100000:(1+0.09)^3=100000:1.295=77220 \text{ сум}$$

Мазкур айтиб утилган 3 асосий қоида билан ҳолда энди инвестицион лойиҳани танлаш бўйича аниқ бир мисол билан танишиб чиқайлик. Бу мисолнинг кизиқарли ва диққатга сазовор эканлигини шундаки, таклиф этилаётган ҳар иккала муқобил вариант биринчи икки қоида нуктаи назаридан фойдасиздир. Лекин шундай бўлишига қарамадан молиявий менежер томонидан рад этилмаётир. Шундай қилиб, тадбиркор «Z» йуналишидаги маҳсулот турини ишлаб чиқариш учун қорхона маблағларини инвестиция қилмоқчи. Лекин, унинг олдига 2 лойиҳа мавжуд. (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотларга уз муносабатимизни куйидаги кетма-кетликлар тартибидан билдиришга ҳаракат қиламиз:

1. Инвестицияларнинг ўртача йиллик рентабеллик даражасини банк кредитининг ўртача фоиз ставкаси билан таққослаймиз;

Ҳар иккала лойиҳаларга нисбатан маблағларни банкда сақлаш фойдалироқдир. Лекин «Б» лойиҳа бўйича қулдан чиқарилган афзалликлар нисбатан қамроқдир. Шу нуктаи назардан олиб қаралганда «Б» лойиҳа(фойдалилик нуктаи назаридан) ҳозирча ютуқли ҳолатдир.

2. Лойиҳаларни инфляцион зарарлардан(йўқотмалардан) сугурталанганлик(ҳимояланганлик) нуктаи назаридан таққослаймиз;

1-жадвал

Таклиф этилаётган лойиҳаларга тегишли бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	«А» лойиҳа	«Б» лойиҳа
1	2	3
1.Инвестициялар, минг сум;	600	650

2. Тушум, минг сум		
1-йилда	270	400
2-йилда	200	350
3-йилда	120	100
4-йилда	90	50
5-йилда	70	0
жами 5йилда	750	900
3. Фойда, минг сум	150	250
4. Ўртача йиллик фойда, минг сум	30	50
5. Инвестицияларнинг 5 йиллик рентабеллиги, %	25	38
6. Инвестицияларнинг ўртача йиллик рентабеллиги, %	5	7.6
7. Инфляциянинг режаланштирилаётган(кузда тутилаётган) ўртача йиллик суръатлари, %	4	4
8. Банк кредити фоизининг ўртача йиллик ставкаси	10	10

Ҳар иккала лойиҳаларнинг ўртача йиллик рентабеллик даражаси инвестициянинг усиш суръатларидан юқорирокдир. Лекин «Б» лойиҳа буйича бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарк $(7.6\% - 4.0\% = 3.6\%)$ «А» лойиҳа буйича худди шу кўрсаткичлар ўртасидаги фаркдан $(5.0\% - 4.0\% = 1.0\%)$ каттарокдир. Бу нарса, уз навтбатида, масалани(танлашни) «Б» лойиҳа фойдасига ҳал этилишини такозо этади.

3. Инвестицияларнинг копланиш муддатларини (даврларини) таккослаймиз;

Шубҳасиз, «Б» лойиҳа буйича инвестициялар тезрок копланади. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, лойиҳаларнинг копланиш муддатлари жихатдан таккослаш куйилмалар самарадорлиги атрофлича таҳлил килиниши лозим булганда эмас, балки очикдан-очик ёки аник керак булмаган, булмаётган лойиҳаларни тезрок йукка чикариш талаб килингандагина мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли, таккослашларимизни давом эттирамыз.

4. Талаб килинаётган инвестицияларнинг хажми ёки микдорларини такколаймиз;

«Б» лойиҳа «А» лойиҳага нисбатан 50 минг сум кимматдир. Уз навбатида, бу нарса молиялаштиришда маълум кийинчиликларни тугдириши мумкин.

5. Лойиҳаларни тушумларнинг баркарорлиги нуктаи назаридан таккослаймиз.

«А» лойиҳа маблаглар окимининг 5 йил давомида давом этишини, «Б» лойиҳа эса – факат 4 йил давом этишини таъминлайди. Шу билан биргаликда «Б» лойиҳа буйича тушумнинг асосий кисми биринчи икки йилда тушаётир, сунг кескин камайиш содир булаётир ва 5-йилда эса тушум «0» га тенг . Шу ўринда биз учун нима мухимрок: 5 йил давомида у ёки бу даражадаги баркарор пул маблагларининг окиб келишими ёки биринчи 2-3 йил давомида пул маблаглари асосий кисмининг йигилишими? Узимиз учун бу саволга жавоб берамиз ва киёслашни давом эттирамыз.

6. Бутун 5 йил давомидв инвестицияларнинг рентабеллигини таккослаймиз;

Бу ўринда «Б» лойиҳа маълум афзалликларга эга. Лекин биз ҳали вақт омилини инобатга олганимиз йук. Дисконтлаштиришни амалга оширмок керак.

7. Дисконтлаштиришни хисобга олган ҳолда бутун 5 йил учун инвестицияларнинг рентабеллигини киёслаймиз;

Бунинг асоси сифатида йиллик банк кредити фоиз ставкасининг даражасини 10% деб оламиз(2 -жадвалга қаранг)

Юқорида келтирилган маълумотларга ва хулосаюарга асосланган ҳолда инвестицион қарорлар қабул қилишнинг асосий ва бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлган қуйидаги мезонларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Янада фойдалироқ альтернатив вариантнинг йук эканлиги;

2-жадвал

Вақт омилини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалар иктисодий рентабеллигини аниқлаш.

		«А» лойиҳа	«Б» лойиҳа	
	Дисконтлаштирилгунча	Дисконтлаштирилгандан сунг	Дисконтлаштирилгунча	Дисконтлаштирилгандан сунг
1	2	3	4	5
1.Инвестициялар, минг сум	600	600	650	650
3. Тушум, минг сум				
1-йил				
2-йил	270	$270:(1+0.1)=245.5$	400	$400:(1+0.1)=363$
3-йил	200	$200:(1+0.1)=165.3$	350	.6
4-йил	120	$120:(1+0.1)=90.2$	100	$350:(1+0.1)=289$
5-йил	90	$90:(1+0.1)=61.5$	50	.3
	70	$70:(1+0.1)=43.8$	0	$100:(1+0.1)=75.2$
				$50:(1+0.1)=34.2$
				0
Жами тушум, минг сум	750	606.3	900	762.3
3. Фойда, минг сум	150	$606.3-600.0=6.3$	250	$762.3-650.0=112.3$
4.Дисконтлаштирилгандан сунг лойиҳанинг иктисодий рентабеллиги $6.3*100\%:600=1.05\%$			$112.3*100\%:650=17.3$	

2. Инфляциядан кузда тутилиши мумкин булган зарарлар(йукотмалар) рискени минималлаштириш;
3. Ҳаражатлар копланиш муддатининг кискалилиги;
4. Лойиҳанинг арзонлиги;
5. Тушумнинг баркарорлигини таъминлаш;
6. Юкори даражадаги рентабеллик;
7. Дисконтлаштирилгандан сунг рентабелликнинг юкори даражалиги;

Ана шу мезонлар тупламидан фойдаланиб ва уларни бир-бирлари билан бир неча вариантларда комбинациялаштириб молиявий менежер у ёки бу лойиҳанинг фойдасига уз танловини эълон қилиши мумкин. Шундай булишига қарамасдан, у томонидан қайси вариантни танланиши қўп жихатдан қорхона учун шу кунда энг асосий булган мезонни субъектив равишда танлаш билан боғлиқдир. Агар молиявий менежернинг фикрича, қорхонанинг стратегиясига қамтарона, лекин узок муддат давомида барқарор тушумга эга булиш тўғриси келса, у ҳолда «А» лойиҳани танлайди. Аксинча, қорхона учун асосий мезон лойиҳанинг фойдалилиги булса, молиявий менежер, албатта, «Б» лойиҳани танлаши турган гап.

Шундай қилиб, юкридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, инвестицион портфелни шакллантиришда факат энг юкори фойдали ва энг паст рискли лойиҳаларнигина танлашга эътибор бериб қолмасдан, балки қорхонанинг стратегик линиясига энг яхши мос келувчи лойиҳага ҳам алоҳида эътибор берилмоғи керак.

3.Ишлаб чиқариш инвестициясининг таҳлили.

Маҳсулот ишлаб чикаришнинг критик хажм даражасини куйидаги мисол асосида аниклаш мумкин.

2-жадвал

Маҳсулот ишлаб чикариш критик хажм даражасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Суммаси
Маҳсулот бирлигининг баҳоси	500
Жами узгармас харажатлар	100000
Маҳсулот бирлига тўғри келадиган узгарувчанг харажатлар	300

АНИКЛАШ КЕРАК

Критик хажм даражасини

-киймат ифодаси-?

-микдор ифодаси -?

$$\text{Критик хажм даражаси} = \frac{\text{Жами узгармас харажатлар}}{\text{бирликка узгарувчан харажат}} \cdot \frac{\text{бирлик баҳоси}}{6}.$$

Юқоридаги белгилашлардан критик хажм даражаасини аниклаш мумкин.

$$\text{Критик хажм} = \frac{100000}{\frac{7 \cdot 500}{300}} = 250000 \text{ сум}$$

Критик хажм даражасининг киймат ифодасини унинг бирлик баҳосига бўлиш асосида критик хажм даражасида маҳсулот миқдорини аниклаш мумкин.

$$\text{Критик хажм} = \frac{250000}{500} = 500 \text{ дон}$$

Унинг узгаришини бевосита юқоридаги формула асосида узаро боғланишларда аниклаш мумкин.

3-жадвал

Маҳсулот сотишдан олинган фойда унинг узгаришини омилли таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот утган таннархида	йили йили	ҳисобот йили
1	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	145216	196540		215987
2	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	110364	152340		170629
3	Маҳсулот сотишдан олинган фойда	+34852	+44200		+45358

$$\text{Фойда узгариши} = 45358 - 34364 = +10506$$

Фойда ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар

8. Маҳсулот хажмининг узгариши

$$196540/145216 \cdot 100 = 135,3$$

$$135,3 \cdot 34852 / 100 = 47154 - 34852 = +12302 \text{ минг сум.}$$

2. Маҳсулотлар баҳосининг узгариши

$$215987 - 196540 = +19447$$

3. Ишлаб чиқариш таннарининг узгариши

$$170629 - 152340 = -18289$$

Ассортимент ва структура узгариши ҳамда бошқа омиллар

$$+12302 + 19447 + (-18289) = +13460 - 10506 = -2954 \text{ минг сум}$$

5. Давр харажатларининг таҳлили

Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хужалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин.

-Сотиш харажатлари

-Маъмурий харажатлар

-Бошқа умумхужалик харажатлари

Сотиш харажатлари «Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархига киритилмайдиган харажатлар, Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартиблашни ва тўғридан тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жунатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни уз ичига олади.

Сотиш харажатларни иш хақи харажатлари, иш хақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркиблаш ва таҳлил этиш мумкин.

Сотиш харажатларининг қопланиши корхонанинг дастлаб ҳисоб фойдасидан амалга оширилади.

Маъмурий харажатлар каторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидagi салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппарати хизмати харажатларидир.

Бошқа умумхужалик харажатлари каторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, узлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йулга қуйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

4-жадвал

Давр харажатлари таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил		ҳисобот йили		фарқи	
		сумма	фоиз	сумма	фоиз	сумма	фоиз
	Сотиш харажатлари	1541	72,8	1926	72,4	385	-0,4
	Маъмурий харажатлар	452	21,4	558	21,0	106	-0,4
	Бошқа умумхужалик харажатлари	123	5,8	177	6,6	54	+0,8
	Жами давр харажатлари	2116	100	2661	100	545	х

Хулоса: Корхона давр харажатлари утган йилнинг шу даврига нисбатан +545 минг сумга усган. Жумладан Сотиш харажатлари бўйича мутлақ узғариш +385 минг сумни, маъмурий харажатларнинг узғариши +106 минг сумни ташкил этган.

6. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромад ва харажатлар таҳлили.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йукотишлари таҳлил этилди. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар қупинча операцион даромадлар ва

харажатлар деб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар каторига бошка сотишлардан олинган даромадлар еки улар буйича йукотишлар киради.

Масалан асосий воситаларни ҳисобдан чикариш ва сотишдан олинган даромадлар, бошка активларни сотишдан олинган даромадлар ва х.к.

7. Операцион жараенлардан олинган даромадлар ва йукотишлар таҳлили.

Операцион жараенлардан олинган даромадалар каторига корхонанинг асосий ишлаб чикариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чикариш ва сотишдан ташкари фаолиятидан олинадиган даромадлар киритилади Улар буйича харажатлар ва даромадлар катори аълохида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар узининг соф киймати буйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараенлардан олинган даромадлар улар буйича харажатлар кийматига фаркланган ҳолда ҳисоботга фойда еки зарар каторига туширилади.

Бошка сотишларо буйича республика солик кодексига мувофик алохида соликлар тулови кулланилади. Шунингдек маҳсулот иш ва хизматларни сотишга соликлар даромад еки тушумларнинг бу катори буйича ҳам амал этади. Бошка сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан соф тушумни аниклашдаги каби услубий боғланишга эга.

Операцион жараенлардан даромадлар каторига куйидагиларни киритиш мумкин. Корхонада ортикча саналган еки фойдаланишсиз турган асоси йвоситаларни сотишдан олинган натижа, уларни ҳисобдан чикаришдан олинган натижа, номоддий активларни ҳисобдан чикариш ва сотишдан олинган натижа, капитал куйилмалар буйича натижа, узок муддатли ишлатишга олинган, лизинг кулловидан даромадлар, кимматли кагозларни сотишдан олинган даромадлар, кам баҳоли тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган даромадлар, материал ва хом ашеларни сотишдан олинган даромадлар, валюта маблагларини сотишдан олинган даромадлар, улар буйича сарфлар ва йукотишларни уз ичига олади.

5-жадвал

Операцион даромадлар ва харажатлар таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил		ҳисобот йили		Фарқи	
		фойда	зарар	Фойда	зарар	Фойда	зарар
1	Асосий воситаларни сотишдан олинган натижа	123	-	234	-	+111	-
2	Кам баҳоли тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган натижа		21	32	-	+32	21
3	Валюта маблагларини сотишдан олинган натижа	154	-	78	-	-76	-
4	Мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган натижа	276	-	180	-	-96	-
5	Материалларни сотишдан олинган натижа	145	-	90	-	-55	-
6	Кимматли кагозларни сотишдан олинган натижа	34	-	65	-	+31	-
7	Номоддий активларни сотишдан олинган натижа	-	-	34	-	+34	-
Жамиси		732	21	713	-	-19	-21

Хулоса Корхонада операцион жараенлардан олинган фойда суммаси утган йилнинг шу даврига нисбатан 19 минг сумга камайган. Жорий даврда операцион жараенлардан олинган зарар суммаси булмаган. Корхона узида ортикча булган асосий воситаларни сотишдан 111 минг сум даражасида фойда усишига эришган колган барча кўрсаткичлар буйича олдинги йилга нисбатан камайиш руй берган. Шунинг дек кимматли кагозлар ва номоддий активларни сотишдан олинган фойда суммаси хам олдинги йилга нисбатан бир кадар усишига эришилган.

7. Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва йукотишлар таҳлили.

Молиявий фаолиятдан олинган натижа корхона фаолият натижавийлигининг аълохида ҳисоб катори сифатида таркибланади ва таҳлил этилади. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар корхонанинг фонд бозори, молия бозоридаги фаолиятидан келадиган натижаларни уз ичига олади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар катори маҳсулот иш ваа хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар, маҳсулот иш ва хизматаларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ таркибланади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг корхоналарнинг жами ҳисоб фойдаси таркибидаги салмоги сунги йилларда бир кадар усиб бормокда. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар каторига куйидагиларни киритиш мумкин. Масалан бошка корхоналар фаолиятида хиссали катнашишдан олинган даромадлар, валюта маблағларининг курс узгаришидан олинган даромадлар, бошка корхоналарга, шуъба, ассосацияланган корхоналарга берилган карзлар буйича олинган даромадалар, фоизлар буйича олинган ва туланган даромадлар, акцилар буйича олинган дивидендлар суммаси ва х.к.

Таҳлилда уларнинг режага ва утган йилларга нисбатан узгаришларига мутлак ва нисбий узгаришларига баҳо берилади унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб катор буйича аълохида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур булган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг каторлари буйича берилган изохлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг куйидаги каторлари таркибланган.

-Шуъба ва ассосацияланган корхоналардан олинган дивидендлар

-Бошка олинган дивидендлар

-Шуъба ва ассосацияланган корхоналарга берилган ва олинган карзлар буйича фоизлар.

-Бошка олинган ва берилган карзлар буйича фоизлар.

-Валюта курсининг узгаришидан фарклар.

-Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар ва йукотишлар.

Хулоса(6-жадвал). Корхона молиявий фаолиятдан олинган фойда утган йилнинг шу даврига нисбатан +53 минг сумга усган. Зарар суммаси эса 22 минг сумга ортган. Молиявий фаолиятдан олинган соф натижа утган йил 84 минг сумни ташкил этган ҳолда ҳисобот йили 115 минг сумни ташкил қилган.

6-жадвал

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва йукотишлар таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил		ҳисобот йили		Фарқи	
		фойда	зарар	фойда	зарар	фойда	Зарар
1	Шуъба ва ассоцияланган корхоналардан олинган дивидендлар	23	-	34	-	+11	-
2	Бошка олинган дивидендлар	12	-	-	-	-12	-
3	Шуъба ва ассоцияланган корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фойзалар.	14	-	21	-	+7	-
4	Бошка олинган ва берилган қарзлар бўйича фойзалар.	-	43	-	65	-	+22
5	Валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар.	56	-	78	-	+22	-
6	Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар ва йукотишлар.	22	-	47	-	+25	-
	ЖАМИСИ	127	43	180	65	+53	+22

8. Фавкулудда фойда ва зарарлар таҳлили

Фавкулудда фойда ва зарарлар молиявий натижавийликнинг учинчи таркиб катори ҳисобланади унинг каторига бевосита тасоддий ҳолатлардан қўриладиган натижалар киритилади. Масалан Сув тошқини еки ер қимирлаши, енгин оқибатида, буронлар оқибатида еки бошка табиат ҳодисалари асосида рўй берадиган йукотишлар киритилади. Фавкулудда фойда еки даромадлар каторига киритилган еки зарарлар каторига киритилган аълоҳида моддалар маҳсулот иш ва хизматлар таннарига киритилган маҳсулот иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисидаги Низомда аниқ кўрсатилмаган.

Уларнинг факат битта шарт умумий Низомда белгиланган. Яъни яқин уч йиллик оралиқда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинган даромадлар еки фойда суммаси корхона учун қўрилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Қўрилмаган еки фавкулудда ҳолатлардан олинган даромадлар еки улар бўйича йукотишлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг аълоҳида таркиб катори сифатида белгиланган.

Уларни корхонада режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни фавкулудда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган каторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоғи сезиларга таъсирга эга эмас.

9. Корхона ҳисоб фойдаси (солиқ туловига қадар фойда) таҳлили

Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритиладиган каторлар тўғрисида юқорида кенгрок тухталган эдик. Яъни корхона ҳисоб фойдаси асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган натижа, молиявий фаолиятдан натижа, ғавқулдда фаолиятдан еки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр буйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аникланади. Корхона ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий катор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни буйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу коида асосида тузилади.

Корхона ҳисоб фойдаси еки солиқ туловига кадар булган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошка фойдадан солиқлар, туовлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр буйича соф фойда (зарар) суммаси аникланади. Республика солиқ конунчилигига мувофик барча хужалик ҳисобидаги корхоналар даромад солиги туловчила ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи буйича доимий ва вақтинчалик имтиезлар белгиланган.

Бошка солиқли туовлар каторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ кумитаси тамонидан белгиланади. Ягона солиқ туловига утган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан катъий ставкаларда ҳисобланади ва туланади.

7-Жадвал

Солиқ туловига кадар фойда ва унинг омилли таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот йили	фарқи
1	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан	4597	3726	-871
2	Умумхужалик фаолиятидан	4611	3738	-873
3	Солиқ туловига кадар фойда	4611	3738	-873

Хулоса; Корхона солиқ туловига кадар булган фойда суммаси утган йилга нисбатан 873 минг сумга камайган. Бу узгариш асосан асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда суммасининг 871 минг сумга камайиши натижасида руй берган

10. Соф фойда ва унинг узгаришини омилли таҳлили.

8-жадвал

Соф фойда ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	+1254	+2541	+1287
2	Давр харажатлари	-254	-325	-71
3	Асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан даромад ва йукотишлар	+215	-123	-338
4	Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	+89	+126	+37
5	Ғавқулдда фойда ва зарарлар	-	-21	-21
6	Солиқлар	-241	-321	-81
7	Соф фойда	+1063	+1877	+814

Хулоса; Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки корхона соф фойданинг утган йилга нисбатан узгариши +814 минг сумни ташкил этган.

Унинг узгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарк каторига караб баҳолаш мумкин. Масалан маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг утган йилга нисбатан 1287 минг сумга ушиб соф фойда суммасининг шунча узгаришига олиб келган. Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошка жараенларидан олинган зарарлар суммасининг, фавкулудда зарарлар суммасининг, фойдадан соликлар суммасининг утган йилларга нисбатан ушиб натижасида корхона соф фойдасиутган йилга нисбатан 511 минг сумга камайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси утган йилга нисбатан 814 минг сумга ушиб эришилган. Демак корхонада фойдани устириш юзасидан 511 минг сумлик ички резерв мавзуд дейиш мумкин. Агар корхона ушбу каторлар буйича узининг олдинги йил кўрсаткичларини саклаганда эди яна кушимча тарзда шунча фойа олиши мумкин эди.

11. Рентабеллик ва унинг кўрсаткичлар тизими.

Корхона фаолият натижавийлиги баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб килинади. Бу бевосита мулкнинг шакли буйича даромадаларнинг юзага чиқиш ўрни еки базаси буйича, фойданинг узгаришига таъсир этувчи бирликлар буйича еки мустикал бирликлар буйича аникланиши мумкин.

Рентабелликнинг халқ хужалигида куйидаги турлари аникланади.

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик соф фойда

$$P = \frac{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}}{\text{Соф фойда}} \times 100\%$$

Ишлаб чиқариш харажатлари

Ушбу кўрсаткич бир сумлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

9. Асосий воситалар рентабеллиги

Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сумлик еки минг сумлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик кийматиға булиш асосида аникланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик киймати}} \times 100\%$$

Асосий воситаларнинг ўртача йиллик киймати

3. Сотиш буйича рентабеллик . Сотиш буйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумға булиш асосида аникланади. Яъни

Сотишдан олинган фойда

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

Сотишдан олинган тушум суммаси

1. Оборот активлар рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сумига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди.

Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик кийматиға булиш асосида аникланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик киймати}} \times 100\%$$

Оборот активлар ўртача йиллик киймати

2. Жами мулк рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сумлик мулкка тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

3. Уз маблаглари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхонанинг узига тегишли булган маблагларнинг фойдалилик даражасини характерлайди.

Корхона соф фойдасини унинг узлик маблаглари манбаига булиш асосида узлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона узлик маблаглари}} \times 100\%$$

4. Карз маблаглари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини карзга олинган маблагларига нисбати асосида аникланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сумлик карз маблагига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Карз маблаглари жами}} \times 100\%$$

8. Асосий воситалар ва моддий оборот маблаглари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблаглари ўртача йиллик кийматига булиш асосида аникланади. У ҳар бир сумлик асосий ва оборот маблагига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблаглари ўрт.йил. кийм.}} \times 100\%$$

9-жадвал

Рентабеллик таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Утган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум	125987	152485	+26498
2	Сотилган маҳсулот таннари	102574	135425	+32851
3	Сотишдан олинган фойда	23413	17060	-6353
4	Соф фойда	2589	3125	+5365
4	Асосий воситалар ўртача йиллик киймати	5213	5632	+419
5	Оборот маблаглари ўртача йиллик киймати	8752	9521	+769
6	Корхона мулки	15562	17892	+4330
7	Узлик маблаглари	8542	8965	+423
8	Карз маблаглари	2546	3212	+670
9	Маҳсулот рентабеллиги	18,6	11,2	-7,4
10	Асосий воситалар рентабеллиги	49,6	55,4	+5,8
11	Оборот маблаглар рентабеллиги	29,6	32,8	+3,2
12	Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги	22,8	12,6	-10,2
13	Уз маблаглари рентабеллиги	30,3	34,8	+4,5
14	Жами мулкка нисбатан рентабеллик	16,6	17,5	+0,9
15	Умумий рентабеллик	18,5	20,6	+2,1
16	Карз маблаглари рентабеллиги	101,7	97,2	-4,5

Хулоса; Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки корхонада рентабеллик кўрсаткичлари утган йилга нисбатан бир қадар усган. Факат маҳсулот рентабеллиги, ишлаб чиқариш таннари ва қарз маблағаларига нисбатан рентабеллик кўрсаткичлари бўйича утган йилга нисбатан пасайиш кузатилган.

Асосий воситалар рентабеллиги 5,8 % га, оборот активлари рентабеллиги (моддий) 3,2 % га, уз маблағлари рентабеллиги 4,5% га, жами активлар рентабеллиги 0,9% га, умумий рентабеллик 2,1 % га усган.

12. Рентабелликка таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда аълоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик узгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг узгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг узгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг узгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг узгариши, умумий рентабелликка бир сумлик тушумга тўғри келадиган соф фойда суммасининг узгариши, асосий воситалар қайтимининг узгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг узгаришлари таъсир қилади ва х.к.

Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ қўриш мумкин.

10-Жадвал

Асосий воситалар рентабеллиги ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткич	Утган йил	Шартли кўрсаткич	ҳисобот йили	Жами узгариш	Шу жумладан	
					Фойда ҳисоби-га	Асосий воситалар қийматининг узгариши ҳисобига
Рентабеллик	49,6	59,9	55,4	+5,8	+10,3	-4,5

Корхонада асосий воситалар рентабеллиги утган йилга нисбатан 5,8 фоизга усган. Бу узгариш қуйидаги омиллар ҳисобига қўй берган. Фойда суммасининг узгариши ҳисобига асосий воситалар рентабеллиги +10,3 фоизга усган. Лекин асосий воситалар йиллик ўртача йиллик қийматининг узгариши ҳисобига рентабеллик -4,5 фоизга қамайган.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Бухгалтерия балансини таҳлил этишдан мақсад.

Ташқи фойдаланувчиларни ўзига жалб эттирувчи балансдаги асосий кўрсаткичлар.

Баланс активини бўлиниши:

Асосий воситалар

Оборот актив (моблаё)лари.

Асосий воситалар:

- моддий активлар
- номоддий активлар
- молиявий қўйилмалар (узоқ муддатли).

Оборот активлари:

- захиралар
- пул маблаёлари
- қисқа маддатли молиявий қўйилмалар
- дебиторлик қарзлар.

Баланс активи моддаларини таркиби, тузилиши динамикасини таҳлил этиш услуги.

Баланс пассив қисмини бўлиниши:

- Ўз капитали
- Қарз маблаёлари (мажбуриятлар).

Оборот маблаёлар айланиш тезлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Оборот маблаёларини айрим моддалари бўйича айланиш тезлигини аниқлаш тартиби.

Айланиш даври ўзгаришининг иқтисодий натижаси.

Молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш йўллари.

Молиявий натижалар таҳлилининг мазмуни ва таҳлил вазифалари.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, улар билан қизиқувчиларни жалб этувчи асосий кўрсаткичлар.

Молиявий натижаларни шаклланиши.

Сотишдан қўрилган фойдага таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби.

Давр харажатларини таҳлил этиш услуги.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва тушумлар.

Молиявий фаолиятдан қўрилган фойда (зарар)ларни таҳлил этиш тартиби.

Рентабеллик турлари, уларни моҳияти ва аниқлаш тартиби.

Корхона активи (мол-мулк) рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва унга таъсир этувчи омиллар.

Маҳсулот турлари бўйича рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар.

А) маҳсулот таннари.

Б) маҳсулот бирлигини баҳоси.

Фойда ва рентабелликни ошириш йўллари.

13-Мавзу. Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятининг таҳлили.

Ўрганиладиган саволлар

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий негизлари ва уни Ўзбекистон Республикасида ривожлантириш истиқболлари.
2. Ташқи иқтисодий фаолият таҳлили мазмуни ва моҳияти
- 3.Экспорт операцияларининг таҳлили
- 4.Импорт операцияларининг таҳлили
- 5.Эскорт импорт операцияларидан даромадлар ва харажатлар таҳлили.

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий негизлари ва уни Ўзбекистон Республикасида ривожлантириш истиқболлари.

Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодий ҳаракатда асосий йўналишлардан бири сифатида олинади. Негаки ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчисига айланиш корхоналар фаолиятининг муҳим ва самарали йўналишиларида бири ҳисобланади.Шу жиҳатдан ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашга давлат дастурини тузиб чиқишда ва бу борада иқтисодий ва ҳуқуқий негизларни белгилашга муҳим аҳамият қаратилади.

Мамалакатни иқтисодий ижтимоий ривожлантиришни ташқи иқтисодий фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса уз навбатида фаолиятнинг турли соҳаларида хориж билан олақада ва ҳамкорлик бўлишни, маҳсулот иш ва хизматлар буйича жаҳон бозори аренасига чиқиш ва унда муқим ўрин эгаллашнинг имкон шартларини белгилаб олишни ҳам талаб этади.

Ҳозирги кунда Республикамизда хориж билан иқтисодий алоқаларнинг ривожини ва истиқболини ижобий баҳолаш мумкин. Негаки сўнги 8 йил давомида турли мулк шаклидаги 3500 дан ортиқ қўшма ва ҳамкорликдаги корхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг 1800 дан ортиғи актив иш олиб бормокда.

Ушбу корхоналар асосан республиканинг ички истеъмолига қаратилган. Лекин иқтисодий имкониятларнинг ва ҳуқуқий мезонларнинг имкон шартларидан тула фойдалана олаётганимиз йўқ. Негаки ташкил этилган ва рўйхатга олинган мавжуд 3500 дан ортиқ корхонанинг 40 фоиздан ортиғи ҳали тула ишга туширилганича йўқ. Уларнинг айримлари қайта расмийлаштириш ва фаолият шаклини ўзгаришда, айримлар ҳали ўз фаолиятларини йўлга қўя олганлари йўқ.

Республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш юзасидан тула иқтисодий асосга эга. Лекин бу иқтисодий асосда мақсадли ва келажакни қўлаб қўйилган олаётганимиз йўқ. Негаки Республикамизда ташкил этилаётган асосий қўшма корхоналарни тула қувват даражасида ишлата олмаётимиз.

Аввало иқтисодий имкониятлар деганда нима тушунилади. Иқтисодий имкониятлар шуқи қўшма ва ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйишнинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларига тула эгамиз. Молиявий имконият шуқи Республика ҳар қандай фойдали ва мақсадли лойиҳа учун маблағлар топа олади. Шу жумладан корхоналар ҳам. Улар фаолиятини йўлга қўйишда аввало давлат бош ҳамкор ва қаролат субъекти сифатида чиқмокда. Республикамизга манфаати тегадиган ҳар қандай мақсадли лойиҳа биз учун мақбул ва фойдали саналади. Шу жиҳатдан биз чет эллик ҳамкорларга табиий қазилмаларни қайта ишлашга, хом ашёларимизни қайта ишлашга, оғир саноатни ривожлантиришга биргаликда ҳамкорлик қилишга изн бердик.

Иқтисодий асосларда албатта Республикамизнинг табиий бойликлар бойлигини арзон хом ашё ресурслари захирасининг мавжудлигини ҳам қиритишимиз мумкин. Маълумки Республикамиз аграр республика ҳисобланади. Унда бевосита саноатда қайта

ишланадиган ута муҳим ва қимматли маҳсулотлар яратилади. Мустиқил республикамиз олтин казиб олиш бўйича дунда 5 ўринда, пахта ҳам ашеси бўйича 3 ўринда туради. Пахта бўйича йиллик ялпи ҳосили 3,6, 3,7 млн тоннани ташкил этади. Бундан бевосита тола шаклида 1,7-1,8 млн тонна тола ажратилади. Бугунги кунда қайта ишланган пахта толасининг асосий қисми чет элга сотилмоқда. Республикани иқтисодий ривожлантириш истикболларида пахтани ҳам аше сифатида сотиш эмас балки уни секин аста тайер маҳсулотлар сифатида сотишга утиш шартлари белгиланган.

Кишлоқ хужалиғи билан боғлиқ булган қора қул тери ва пилланинг сотилишида ҳам бевосита шу жиҳат ҳолатни қўриш мумкин. Яратилган асосий маҳсулот натурал шаклда чет элга сотилмоқда. Ваҳоланки уни қайта ишлаш ва жаҳон андозаларидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни имкони булмапти. Бунинг албатта обектив ва субектив сабабларни санаб утиш мумкин.

Республикамиз замида мавжуд булган табиий ресурслар бўйича шуни тақидлаш лози. Мавжу алюминий захиралари, қимматли тошлар ва металллар захиралари, табиий газ ва маданли рудаларнинг мавжудлиғи ҳам бизни ташки иқтисодий фаолиятни йулга қуйишимизда моддий, иқтисодий асос сифатида олиниши мумкин.

Меҳнат ресурслари бўйича. Республикамизда ҳозирда меҳнат қилиш лаекатида 8 млн га яқин аҳоли мавжуд. Уларнинг ҳам асосий қисми кишлоқ хужалиғида банд. Мавжуд меҳнат ресурсларининг деярлик 60 фоизга яқини кишлоқ хужалиғи ва унга хизмат қўрсатувчи соҳоларда банд.

Меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчалиғи нихоятда юқори. Бу эса улардан самарали фойдаланишга катта таъсир утказмоқда.

Меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчалиғи шуни характерлайдики Республикамизда халқ хужалиғида қарағидан ортиқча бандлик мавжуд.

Бу бандлик эса уларнинг сифатига ва қайта тикланишига актив таъсир этмоқда.

Мавжуд меҳнат ресурсларининг ортиқчалиғи эса уларга туланадиган меҳнат ҳақининг еки ишчи қучининг бозор қийматини нихоятда тушириб юборган. Ташки иқтисодий фаолиятда эса меҳнат ресурсларининг арзонлиғи муҳим фактор сифатида олинади.

Ҳуқуқий неғизлар бўйича ҳам албатта ибратли ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Жумладан Республика Олий Мажлиси тамонидан ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ булган қатор ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг халқаро ҳуқуқий нормаларга мослиғини алоҳида тақидлаш лозим. Ушбу қонунда қорхоналарнинг ташки иқтисодий фаолият билан шугулланиш шартлари. Ҳолати ва тартиби белгиланган. Шу билан бирга ҳар бир қорхона албатта мустиқил ташки иқтисодий фаолият билан қонун чегарасида шугулланиши мумкин.

Республикамиз ҳуқумати тамонидан ташки иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва ривожлантириш мақсадида белгиланган қора тадбирлар мақсади ҳам аввало республикамизнинг ташки савдо оборотини яхшилашга унда ижобий фарқланишга чиқишга қаратилган.

Республикамиз президенти тамонидан ташки фаолиятни ривожлантириш қора тадбирлари бўйича қарорлари ва қарорлари мақсади ҳам шунга қаратилган.

Шунинг солиқ қонунчилиғи бўйича ҳам ташки иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларга имтиезли солиқ ставкаларини қуллаш, маҳсулотларнинг назоратдаги қаторлари бўйича имтиез шартлари ва қуллаб имтиезларнинг белгиланиши ҳам ташки иқтисодий фаолиятни йулга қуйишда қул қелмоқда.

Республика ташки иқтисодий фаолиятини йулга қуйишнинг бош шартларидан бири сифатида бевосита мамлакатимиздаги асоишталикни ҳам олишимиз мумкин.

Албатта ташки иқтисодий фаолиятда бўлиш ва ҳамқорликни йулга қуйиш таваққалиқ хисси билан эмас балки олдиндан қухта уйланган ҳолда амалга оширилади. Бу қорада

албатта халкаро бизнес тили булган бухгалтерия хисоби маълумотларига алоҳида аҳамият берилади.

Бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотларини факат чуқур таҳлилий ечимлар асосидагина уқиш ва ўрганиш мумкин. Шу жихатдан ташки иктисодий ҳаракатни белгилашда ва йулга қуйишда таҳлил бизнинг асосий амалий қуролимиз сифатида қаралади.

2. Ташки фаолият таҳлили мазмуни ва моҳияти

Ташки иктисодий фаолият таҳлили иктисодий таҳлилнинг муҳим бўлими сифатида алоҳида ўрганилади. Ташки иктисодий фаолиятда таҳлилни аввало бошқарувнинг ва ҳаракатнинг муҳим шарти сифатида утказамиз. Таҳлил этиш асосида қорхонанинг ташки иктисодий фаолиятини йулга қуйишнинг ташкилий шакллари, маҳсулот иш ва хизматларни экспорти ва импорти узғаришлари, унинг узғаришига таъсир этувчи омилларга, товарлар экспорти ва импортининг тузилишига, товарларни кредит шартларида сотиш ва сотиб олиш, экспорт ва импорт операцияларидан даромадлар ва харажатлар узғаришига баҳо бериш, фойда узғаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, қорхона ташки савдо обороти устириш юзасидан қорхонада мавжуд булган ички имкониятлар ва уларни йулга қуйиш чора тадбирларини белгилаб бериш, ҳамкорликни йулга қуйишнинг техник лоиҳаларини тузиб чиқиш ва йулга қуйиш, қорхона ташки иктисодий фаолиятига қисқача ташхис қуйиш ва шарҳлар бериш ташки иктисодий фаолият таҳлили мазмунинг ташкил этади.

Таққасланувчи муҳим кўрсаткичлар сифатида албатта умумлашган ҳолда қуйидаги иккита кўрсаткич олинади.

1. Экспорт ҳажми
2. Импорт ҳажми

Экспорт операциялари таҳлили буйича ташки савдо обороти буйича сотилган маҳсулот иш ва хизматлар ҳажми ва уларнинг режага еки утган йилларга нисбатан узғаришларига баҳо берилади. Муҳим аҳамият экспорт ҳажмининг таркибига қаратилади.

Импорт ҳажми ва унинг узғаришини омилли таҳлил этиш таҳлилнинг муҳим қатори сифатида қаралади. Бунад экспорт ҳажмининг узғаришига таъсир этувчи микдор ва сифат омиллар ўрганилади.

Микдор омил сифатида микдорий ифодага эга булган кўрсаткич олинади. Сифат омилли сифатида қорхонанинг муҳим иктисодий самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларнинг узғариши олинади.

Импорт операциялари таҳлилида импорт ҳажми буйича режа бажарилиши ва динамикаси, таркиби, тузилиши, импорт операциялари дан даромадлар ва харажатлар, импорт операциялари фойдалилиги, импорт ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлиliga абҳо берилади.

Импорт ҳажмининг узғаришига таъсир этувчи омиллар сифатида импорт қилинган товарлар микдой ҳажмининг узғариш, ҳамда импорт қилинган товарлар баҳосининг узғаришини қиритиш мумкин.

Кредитга олинган товарлар ва уларнинг ялпи импорт ҳажмидаги салмоғига баҳо беришга ҳам таҳлилда муҳим этибор берилади.

3. Экспорт операцияларининг таҳлили

Экспорт операциялари таҳлилида қорхона ташки иктисодий фаолияти буйича савдо обороти еки иш ҳажми узғаришларига таркибли ва умумий асосда баҳо берилади.

Экспорт операцияларини таркибини ўрганишда ялпи экспорт ҳажмида алоҳида олинган товарлар еки товарлар гуруҳининг мутлак ва нисбий даражаларига баҳо берилади. Шунингдек ташки савдо фаолияти бўйича сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар тури бўйича тақсими, ишқи савдонинг мамлакатлар бўйича сотиш ҳажми, регионлар бўйича тақсими (мустақил ҳамдустлик малакатлари, Яқин шарқ мамлакатлари, Европа малкаталари ва) баҳо берилади.

Мухим аҳамият ташки савдо обори бўйича режа топширикларининг бажарилишига қаратилади. Шунингдек ташки савдо обороти бўйича динамик узғаришларга баҳо берилади.

Ташки савдо оборот динамикаси деганда унинг йиллар бўйича усиш даражалари тушунилади.

Ташки савдо оборотининг узғаришига таъсир этувчи омиллар узғаришига таъсир этувчи омилларга муҳим аҳамият берилади ва бу ташки фаолиятни еки ҳаракатни бошқаришда ута муҳим ҳисобланади.

Ташки иқтисодий фаолиятда ташки бозорга сотиилган маҳсулотлар ҳажмининг узғаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Буни бевосита сотилган товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосининг узғариши ва ҳажмининг узғариши бўйича ҳисоб китоб қилиш мумкин.

Жадвал-1

Ташки савдо обороти режасининг бажарилиши таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа		Ҳақиқатда		Ялпи ҳажми		Режа бажарил иши
	микд ори	баҳо	микд ор	баҳо	режа	Ҳак.	
А-маҳсулот	100	5000	120	6000	50	72	144,0
Б-маҳсулот	80	3000	100	3500	24	35	145,8

Корхона ташки савдо оборот ҳажми режага нисбатан А маҳсулот тури бўйича 44,0 фоиза, Б маҳсулот тури бўйича 45.8 фоизга ошириб бажарилган.

Микдор ва ҳажм узғаришларига таъсир этувчи омилларни таҳлилни ҳам юқоридаги жадвал маълумотлари асосида баҳолаш мумкин.

Корхонада ташки савдо оборот режага нисбатан А маҳсулот тури бўйича 22 минг сумга Б маҳсулот тури бўйича 11 минг сумга ошиши кузатилаган. Бу узғаришлар таъсирини қуйидаги боғланишлар асосида аниқлаш мумкин.

А маҳсулот тури бўйича ялпи савдо ҳажмининг узғаришига таъсир этувчи омиллар таъсири

1. А маҳсулот микдорининг узғариши ҳисоби

$$120-100 \cdot 5000 = +10,0 \text{ минг сум}$$

2. А маҳсулот баҳосининг узғариши ҳисобига

$$6000-5000 \cdot 120 = +12,0$$

$$\text{Иккал омил йигиндиси} = 10,0 + 12,0 = +22,0$$

Б маҳсулот тури буйича маҳсулот ҳажмига узгаришига таъсир этувчи омиллар

1.Б маҳсулот миқдорининг узгариши ҳисоби

$$100 - 80 \cdot 3000 = +6,0 \text{ минг сум}$$

Б маҳсулот баҳосининг узгариши ҳисобига

$$3500 - 300 \cdot 100 = 5,0 \text{ минг сум}$$

$$\text{Иккала омил йигиндиси} = +6,0 + 5,0 = 11,0 \text{ минг сум}$$

Юқоридаги боғланишлар жами маҳсулот катори буйича ҳам бериб утиш мумкин.

4.Импорт операцияларининг таҳлили

Импорт операциялари таҳлилида импорт ҳажмининг режа ва утган йилларга нисбатан узгаришларига ва таркибига, шунингдек ҳудудлар ва мамлакатлар буйича ҳажмига баҳо бериллади.

Импорт ҳажми буйича режа бажарилиши ва динамикаси мутлақ ва нисбий узгаришларда ўрганилади. Унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар аникланади ва баҳоланади.

Импорт ҳажми билан экспорт ҳажми орасидаги нисбат таҳлилнинг муҳим катори ҳисобланади. Улар орасидаги нисбат баланси орқали мамлакат ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулотлари аникланади. Яъни ялпи миллий маҳсулот ҳажмини аниқлашда ташки савдо оборот буйича мутлақ фаркланиш қўшилган чегирилган ҳолда умумий кўрсаткич аникланади.

Ташки савдо оборотида мусбат фаркланишга эга бўлиш шартлари шу асосда бошқарилади ва белгиланади. Бу жиҳат узгаришлар кўпроқ макро таҳлилда ўрганилади ва мамлакат иқтисодининг истикбол кўрсаткичлари дастақларини тузиб чиқишда фойдаланилади.

Импорт ҳажми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият бериллади. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида импорт ҳажми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлилини кўриб утиш мумкин.

2-жадвал

Импорт ҳажми режасининг жарилиши ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа		Ҳақиқатда		Ялпи ҳажми		Режа бажарилиши
	миқдори	баҳо	миқдор	баҳо	режа	Ҳақ.	
А-маҳсулот	50	2000	62	3000	100	186	186,0
Б-маҳсулот	40	1000	60	1500	40	90	225,0
Жами	90		122		140	276	197,1

Корхонада импорт хажми режага нисбатан кескин ошган. Жумладан А маҳсулот тури буйича усиш 86 фоизни, Б маҳсулот тури буйича усиш эса 2,25 мартани ташкил этган. Корхона буйича жами усиш 97,1 фоизни ташкил этган.

Импорт хажмининг узгаришида микдор омил узгариши хисобига ялпи импорт хажми куйидаги узгаришга эга булган.

$$1. (62-50 \cdot 2000 + 60-40 \cdot 1000) = +24,0 + 20,0 = 44,0 \text{ минг сум.}$$

Импорт хажмининг узгариши баҳо омилининг таъсирида ялпи импорт хажми куйидаги узгаришга эга булган.

$$2. (3000-2000 \cdot 62 + 1500-1000 \cdot 60) = +62,0 + 30,0 = 92,0 \text{ минг сум}$$

Ҳар иккала омил таъсирида импорт хажми усиши куйидагича булган.
 $+44,0 + 92,0 = 136,0$ минг сум

5.Эскорт-импорт операцияларидан даромадлар ва харажатлар таҳлили.

Экспорт-импорт операциялари буйича самарадорлик кўрсаткичлари сифатида экспорт-импорт операциялари буйича даромадлар ва харажатларнинг нисбий узгаришларига баҳо берилади ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Экспорт импорт операцияларидан олинadиган фойда суммасининг ошириши биринчидан корхона иктисодий ривожига таъсир этса иккинчи тамондан мамлакат фалюта резервининг шаклланиши ва унинг ортишига имкон беради. Корхона валюта тушумларининг ортиши эса эркин иктисодий ҳаракатда булиш ва чет эл билан алоқаларни ривожланишда муҳитм молиявий таянч булади.

Экспорт операциялари таҳлилида экспорт хажмидан олинган натижа ва унинг рентабеллигига муҳим эътибор берилади. Буни куйидаги боғланишлар асосида аниқлашимиз мукин.

Жадвал-2

Экспорт операцияларидан олинган фойда ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил

Кўрсаткичлар	Утган йил	Хисобот йили	Фарқи
Маҳсулот иш ва хизматлар экспортдан олинган тушум, минг сум хисобида	100000	120000	+20000
Экспорт килинган маҳсулот иш ва хизматлар таннари	85000	95000	+10000
Экспорт хажмидан олинган фойда	15000	25000	+10000
Рентабеллик %	15,0	20,8	+5,8

Корхонада экспорт хажмидан олинган фойда суммаси утган йилга нисбатан 10000 минг сумга ортган. Бу узгариш бевосита экспорт хажмининг еки олинган даромадлар суммасининг узгариши хисобига ҳамда экспорт килинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишал чикариш таннарининг узгариши хисобига руй берган. Буни куйидаги боғланишлар оркали топишимиз мумкин.

Агарда корхона экспорт операциясидан утган йил маҳсулот иш ва хизматларни ишлаб чикариш таннарида жорий давр тушумларига еки даромадларига эга була олганда корхона кушимча канча фойдага эга булиши мумкин эди.

Буни куйидагича аниқлаш мумкин Яъни маҳсулот, иш ва хизматлар жорий давр экспортдан олинган даромад суммасидан уларнинг утган давр буйича ишлаб чикариш таннари чегирилган ҳолда.

$$12000-85000=35000 \text{ минг сум.}$$

Демак корхона бу ҳолатда кушимча 35000 сумлик фойдага эга булган булар эди.

$$1. \text{ Экспорт хажмининг узгариши хисобига олинган фойда суммаси } \\ 35000-15000=+20000 \text{ минг сум.}$$

2.Экспорт килинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннарининг узгариши ҳисобига узгариши

$$25000-35000=-10000 \text{ минг сум}$$

Ҳар иккала омил таъсирида экспорт ҳажмидан олинган фойда суммаси=+20000-10000=+10000 минг сум булган.

Корхонада маҳсулот экспортидан буйича фойдалилик, рентабеллик 5,8 фоизга усган. Бу узгаришни ҳам юкоридаги боғланишда аниклаш мумкин.

$$\text{Шартли рентабеллик} = 25000/100000 * 100 = 25 \%$$

1. Фойда суммасининг рентабелликка таъсири

$$25,0-15=+10,0 \%$$

2. Тушум суммасининг рентабелликка таъсири

$$20,8-25,0=-4,2 \%$$

Ҳар иккала омил таъсирида экспорт ҳажми рентабеллиги 5,8 % га ортган.

